

Бу сонда:

Бизга жавоо йўллайдилар

Севимли ёзувчимиз
Саид Аҳмад 70 ёшда

Гўрўглининг тугилиши

Ота-онаси ташлаб кетган
ёш Шерзоднинг изтироблари

Бурҳон Холиқовнинг
қотили ким?

Биринчи никоҳ кечаси

Шахмат: голиблар



ЁШ КУЧ

6 / 1990

ISSN 0235—1277



Мукәддәс Хәкимова бәш тикүвчиләргә андоза олишни үргәтмәкдә.



Дүст бошга қарайди... Шунинг үчүн ҳам Мунаввар Соатова қизларга чиройли оёқ кийим тикиш сирларини эринмай үргәтәди.



Ип ўраш цехи

А. КУДРЯШОВ суратлари

Мана бундай боғласангизлар жароҳат тез битади, дейди Дилорам Иброҳимова бўлажак ҳамшираларга.



Кичикитойларни нима билан хурсанд қилиш мумкин!
Чиройли ўйинчоқлар билан!

ДУНАР БУЛСА КЎЛИНИНГДА, БАХТ ТОПИЛАР ЙЎЛИНИНГДА



Ҳадемай деворда гўзал сурат намоён бўлади.



236-мактабнинг 10-синф ўқувчилари Нурхон Қурбонова [чапдан ўнгга] билан Муқаддас Ҳошимхўжаева машинкада ёзишни ўрганишади.



Йигирув цехида иш қизгин.



Уста Маъруф Мусабоев Рустам Мирзакаримов [116-мактаб] ва Собир Бўрибоев [245-мактаб]га металлга ишлов бериш бўйича сабоқ бермоқда.

Пойтахтдаги 2-мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори Саидбурхон ака Болтахўжаев билан ўқиш жараёни, муаммолар, режалар, ўқувчиларнинг савияси ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Сўнгга ўқишнинг шу топда қандай бораётганини ўз кўзимиз билан кўриш иштиёқида синф хоналарига бирма-бир кириб кузатдик.

Мана бу синфда ҳамширалар ўқишяпти. Қўшни хонада қизлар тикиш-бичиш сирларини ўрганишяпти. «Чевар» тикув ишлаб-чиқариш бирпашмасидан юборилган ўқитувчи-уста Муқаддас Ҳакимова ўқувчиларга сабоқ бериш билан банд...

2-МЎИЧК уч қаватли бино бўлиб, ундаги ўқув хоналари, цехлар ҳаммаси яхши жиҳозланган. Ўқиш учун ҳам шароит муҳайё. Уйга толаман, бу даргоҳга келишда кўнглимга туккан мақсадим бошқача эди. Асосий эътиборни ишчи кадрларни етиштиришга қаратмоқчи эдим. Нега ўзимизда миллий ишчи кадрлар кам? Нега улар четдан чақирилади? Эки заводлар аҳоли сонидан кўп қуриляптимики? МЎИЧКнинг ишчи кадрлар етиштиришда роли борми? Бу саволларга Саидбурхон ака билан бирга жавоб изладик.

— Биласизми, — дея гап бошлади у вазмин оҳангда, — аввало, бизда юқори малакали мутахассислар тайёрламай касб танлашда ёшларга ёрдамлашиш мумкин. Ишчи касбига яқинроқ келсак, масалан, комбинатда токарликка ҳеч ким бормай, савдо соҳасига, автослесарликка ҳамма ўзини уради.

Нега у токарлик касби бўйича ўқишни хоҳламайди? Ойнаи жаҳон орқали кўпчилик йигитларнинг дўконларда аёллар ич кийимларини сотиб турганликларини кўрсатиб, рўзномаларда ёзишиб танқид остига олинапти. Куч—қувватга эга бўлган йигит нега газли сув дўкончасида ишлайди? Нега у ўзини савдога уради? Танқидларда энгил ҳаётга интилиш, осон пул топишга ружу тилга олинади. Бу фикрларга қисмангина қўшилсамда, уни маъқуллай олмайман. Еш эркак фақат энгил «иш»лиги учун савдода ишлайдими? Наҳот у шунчалик ялқов бўлиб кетган бўлса? Йўқ! Йигит хатти-ҳаракатининг моҳиятида пул, ҳа-ҳа, ўша сабил қолган пул ётади.

Хўп, заводга ишга кирдингиз, дейлик. Маошингиз 200 сўм. Шу пул билан шаҳарда яшаб бўладими?

Энди, нима учун айнан эркак кишиларнинг савдода ишлаш масаласига келсак. Аввало, муслмон оиласида эркак рўзгор учун пул топадиган киши. Шўнгами у уй-рўзгорининг бекамү кўстлиги учун қайғуради. Яхши, ўзича тўқ яшашнинг гарови бўлган — ПУЛ топиш йўллариини излайди. Сир эмаски, у савдодан пул топади. Заводда-чи? Хўп, заводдаги иш ҳақи юқорида саналган маблағларни қопласа, ҳамма заводда ишлайман деб югурмасиди? Худди мана шу ерда, иқтисодий пропорционалликнинг бузилганлиги кўринади.

— Иккинчидан, — деди Саидбурхон ака, — савдо билан шўғулланиб тириқчилик қилиш ота-боболаримиздан қолган касб-одат. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган доно ақида ҳам борку халқимизда.

— Ишчилар синфини шакллантириш учун нималар қилиш керак?

— Мактаб, ота-оналар фарзандлар тарбиясида ишчи касбига меҳр уйғотиши, бунинг учун эса ота-оналар ишлаб чиқаришдаги тўғри тақсимотни, ишчиларга бериладиган имтиёزلарни кўриб, ишонч ҳосил қилишлари керак.

Бизда завод қурилади-ю, тайёр ишчилар изланади. Ўзбекистонда эса янги заводга хос малакага эга бўлган мутахассис ҳадеганда топилавермайди. Завод раҳбарияти пул сарфлаб, маҳаллий халқни ўқитиб, вақтни ютқазиб ўтирадими? Энг осони, четдан одам чақиради, вассалом.

Энди маҳаллий халқ орасидан юқори малакали ишчи кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу борада табиийки, мактаблараро ўқув комбинатлари муҳим ва ҳал қилувчи босқичдир. Зеро, комбинат болаларга касб танлашда дастлабки кўникмани ҳосил қилишда кўмаклашади.

Биз ҳикоя қилаётган комбинатда тикувчи, ип йигирувчи, рассом, дастгоҳчи, қурувчи, косиблик, машинкада ёзиш, кичик ҳамшира, сотувчи каби 14 касбдаги мутахассисликка ўқитилади. Унда Акмал Икромов районидаги 4, 14, 81, 106, 109, 116, 123, 129, 177, 193, 296, 245-ўрта мактабларнинг IX—XI синф ўқувчилари таҳсил оладилар. Комбинатда жойлашган тикув, токарлик, ип-йигирув, ўйинчоқ-йигув, пойабзал тикиш цехлари ёшларга касб ўргатишда амалий ёрдам берапти. Буни ўқувчиларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашди. Демак, болалар ўз комбинатларидан мамнун. Ана шу мамнунлик уларни ҳеч қачон тарк этмаслиги учун катталар кўп ишлар қилиши керак.

Сиз суратларда кўриб турган манзаралар шу даргоҳда олинган.

Ҳалимжон САИДОВ

БОЛА ДУНЁНИ ТЭВРАТАР...

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Диловар ҚОБУЛОВА билан суҳбат



Миллатнинг келажаги она қўлидадир

Мулоҳаза учун факт: Болалар ўлими бўйича СССР Маврикий ва Барбадос давлатларидан кейин 30-ўринда туради. Тенг ҳуқуқли мустақил суверен давлат сифатида эса Ўзбекистон болалар ўлими бўйича 62-ўринда туради. Республикада ҳар йили 500 дан ортиқ она, 25000 дан кўп бола дунёдан кўз юммоқда.

Мухбир: — Она тўққиз ой ҳадик ва азоб билан юрагининг тагида авайлагани — фарзанди ёруғ дунёга келди. Кўз очгани заҳоти яшаш ҳуқуқини талаб қилиб туғуруқхонани бошига кўтарганича чинқиради. Дарвоқе, Диловар Насимовна, сизнинг қанча фарзандингиз бор?

Д. Қобулова: — Иккита ширин қизим бор.

М. — Демак сиз оналик азобини, фарзанд қадрини яхши биласиз. Боланинг миллати бўлмайди. У энг аввало инсоният фарзанди. Демак, у олис Японияда туғилади, ёнгики Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳуриясида таваллуд топади — энг аввало яшаш учун туғилади. Шундайми?

Д. Қ. — Албатта.

М. — Демак, унинг учун туғилаётган ерининг, давлат тузумининг фарқи йўқ. Сиз Ўзбекистон дея аталмиш жумҳуриятнинг Соғлиқни сақлаш вазирининг оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича муовини бўлиб хизмат қиласиз. Республикада миқёсида бугунги кунда болалар ўлими қай аҳволда?

Д. Қ. — 1989 йилдаги маълумотларга кўра ҳар мингга туғилган гўдакдан 38 таси нобуд бўлди.

М. — Рақамлар остидаги ҳақиқатлар солиштириш асносида юз очади. Иттифоқ миқёсида, чет элларда, айтилик Японияда бу кўрсаткич қандай?

Д. Қ. — СССРда туғилаётган ҳар мингга гўдакнинг 22, Японияда 5 таси нобуд бўлади.

М. — Мана, ошкоралик тўғайли жамиятимизнинг, хусусан, республикамиздаги оналар ва болалар аҳволи нақадар аянчли эканини билдик.

Д. Қ. — Матбуотда оналар ва болалар ўлими сабаблари, уларни камайтириш йўллари тўла очилганича йўқ. Хусусан, жумҳуриятимиздаги чақалоқларнинг 50 фоизи, яъни ҳар иккитасидан бири она сутидан қисман ёки бутунлай бебаҳра қолаётганлиги айтилгани йўқ. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ягона негизга қурилиши, муаммо яхлит ҳолда тасаввур қилиниши керак. Яъни боланинг саломатлигини онасиникидан айрим тиклаш мумкин эмас. Мен матбуотда айтилавериб сийқаси чиқиб кетган оддий ҳақиқатни яна таъкидлашни истар эдим. Республикадаги ижтимоий муаммолар — аёлларнинг қишлоқ ҳўжалигидаги оғир қўл меҳнати, улар истеъмол қилаётган овқат калориясининг ниҳоятда пастлиги бартараф қилинмагунча аёллар

ва болалар саломатлигини тўлиқ тиклаш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Мен ҳозир бошқа фикрни ҳам айтиб ўтишни истар эдим. Ҳозир қайта қуриш қадам-бақадм жамиятни олға етаклаётгани ҳаммамизга аён. Хусусан, бугунги кунда республикамиз давлат ва ҳукуматига прогрессив фикрлайдиган, халқ ҳаётини, дардини тушунадиган раҳбарлар келишди. Демак, бугун бўлмаса эртага аёллар ва болалар саломатлигига тўққинлик қилаётган энг катта ижтимоий муаммолар бартараф қилинар, лекин шундан кейинчи?.. Менимча, шундан кейин ҳам бизда қисман аёллар ва болалар муаммоси қолса керак. Ҳар қандай халқ ўз аجدодларининг энг оқил ҳислатларини камолга етказиб, зарарли урф-одатларидан кечгандагина ўз келажагини таъмин қила олади. «Қариндошга қиз берманг» деган қақирик, билмадим, матбуотда таҳминан 20 йилдан буён янграяпти-ю, лекин бу борада ҳалигача жиддий ўзгариш йўқ. Айрим вилоятларимизда қариндош-уруғларга қуда тутуниш ҳоллари ҳануз кўп. Натижада бу муаммо ҳам болалар ўртасида ҳар турли ирсий касалликларга сабаб бўлмоқда. Тўғри, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳда ҳам баъзида соғлом фарзандлар туғилиши мумкин, туғилапти. Лекин халқимизнинг «туя миниб узоқни кўзла» деган доно нақлини унутмаслик керак. Қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳнинг зарари баъзан дастлабки пушда билинмаслиги мумкин. Лекин кейин-чи? Биз етти пуштимизни билганимизда кўп нарсалар қатори қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатларини ҳам теранроқ ҳис қилган бўлар эдик. Доно халқимиз бежиз етти пушни билишга чорламагандир ахир?! Туғайтган аёлларимизнинг 11 фоизи (!) бир йилда икки марта туғаяпти. Фараз қилинг, чақалоғи бир ёшга етмасдан оилада яна фарзанд туғилди. Мен бу фикрларимни «оилани планлаштириш»га қарши турган қаламқашлар тўғри тушунишини истар эдим. Ҳар йили туғиш натижасида аёлларнинг ҳам, чақалоқларнинг ҳам соғлиғи қонкарсиз бўлади. Бу муҳим муаммо Прагада врач-акушерларнинг махсус Жаҳон конгрессида муҳокама қилинган. Анжуман қуйидаги хулосани чиқарган: охири туғуруқдан кейин 2 йил мобайнида аёлнинг бўйида бўлмаслиги керак, шундангина у ўз соғлиғини ва фарзандининг соғлиғини сақлаб қолади. Мен жаҳон врачлари конгрессининг бу хулосаларини қишлоқдаги аёлларимиз (эркаклар ҳам) яхши ўйлаб кўришларини истар эдим.

Яқинда биз Андижон областининг пахтакор ҳўжаликларида бири Избоскан районида яшайдиган 1100 аёлдан оилада нечта фарзанд кўриш истаклари борлигини сўраб чиқдик. 92 фоиз аёллар камида 5 та бола кўриш истagini билдирди. «Худонинг бергани, қанча кўп бўлса, шунча яхши» дейишди кўпчилики.

Бу орзу ҳар қанча олқишга сазовор. Зеро, миллатимиз вақиллари қанча кўп бўлса жаҳондаги нуфузимиз ортади, тилимиз, маданиятимиз яшаб қолишига имкониятимиз кўпаяди.

Фақат избосканлик аёлларнинг бир фикри бизда эътироз уйғотди. Сўраб чиқилган аёлларнинг ҳаммаси бола кўриш «режаси»ни қисқа муддатда, 5—6 йил ичида бажаришга азму-қарор қилишибди.

М. — Сиз аёл туққандан кейин лоақал 1,5—2 йил бўйида бўлмаслиги керак, дедингиз...

Д. Қ. — Биз махсус анкета тарқатиб, шуни аниқладикки, келин-куёвларнинг 76 фоизи ҳомиладорликдан сақлайдиган воситалар ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Аёлларнинг 20—25 фоизи бўйида бўлишининг олдини оладиган воситаларни қўллашга доир маслаҳатни акушер-гинекологлардан олганлар, қишлоқда эса умуман маслаҳат олмаганлар жуда кўп.

«Дин абортга қарши» дейди баъзи бир мутаассиблар. Медицина ҳам абортга қарши, зеро, у аёлнинг саломатлигини хавф остида қолдиради. Гап эмизикли онанинг ҳомиладорликдан эҳтиёт бўлиши ҳақида кетяпти. Донолар «худойим ҳам сақланганини сақлайман» дейди. Хуллас, илгари «соғлом танда соғ ақл бўлади» дейилган бўлса, энди «соғлом ақл соғлом тан яратади» дейиш мумкин.

30.000 врач етишмайди?..

М. — Замон, қайта қуриш даври оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда қандай ўзгаришлар ясади? Ҳал қилиниши керак бўлган яна қандай муаммолар бор?..

Д. Қ. — Юқорида ўзингиз айтганингиздай, қайта қуришнинг энг муҳим шарофати — биз бу муаммоларни рўй-рост элга ошкор қилдик. Демак, бутун жамоатчилик, энг муҳими давлат эътибори ана шу муаммога қаратилди. Натижада хусусан, болалар ўлими анча камайди. Агар 1986 йилда республикамизда ҳар минг тирик туғилган болалардан 46 таси бир ёшгача нобуд бўлган бўлса, 1989 йилга келиб бу кўрсаткич 37,8 га тушди. Лекин бу кўрсаткич ҳам ҳеч кимни қониқтирмайди.

Гўдаклар ўлимини камайтиришда болалар шифонасини малакали кадрлар, турли техника асбоб-ускуналари, хусусан, бир марта ишлатиладиган шприцлар билан таъминлашнинг аҳамияти катта. Шу босис, биз 1989 йилда республикамиз ёшларини медицина институтига қабул қилишни кўпайтирдик, бошқа республикаларга врач тайёрлаш учун 1775 ёшни жўнатдик. Иттифоқ министрлиги жумҳуриятимизни турли техника воситалари билан таъминлашни яхшилади. Бир марта ишлатиладиган шприц муаммосини ҳал қилиш учун Тошкент вилояти Тузель посёлкисидан шундай шприцлар ишлаб чиқарадиган корхона Испания фирмаси билан ҳамкорликда қурилмоқда.

Қайта қуриш шарофати билан бугунги кунда бўшаб қолган кўпгина маъмурий биноларда болалар касалхоналари, туғруқхоналар ташкил этиляпти. Чорасизлик тўғайли тутилган бу йўлни доим оммалаштириб бўлмайди. Чунки маъмурий биноларга касалхоналарни мослаштириш осон кўчмаяпти. Биз эндиликда болалар ва аёллар учун намунали бинолар қуришни йўлга қўйишимиз керак. Республика ҳукуматининг камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларни овқатлантириш учун ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасидан бошлаб кунига 2 сўмдан ажратиши катта воқеа бўлди.

Муаммолар ҳам жуда кўп. Масалан, ана шу икки сўмга сифатли овқатлантиришни ташкил этиш, маҳсулотлар билан таъминлаш барча вилоятлар, ноҳияларда яхши ташкил этилмаяпти. Матбуотда, оммавий ахборот воситаларида аҳолига санитария маданияти тушунчаларини, меҳнат, турмуш ва дам олишнинг оптимал шароитларини таъминлайдиган асосий тадбирларни татбиқ қилишни кенг ёритиб бериш керак.

Болалар ўлимига юқумли ва паразитар касалликлар ҳам кўп сабабчи бўлишини ҳисобга олиб, республикамизда XIII беш йилликда 15000 ўринга эга 150 болалар юқумли касалхонаси қуришни пайсалга солмаслик керак. Қолаверса, бизда юқумли гепатит ва ўткир ичак касалликлари билан оғриган болалар кўплигини, юқори нафас олиш йўллари билан касалланган болалар йил сайин кўпайиб бораётгани ва улар муолажага муҳтож эканини ҳисобга олиб ҳар вилоятларимизда 200—250 ўринга эга «Она ва бола» санаториялари қуришимиз керак. (Бу ҳақдаги таклифларимиз юқори совет органларига тақдим қилинган).

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар ўлимини камайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар кўп. Булар орасида врачлар малакасини ошириш муаммоси муҳим аҳамиятга моликдир.

М. — Диловар Насимовна! Кулгили ҳам ачинарли ҳол: бармоқлари пианоно клавишлари устида чопқиллаганда дағаллашмаслиги, қийналмаслиги учунгина Тошкент Давлат Консерваторияси талабалари пахтадан озод қилинганликлари ҳолда, жумҳурият медицинасининг бугунги қолақ аҳволига қарамай, бўлажак шифокорлар бир ойлик вақтларини ҳамон қишлоқ ҳўжали ишларига сарфламоқдалар. Натижада, мана редакцияларга жойларда шифокорларнинг малакасининг ҳақида шикоятлар оқими тўхтамаяпти.

Д. Қ. — Сиз ҳақсиз. Бўлажак шифокорлар энг аввало ўз касбларини чуқур ўрганишлари зарур. Биз бу муаммони бир неча марта министрлик коллегияларида кўриб чиқиб, мулоҳазаларимизни юқори партия ташкилотларига ҳавола этганмиз. Уйлаймизки, бу масала яқин орада ижобий ҳал қилинса керак... Талабаларни пахтага жалб этишда кейинги йиллардаги ўзгаришлар шундай дейишимизга тўла асос беради.

М. — Гап кадрлар ҳақида кетаётган экан, жойларда малакали тиббий ёрдамнинг кўнгилдагидай эмаслиги жумҳуриятимизда шифокорларнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлса керак?

Д. Қ. — Гарчи кейинги икки йил мобайнида педиатр-врачлар 1660, акушер-гинекологлар 310 нафарга кўпайса ҳам барибир бу кам...

М.— Яқинда матбуот конференциясида жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртоқ С. М. Бахромова республикамиз учун бугунги кунда 30.000 врач (1) етишмаслигини маълум қилди. Менимча, аслида бизга бундан ҳам кўпроқ врач етишмаса керак. Гап саноқда бору, узрли сабаблар билан ишламаётган кадрлар ҳақида кетяпти. Булар — ҳомиладорлик отпускасидан фойдаланаётган шифокорлардир. Бугунги кунда қўлимиздаги маълумотларга кўра салкам 13 минг врач, 51 минг ҳамшира уч йиллик аналик отпускасига чиққан. Утган йилларда Американи тараққиётда қувиб ўтишга беҳуда чиранганимиз каби, касби тақозосига кўра кечаю-кундуз тиним билмаслиги зарур бўлган (бизнинг урф-одатлар шароитида!) шифокорлик касби учун ҳам аёлларни эркаклардан кўп тайёрладик. Бунга эришдик ҳам. Педиатрия институти талабаларининг 89% и ҳамон аёллардир. Улар наинки жинси тақозосига кўра 3 йиллик ҳомиладорлик таътилидан фойдаланадилар, балки она сифатида ўз фарзандлари касал бўлганда, «больничный»га чиқадилар, аёл киши сифатида кечалари тунги навбатчиликда турмайдилар — мана аёл врачларни меъёридан ортиқча тайёрлашнинг аянчли оқибатлари. Энди бу аҳволни зудлик билан тузатиш, медицина институтларига тиббий соҳаси қолақ бўлган республика ички эҳтиёжидан келиб чиқиб, асосан йигитларни қабул қилиш керак.

Д. Қ.— Биз ҳам бу муаммога тўқнаш келганмиз. Лекин уни қандай бартараф этишни билмаймиз. Узингиз ўйланг, мактабда йигитларга қараганда қизлар ўқишга кўпроқ берилганлар — демак, кириш имтиҳонларида ҳам уларнинг қўли баланд келиши шубҳасиз. Шахсан мен врачлик касбини аёллар учун мос деб ҳисоблайман. Жинсини ажратиб конкурслар ўтказиш эса Соғлиқни сақлаш вазирлигининг имкониятида иш эмас.

М.— Ривожланган мамлакатларда бундай муаммо парламент йўли билан ҳал қилинади. Масалан, Европа давлатларида депутатлар парламент мажлисларида муҳокама қилиш асносида у ёки бу соҳада аёллар ва эркаклар мутаносиблиги таъминланади. (Мухбир изоҳи: Ушбу муаммони мақола тайёрланаётган кезлари — апрель ойининг бошларида Узкомпартия Марказий Комитетида Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари билан ўтказилган матбуот конференциясида кўтарганимизда министрлик раҳбарлари ҳақиқатан бу муаммо тўғрисида кўп йиллардан бери олдилар. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа бир муовини, жумҳурият халқ депутати Қўлаҳмад Тошпўлатович Ризаев келгуси сессияда уни парламент мажлисида олиб чиқишга сўз бердилар.)

Ногирон болалар муаммоси

Мулоҳаза учун факт: Бугунги кунда республикамиздаги психоневрологик диспансерларда ақлан заиф, болалар параличи хасталиги билан 10000 га яқин бола ҳисобда туради.

Тутқаноғи бор, лекин эс-ҳуши жойида бўлган болаларнинг сони — 3349; тутқаноқ ҳам ақлан заиф болалар 975 та:

шизофрения — 183 та, бошқа руҳий касалликлар билан — 1911 та, Мажруҳ ва ақлан заифлар — 22.049;

Булардан бошқа шаклдаги ақлан заифлар — 6292; Жаъми республика бўйича 14 ёшгача бўлган болалар орасида 44.757 нафар инвалидлар мавжуд.

Улар ҳам тиббий ёрдамга, ҳам социал ҳимояга муҳтождирлар. Болалари учун ҳам алоҳида озик-овқат магезини очган, чап қўли ёки оёғи носоғ, ёхуд организмнинг бошқа ерида қусури бўлган ва шуни даволашга йўналтирилган маҳсулотларнинг мингдан ортиқ турини дўконга тўкиб қўйган японларга-ку, ҳавас қилмайлик.

Болалар хасталикларини, ўлимини лоақал иттифоқ даражасида тўтиб туришни ҳўжалик ҳисобига ўтаётган, тенг ҳуқуқли мустақил суверен давлатга айланаётган республикамиз ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билиши керак.

Зеро, болаларини ўйлаган халқнинггина келажаги бўлади!

Д. Қ.— Гарчи кейинги йилларда ҳукумат томонидан соғлиқни сақлаш муаммоларини бартараф этиш учун маблағлар ажратили кўпайса-да, биз ҳўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган меҳнат коллективларидан, ташкилотлардан спонсорлик ёрдами беришларидан ҳам умид узмаймиз. Агар оналар ва болалар саломатлигига бефарқ қарай олмайдиган ташкилотлар ҳомий сифатида кўмак бермоқчи бўлсалар улар министрликка 41-18-52 телефонни орқали хабар беришларини илтимос қилар эдик.

М.— Уйлаймизки, корхоналар ичида бундай спонсорлар албатта топилади. Биз эса, Диловар Насимовна, сиз орқали саломатлигимизнинг барча посбонларига машаққатли, эзгу ишларида сабот тилаб қоламиз.

Сухбатдош: Бахтиёр КАРИМОВ

Мактабни битириш вақтидаги кўп нарсалар ҳамон эсимда. Ушанга ҳам етти йил бўлибди. Битириш имтиҳонларини қандай топширишни кўп ўйлардик. Ахир ўқимиз керак бўлган вақтнинг учдан бири пахтазорда ўтган бўлса...

Кейин мактабимиз аҳволи ҳам ночор эди. Эшик ва ромлари омонат синфхоналар, ёмғир ёғса кўлга айланувчи стадион, номигагина бор буфет, ҳамма вақт фақат ўзларининг фикрларини тўғри деб билувчи муаллимлар, эски ҳужрага ўхшаш кутубхона...

Уйда-чи? Дарсдан сўнг тўрт-беш қорамолга ўт келтириб бериш, мактабга бормасдан томсувоқ қилиш, домлаларникидаги ҳашар. Хуллас буларнинг ҳаммаси бизнинг пешонамизга битилган эди. Бизга ёзда пионер лагерига бориш тушдек бир гап эди. Аҳвол шундай бўлгани учунми, охири ўқитувчилар «мардлик» қилиб ким ўқишга бораман деса, баҳосини «4» ва «5» қилиб берди. Бу бизнинг ўқув йили давомида сарсонгарчилигимиз учун ёрдамиди, ёки одамгарчилик юзасидан қилинган мурувватиди?! Лекин ўша яхши баҳо олган синфдошларимнинг кўпчилиги ҳамон ҳаётда ростмана ўз ўрнини тополгани йўқ. Улардаги эътиқод, ирода мактабдаёқ лат еб бўлган эди. Бу эса ҳатто олий даргоҳда ҳам ўз таъсирини сездирарди.

ҚИШЛОҚДА ЎҚИШ ОСОНМИ?

Давримизда янгиланиш бошланганига ҳам 5 йил бўляпти. Хўш, қишлоқ мактаблари ҳаётида ижобий ўзгариш бўлдики? Юқорида келтирилган муаммолар қандай ҳал қилинмоқда? Шуларни аниқлаш мақсадида Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясидаги Ф. Хўжаев номли 59-ўрта мактаб ўқувчилари билан суҳбатладим.

Мухтор Еқубов, 10 «А»-синф битирувчиси: Келажакда расом бўлмоқчиман. Лекин ниятимга эришиш учун кўп қийналмас керак. Сабаби мактабимиздаги бугунги ҳаёт бизни ҳеч ҳеч қониқтирмайди, ўқувчиларда эрк етишмаётгандек. Расм ва чизмачилик дарсларидан сира қониқмайман. Мактабда зарур нарсаларнинг боридан йўғи кўп. Уйда вазифа қилиш учун шароит оғир. Бир хонада оиламиз билан ҳам яшаймиз, ҳам дарс қиламиз, ҳам дам олиб телевизор кўрамиз.

Уктам Утаев, 10 «А»-синф: Дарсдан бўш вақтларимни кўпроқ телевизор олдида ўтказгим келади. Берилаётган концерт программаларини кўриб қуйлаётган хонандаларга ҳавасим ортади. Қани энди бизда ҳам бадий ҳаваскорлик тўғрақлари очилиб, барча қизқувчилар жалб этилса. Бундан икки-уч йил олдин мактабимиз пионерлари хонасида рубоб, най, доира бор эди, энди ҳаммаси қаёққадир ғойиб бўлди. Мен истардимки, таниқли санъаткорлар, актёрлар, шоир ва ёзувчилар қишлоқ мактабларига келиб қизиқарли адабий учрашувлар ўтказишса, ўзларининг ҳаёти ва ижодлари тўғрисида гапириб беришса, биз улардан катта фойда олардик.

Шариф Жўмашев, 10 «Б»-синф: Мен ҳам Уктамнинг фикрига қўшиламан. Мактабимиз билан қўшни мактаблар ўртасида катта фарқ бор. Айниқса, кутубхонамиздаги аҳвол ночор. У ердан истаган китобларингни топиш учун нақд ярим кун вақт кетади. Кейин китобларнинг аксарияти рус тилида. Бу тилни пухта билмайдиганларга уларни ўқишдан нима наф. Биз ўзимизнинг ҳозирги замонавий ёзувчиларимизнинг, классикаларимизнинг, чет эл ижодкорларининг асарларини ўқишни хоҳлаймиз...

Сурайё Ғойибова, 10 «Б»-синф: Ҳозир матбуотда ҳам, радио телевидениеда ҳам қайта қуриш тўғрисида кўп гапирилмоқда. Назаримда шунга яраша ўзгариш бўлмаётгандек. Ёки

амалга оширилаётган ишлар пухта ўйлаб кўрилмаётими? Бизга 9-синфдан тракторшунослик дарси ўтилади. Унга хоҳ қизиқинг, хоҳ қизиқманг, қатнашинингиз шарт. Шу пайтгача бирорта дугоналаримдан тракторчи бўламан деганини эшитганим йўқ. Бунинг ўрнига қизлар учун эстетика, пазандалик маҳорати, тикувчилик каби дарслар кўйилса қандай бўларкин?

Иқбол Тожиёв, 9 «Б»-синф: Биз учун ўзлаштириш қийин бўлган фанлар фақат бешинчи, олтинчи соатларга қўйилади. Беш соат ўқишга, яна синфхонага бош суқиш тиш оғриғи билан баробар десам лофмас. Баъзан дарсдан зўр-базўр судралиб чиқасан-да, буфетга қараб юрасан. Кошкийди, шунча чарчаганимга яраша у ерда иштахангни очадиган арзонроқ егулик топилса... Мактабимиз ҳовлисида бир оз дам олай десанг, бир туп дарахт йўқ.

Дилрабо Эшимова, 10 «Б»-синф: Низомжон тўғри фикрни айтди. Йигитларимизнинг катта қисми ўнинчи синфдалигидаёқ папирос чекишни одат қилиб олмоқда. Бунинг сабаби нимада? Зерикишми ёки сиқилишмикин? Мана ҳозир ўнинчи синфда ўқиямиз, лекин шу пайтгача бирор марта мактабимизга кинофильм келтирилганини билмаймиз. Вақти-вақти билан мактаб хотин-қизлар кенгаши томонидан кенгроқ синфхонада «Қизлар мажлиси» уюштирилади.

У ерда ўтиришга жой етмайди, сабаби мактабимизда 300 дан ортиқ қизлар ўқишади. Йиғилиш давомида кўриладиган масалалар юзасидан баҳслар энди авжига чиқа бошлаганда ўқувчилар орасида тоза ҳаво етмаслигидан ўзини ноҳуш сезишлар, қайт қилиб кўчага отилиб чиқиб кетишлар бошланади. Натижада ўртага ташламоқчи бўлган фикрларимиз тиш орасида қолиб кетаверади.

Мана қисқагина суҳбат давомида қишлоқда ўқийдиган ўқувчиларнинг бир талай ташвишлари борлигига гувоҳ бўлдик. Ўқиш ва ўқитиш муаммолари тўғрисида кўйиниб тортишаётганлар орасида муаллимлар ҳам бор эди.

Тошмамат Қўрбонов, химия ўқитувчиси: Ўқувчиларнинг фикрларига мен ҳам тўлиқ қўшиламан. Бир санаб ўтган камчиликлар кўп-лаб қишлоқ мактабларида мавжуд. Бугун ҳар томонлама баркамол ўқувчи тайёрлаш учун аввало мактаб ислоҳотини тезкорлик билан қайта яхшилаш зарур. Масалан, химия фанини амалий тажрибаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо биз бугун амалиётни қуруқ гаплар билан безаймиз холос. Тажриба учун моддалар йўқ.

Абдурахмон Эшимов, математика ўқитувчиси: Бундан 4—5 йиллар олдин ўрта мактабларда ЭХМ фан сифатида ўтилмас эди. Яқинда у ўқув программасига киритилди. Аммо, ярми ўлда, ярми жўлда қолиб кетмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳарбий таълим, химия фанларидагидек ЭХМда ҳам қуруқ назария ҳоким. Бугунги ўқувчини тарбиялаш шунчалик мушкулки... Синф раҳбари сифатида уларни мактаб формасида юришини талаб қилишининг ҳам, қилмаслигининг ҳам билмайсан. Сентябрь ойида сотиб олинган кийим-бошлар икки-уч марта ювилгач, кийишга ярамай қолади.

Нормурод МУСОМОВ,
ТошДУ толиби.

РЕДАКЦИЯДАН: Ушбу мақолада тилга олинган мактабдаги ўқиш ва ўқитиш ҳусусидаги камчиликлар, мактабдаги ночор аҳвол ҳақида Самарқанд вилоятидаги, қолаверса, Иштихон ноҳиясидаги халқ таълими раҳбарлари жиддийроқ бош қотириб кўришар. Биз улардан бу масалада жавоб кутамиз.



Ошкоралик туфайли, айниқса Фарғона фожияларидан кейин ишсизлик муаммосини ҳал қилиш жумҳуриятимиз кун тартибидagi долзарб масалага айланади. Уни бартараф этишнинг чора-тадбирлари изланмоқда. Мухбиримизнинг вилоятдаги энг йирик ноҳиялардан бири Киров райони комсомол кўмитасининг саркоотиби Илҳомжон Урозалиев билан сўхбати ана шулар ҳусусида.

— Биз тушган кема узоқ сарсон-саргардонликдан кейин, ниҳоят қирғоққа етиб келди. Лекин бу — йўлбошчилар башорат қилган макон эмасди. Биз гуллаб-яшнаган, жаннатмисол диёрга интилган эдик. Аммо шомолу бўронлар кемани йўлдан адаштирди. Тақдир бизни ўзга қирғоққа итқитиб ташлади. Бу вазиятдаги бош вазифа-кемани тузатиб йўлга чиқишдан иборат бўлмоғи лозим эди. Лекин биз бунинг ўрнига кема дарғаларини айблаётдик. Марҳумларга таъна тошларини отиб, бир-бировимизни қоралашга тушдик. Миллатлар ўртасида адоват, низолат туғилди. Наҳотки бизнинг нурли манзил ҳақидаги орзуларимиз саробга айланган бўлса! Бугунги кунда мамлакатимизнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида кўтарилаётган тўс-тўполонлар барча инсонларни ташвишга солмоқда.

Илҳомжон Урозалиев. — Сизнинг мулоҳазаларингизни тинглаб «Комсомольская правда»нинг жанубий Қозғистон бўйича мухбирининг сўзлари ёдимга тушди.

«...Қайғимиз равон сузмоғи учун ҳамма эшакчилар бараварига куч сарфлашлари зарур. Агар улар баҳсга киришсалар, ҳаракат қилиш ўрнига ёқа бўғишсалар унда қайиқнинг олға ҳаракат қилиши у ёқда турсин, аксинча, тўнтарилиб кетиши, демак, эшакчилар ҳам, уларнинг энг яхши умидлари ҳам фарқ бўлиши турган гап».

— Бу ҳам тўғри ўхшатиш. Шу каби фикрлар ҳақида кўп ўйлайман. Бугунги мураккаб вазиятда комсомолларнинг роли қандай бўлмоғи лозим! Умуман унинг ўрни ва салмоғи борми! Агар бўлса Фарғона воқеаларида уларнинг иштироки қандай бўлди!

И. У. — Ҳозирга келиб эскича идора усули халқимизга ёқмай қолди. Раҳбарликнинг янгича муносабат ва методлари ҳали шакллангани йўқ. Тўғрироғи сайланаётганлар етарли тажрибага эга эмас. Лекин ёшлар билан ишлаш борасида комсомолнинг ўрни бўлиши шубҳасиз. Ҳозиргидай эмас, албатта. Ё бугунги кун ёшлари лоқайд ёки етакчиларимиз уларнинг кўнглига йўл топа олмапти. Шу сабаб уюшмаимиз расмий бир ташкилотга ўхшайди. Уни жонлантириш, янгича, замонага мос руҳ олиб кириш керак. Адолат билан айтсак, кўмитамиз аъзоларининг ҳаётда ўз ўрни бор. Лекин салмоғи кўнгилдагидай эмас. Фарғонада юз берган воқеалар баъзи раҳбарларнинг бепарволигидан, миллатимизга қилинган адолатсизликдан келиб чиқди. Бундан баъзи бир галамислар фарзди мақсадларида фойдаланиб қолди. Албатта, бунда асосий ролини ёшлар ўйнади. Биз ҳали ҳам таъсирчанлик, қизиқ-қонлиқдан кутула олмаган эканмиз. Талаб ва истақларни тинч йўл билан ҳам баён қилиш мумкин-ку, ахир. Айниқса одамларнинг қони тўкилганлигини оқлаб бўлмайди. Комсомолларнинг етарли ёрдамини ололмаганимиз бизнинг маъқеимизни ночорлигини кўрсатди. Бунга тан олмай иложимиз йўқ.

— Жанжалнинг туб илдизлари ҳақсизликда-да. Айтишларича, ёшларимизнинг иззат-нафсига текканлар. Ахир босса қурбақа ҳам «вақ» этади-да. Лекин сиз айтгандай, қизиққонлигимиз бошимизга кўп маломатлар олиб келди. Биз дардимизни айтишни, ҳақимизни талаб қилишни ўрганишимиз керак.

И. У. — Турмушимиздаги етишмовчиликлар ҳам руҳиятимизга таъсир қилмай қолмайди. Энг аввало кишиларнинг моддий турмушини яхшилашимиз керак.

— Бригададан дағал хашак чопгани юборишганда қолхоз комсомол кўмитасининг котиби бир тангаси ариқча тушиб кетганида уч кишини сувга тушириб излатган эди. Кейинчалик ҳам ўзининг кимлигини кўрсатди. Янги тузилган совхознинг директор ўринбосари бўлган йилиёқ порохўрлиги учун ишдан олинди.

И. У. Бундайларнинг тарбияси ҳам яхши бўлмаган. Етишмовчилик кишини ҳасис қилиб қўяди. Бу ҳусусият боласигаям ўтади. Гоҳи бекатлардаги ўтириқчиларнинг тахтасини кўчириб кетишади. Арзимас туюлувчи бу нарсани кўриб югагимга ғусса чўқади. Қачон ҳурликка етамиз-у-у!

— Қишлоқ шаронти оғир. Бунинг устига ишсизлик муаммоси барча ёшларни қийнаб келяпти. Урта мактабни 57 та ўқувчи битирган эдик, қизларнинг баъзи бировларини айтмасак, биронта тенгдошимиз қолхозда ишламайди. Улар узоқ шаҳарларга, чўлга бориб ишлайди. Ахир қачонгача бола-чақасининг дийдорига зор бўлиб тирикчилик ташвишида юради!

И. У. — Биз ҳам бундай муаммолардан хабардормиз. Ҳарбийдан қайтган йигитларни иш билан таъминлашга интиляпмиз. Лекин истак билан талабни қондириб бўлмайди-да. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида ҳам бу масала кўрилди. Аҳолининг йил сайин тез суръатлар билан ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, муаммони қисқа вақтда ҳал қилиш қийин. Республикаимиз хўжалик ҳисобига ўтса бундай қийинчиликлар барҳам топар? Пахтани қайта ишлайдиган завод ва фабрикалар қуриш зарур. Бусиз ишсизликка барҳам бериб бўлмайди.

МУАММОНИНГ ЕЧИМЛАРИ ТОПИЛАДИ

— Уй-жой муаммоларини ҳал қилишда комсомолнинг роли қандай бўляпти! Шу йилнинг ўзида ёшлардан неча киши кўмита кўмағида ишга ўтди!

И. У. — Ёшларимизни уй-жой билан таъминлаш масаласи деярли ҳал бўлди. Ноҳияимизнинг ҳамма хўжаликлариди ёш оилаларга томорқа берилди. Энди эса уларни қурилиш материаллари билан таъминлашимиз керак. Қўлдан келганича комсомолларимизга кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз. Авваллари биз раҳбарларнинг топшириғи билан иш тутсак, энди улар ҳам бизнинг талабларни инobatга оляпти.

Қанча йигит-қизни ишга жойлашишига кўмаклашганимизнинг аниқ рўйхати йўқ. Лекин «Бешариқ» совхоз-техникумида қурилган иккита гишт заводиға асосан ёшлар олинди. Тикувчилик, касаначилик ишларини йўлга қўйганмиз. Аҳолиға уй қуриб бериш ташкилоти тузганмиз. Йилиға 450 минг сўмлик иш бажаради. Афғонистонда хизмат қилганларға алоҳида ёрдам кўрсатишни планлаштиряпмиз. Матбуотимизда яхши гаплар, истақлар, мулоҳазалар айтилмоқда. Фақат ҳаммаси қарорларнинг амалға оширилишиға боғлиқ. Агар тадбиркор хўжалик раҳбарлари бўлса, ишчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

— Ҳозир автобусда келаётиб, қонда семичка олиб келаётган аёлларни кўрдим. Ижара пудратидан ҳам даромад қилиш қирин бўп қолди, дейишади. Ўтган йили икки гектардан ошиқ ер беришган экан. Бу йил ўшанинг ярмиси тегибди.

И. У. — Қолхоз, совхозларда ишловчилар сони кўп-да. Уларға иш топилмаганидан кўпинча жавоб беришга тўғри келяпти. Баъзи жойларда бир кун аёллар, бир кун қизлар ишлаяпти. Богдорчилик совхозини қарз ҳисобидан ишчиларға ойлик беряпти. Бунинг устига томорқалар ҳисобига пахта экилади-дан ҳосилдор ерлар яна камайди. Ишловчилар эса кўпайди. Чунки чўлда ишлаётган ёшлар томорқа олиб ўзимизга ишга кирди. Демак, йиллик даромад камаяди.

— Оила эса катта, уй-жой қилиш керак. Ўғил уйлаш керак. Ёйиш-ичиш ҳалиги... эрталаб нон, тушликка нон. Бунинг устига ун ҳам сероб эмас.

И. У. — Қишлоқда меҳнат кўп, роҳати оз. Ҳатто болалар ҳам хўжалик ишларидан ортмайди. Ҳаммасини кўриб-билиб турибмиз. Бироқ... Эртанги кунимиз яхши бўлишиға умид кўнгилға таскин бери туради.

— Қишлоқдаги баъзи уйларға кирсангиз туриш-турмушларини кўриб юракларингиз ачишиб кетади.

И. У. — Қайси қолхозда ўша уйлар?

— «Искра»да.

И. У. — Ана шунинг учун ҳам тадбиркор раҳбарларни кадрлаш керакда. Қўшни «Москва» қолхозини дағи хўжаликларға кирсангиз фарқни тушуниб етасиз. Қолхоз ноҳияимиздагина эмас, вилоятимиздаги бой хўжаликлардан.

— Комсомолда ҳам ўшандай йўлбошчилар бўлса қанийди...

И. У. — Бўлса эмас, бўлиши шарт. Бугунги кунда ана шундай етакчиларға ёшларимиз муҳтож.

— Бундай ёшларни тарбиялаш учун қабулга эътиборни кучайтириш керак. Ўзингизни комсомолға ўтганингизни бир эслаб кўринг-а!

И. У. — Эсламан-ку, лекин?.. Тўғриси айти-верайми?

— Айтинг.

— Футболни зўр ўйнаганмизда. Ушанда севимли «Пахтакор»имиз ноҳияимиз терма командасининг меҳмони бўлган эди. Ана ўша ўйиннинг натижасини сўраб қабул қилишган.

— Ҳозирги сўроқлар ҳам ўшандан қолишмаса керак. Бизни ҳам тўғри пахтазордан олиб келиб, неча кило пахта тераётганимизни сўраб қабул қилган эдилар. Уйлашимча, комсомолға 17 ёшдан

бошлаб қабул қилиш керак. Ушандаям ўз хоҳиши билан, устат талабларидан бохабар бўлса.

— **И. У.** — Бу мулоҳазангизға қўшиламан. Дастлабки йилларда аъзолар сони камайиши мумкин. Бироқ иш яхши олиб борилса, комсомолға ўтиш ҳам фахр бўлиб қолади. Бугунги кунда ижобий томонға ўзгаришлар юз бермоқда. Мустақиллигимиз баробарида ёшларнинг бизга ишончи ортмоқда. Лекин амалға оширадиган ишлар кўп. Мактаб билан алоқани яхшилаб, қабулга эътиборни кучайтирмоқчимиз.

— Ана шу биринчи планда турмоғи лозим.

И. У. — Биз жуда кўп ҳолларда айбни ёшларнинг ўзига қўйиб келдик. Лекин уларнинг ҳолидан хабар оладиган кимса бўлмади. Қишлоқ ёшлари орасида комсомолнинг обрўйи йўқ, десак хато бўлади. Бироқ ишни бундан ҳам яхшилаш мумкин. Кўмитамиз ёшларнинг ишончига, сув билан ҳаводай зарур эҳтиёжига айланса. Аксарият ёшларимиз қишлоқларда истикомат қилади. Ҳозирги кунда ҳисобимиздаги 163 комсомол ташкилотиди 121 минг йигит-қиз бор. Бу жуда улкан куч.

— Шубҳасиз. Ҳамма гап ундан фойдалана билиш-да. «Ёш куч»ни ўқиб борасизми!

— Албатта. «Ёш куч» бугунги кунда ҳаётимиз кўзгусига айланиб бормоқда. Унинг ҳаётийлиги, ёшлар юрағиди дағдларни кўтариб чиқиши ёқади. «Нажот истаган кўнгил», «Гулсум Шоймонованин пушаймони ва тавбаси» мақолалари айниқса маъқул бўлди.

Истагим, севимли журналимиз ҳаётимизнинг қувончли, ибратли томонларини ҳам ёритса. Ҳозир гўё ҳамма ёқ оҳ-воҳга тўлиб кетгандай. Барча ўзининг йиртиқ чопонини кийиб кўчаға чиққанға ўхшайди. Ахир бизнинг қувончли дамларимиз ҳам борку. Шу жиҳатдан наврўз байрамининг кенг ишониланиши жуда яхши бўлди. Ана шундай қувончли воқеаларни «Ёш куч»да ўқишни истардик.

Мен улар билан хайрлашиб йўлга чиқар эканман, Илҳомжон аканин сўзлари фикру хаёлимни банд этганди:

Ишсизлик муаммосининг ечимини юқоридаги раҳбарларға боғлиқ.

Ана шу юқоридагиларға умид, одамларнинг ташвишлари деб уларнинг ҳам олиб-юғураётганлигига ишонч ҳислари мени қамраб олган эди.

Сўхбатдош: Абдураҳмон ЖУРАЕВ.

ЖАМИЯТИМИЗДА ҲАҚИҚИЙ ЗИЁЛИЛАР КҮЧПАЙСИ



Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон ССР халқ депутати, профессор Алимардон Абдулхамидов билан суҳбат

Мухбир: — Алимардон Абдулхамидович, мамлакатимизда қайта қуриш бошланганига беш йилдан ошди. Эндиликда қайта қуриш ва покланиш жараёни ижтимоий ҳаётда, иқтисодий ҳаётда, маънавиятда, илм-фанда акс этмоқда. Бу жараён Сиз раҳбарлик қилаётган институтда қандай бормоқда?

Алимардон АБДУЛҲАМИДОВИЧ: — Ҳар бир соҳада ишнинг пировард натижаси унинг моддий-техника базаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан биз партияимиз бошлаб берган қайта қуришни ўқув биноларимизни яхшилашдан бошладик. Вилоят партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг бевосита иштироки билан турғунлик йилларидан институтимиз учун чала «мерос» бўлиб қолган 1200 ўринга мўлжалланган янги беш қаватли ўқув биносини фойдаланишга топширдик. Бу бино энг замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланган.

Институтимизда 8750 нафар талаба бўлиб, уларнинг 4550 нафари кундузги бўлимда таҳсил оляпти. 1850 талаба ётоқхона билан таъминланган холос. Ижарада турувчи талабаларга квартира ҳақи учун 92 минг сўм ажратилган. Ётоқхона муаммосини ҳал этиш мақсадида айни пайтда институт маъмурияти яна иккита ётоқхона қурилиши ишларини жадаллаштирмоқда. Бизда спорт ва ҳарбий таълим курси бўлишига қарамай спорт зали йўқ эди. Ўз ташаббусимиз билан Фрунзе кўчасидаги ташландиқ жойда спорт майдончаси очдик.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, айтилик политехника институтларида қурилиш бошқармалари бор. Педагогика институтларида бу нарса йўқ. Масалан, институтимизнинг маъмурий биноси — тарихий обида. Чунки аввал бу ерда рус гимназияси бўлган. Эндиликда у аста-секин ўзининг санитар ҳолатини йўқотмоқда. Бу эса ортиқча ҳаражат талаб қилади. Албатта, фонд бўлмагач, оддий бир фишт топи ҳам, транспорт масаласи ҳам муаммо. Министрлик институтларни фонд билан таъминлашга дурустроқ эътибор бериши керак.

М. — Турғунлик йилларида бизни кўпроқ кадрларнинг сифати эмас, балки сонини қизиқтирар эди. Эндиликда бу масалага эътибор тубдан ўзгарди. Чунки эскича ёндашув жамиятга жуда катта маънавий зарар етказди. Шу ўринда билимдон ва ҳар томонлама етуқ ўқитувчи кадрлар тайёрлаш юзасидан қандай амалий ишлар олиб борилаётганини айтиб ўтсангиз...

А. А. — Ҳозир ўқув жараёнлари устидан қатъий назорат ўрнатилган. Методик кенгашлар фаолияти активлаштирилди. Унга кўзга кўринган обрўли ўқитувчиларимиз жалб этилди. Кафедраларнинг ўзида талабалар учун мактаб типидagi кабинетлар ташкил этилиб, педагогик муҳит юзага келди. Энди бу ерда талаба ўзини мактабдагидек ҳис этади. Студентларнинг практикаси ҳамisha ўқитувчилар назоратида. Биология факультетимизнинг талабалари ўзларининг шаҳар ташқарисидаги 6 гектарлик ер участкаларида тажриба ўтказишиб, назарий билимларини амалда синаб кўришяпти. Лабо-

раториялардаги 48 та компьютер ҳам студентлар хизматида.

Яна бир муҳим муаммо устида тўхталиб ўтсам. Эндиликда қурилиш отряди деган номақбул практикага педагогика институтларида чек қўйиш керак. Талабаларимизнинг асосий ишлаб чиқариш базаси мактаб ва боғча бўлиши шарт. Шунда кадрлар сифати янада яхшиланади.

М. — Домла, мактаб ҳақида сўз очиб қолдингиз. Шу ўринда студентлар қабули, мактаб ва институт ҳамкорлиги ҳақида бир оз тўхталиб ўтсангиз.

А. А. — Ҳозир профессор ва ўқитувчиларимизнинг фаолиятлари, институтимизнинг моддий-техника базасининг барча имкониятлари малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашга қаратилган. Аввало анъанавий қабул шартларини қайта кўриб чиқдик. Қабул комиссиясига малакали профессор — ўқитувчилар жалб этиляпти. Кафедралар қошидаги педагогик синфларнинг тажрибали ўқувчилари ҳам ишга жалб қилинапти. Шунингдек, ота-оналар ва жамоатчилик комиссияси қабул ишида бевосита иштирок этмоқда. Имтиҳонда абитуриентларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳам қатнашмоқда.

Қабулда ўқитувчиларга эҳтиёж кучли районларга, шунингдек, байналмилалчи жангчилар, ота-онасиз ўсган болалар, инвалидлар, мактабни олтин медалга битирган ўқувчилар ҳисобга олинапти.

Айни пайтда Қувасой шаҳри, Қува, Фарғона, Олтиариқ ва Риштон ноҳияларидаги бир неча мактабларда ҳам институтимизга студентлар танлаш қоидаларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бориляпти. Бу эса ўз навбатида мактабларни битирувчилар орасидан иқтидорли ёшларни олий ўқув юртларига танлаш имкониятини беради. Илгари қишлоқ жойлари ўқувчилари хўжалик ишлари билан кўпроқ банд бўлишиб, ўрта мактаб программасини тўла ўзлаштиролмас эдилар. Бу ўқишга киришда катта қийинчиликлар туғдирар эди. Шуни ҳисобга олиб, биз қишлоқ мактабларига оталиқ ёрдамни кучайтирдик.

М. — Маълумки, жумҳуриятимизда «Ўзбекистон ССРда Давлат тили тўғрисидаги қонун» қабул қилинди. Ана шу қонун юзасидан институтда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

А. А. — Давлат тилини амалга ошириш олий мактаблар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Институтда ўзбек тилини ўрганишга кўмаклашувчи уюшма ташкил этганмиз. Унга филология фанлари доктори, профессор Акбарали Мадрозиёв бошчилик қилмоқда. Уюшма олимларининг мақсади эски араб алифбосини ўрганиш, шунингдек, таржимачилик билан шуғулланишдир. Уюшма фаоллари областимизнинг турли саноат корхоналари ва муассасаларидаги меҳнаткашларга 16 жойда ўзбек тилини ўрганишда кўмаклашмоқдалар.

М. — Домла, ҳар йили олий ва ўрта махсус

ўқув юртларига ўқишга кириш очикдан-очик «эпидемия» тусини олади. Шу даврда билимли, билимсиз ўқувчилар ўзларининг бахтларини синаш мақсадида биринчи навбатда олий даргоҳларига кириш учун ҳаракат қилишади. Кўпроқ билимсиз ўқувчилар, уларнинг ота-оналари таниш-билиш ахтаради, пора бериб, ўз оиласини моддий томондан абгор қилади. Оқибатда жамиятимизда яна бир текинхўр пайдо бўлади.

Пора бериб, ўқишга кирган ўқувчи мутахассис бўлгач, энг аввало институтга сарфлаган харажатини чиқариб олиш пайдидан бўлади. Сиз бу ҳақда нима дея оласиз!

А. А. — Порахўрлик ёмон иллат. Аммо унинг туйнукларини беркитиш учун барча бирдек курашмайди. Агар пора талаб қилган шахсни дарҳол маъмурий органларга билдириб сўнг «иш кўрилса» ҳалигача жамиятимиз қанчадан-қанча губорлардан тозаланган бўларди. Айтилик, бизнинг институтда бундай салбий ҳолат бўлмаган. Мабодо кириш имтиҳонларида заррача ноҳалоллик бўлса, ректорат унга одилонга баҳо беради. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳаётда содда ва лақма одамлар кўп. Улар қандайдир «даллол»ларнинг гапига учиб, бошларини чангаллаб қолишади. Бу иллатнинг олдини олиш учун кириш имтиҳонларида жамоатчилик комиссияси ишлаяпти. Унинг таркибида партия, совет, комсомол ходимлари, уруш ва меҳнат ветеранлари бор. Шунингдек, ота-оналар ва ўқитувчилар жамоатчилиги комиссияси мавжуд. Мандатлар халқ ўртасида ўтказиляпти. Утган йили жумҳурият олимпиадаларида яхши ўринларни эгаллаган ўқувчиларни имтиҳонсиз қабул қилдик. Мактаб тарбиячилари, пионер вожатийлар, музика ва ҳарбий-таълим раҳбарлари кимда икки йиллик иш стажига эга бўлсалар сиртқи бўлимларга имтиҳонсиз суҳбат натижалари асосида қабул этилди.

Олий ва ўрта махсус билим юртларида кам бўлса-да, учраб турадиган порахўрликни йўқотиш шартларидан бири — ошкоралиқдир.

М. — Сўнги савол: Институт юбилейи муносабати билан илм даргоҳи фаолиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

А. А. — Институтимиз республикадаги энг тўнғич олий ўқув юртларидан биридир. Институтимиз ташкил этилганидан буён 47,5 мингдан зиёд кадр тайёрланди. Институт ҳозирда фақат Фарғона водийси учунгина эмас, балки қардош Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон жумҳуриятлари учун ҳам ўқитувчилар тайёрлаб берапти. Ўқув даргоҳимизда 18 факультет мавжуд. Айни пайтда 38 миллат вакиллари таълим олмақда.

М. — Мароқли суҳбатингиз учун катта раҳмат. Сиз орқали институтингиз коллективини қутлуғ 60 ёши билан журналхонлар номидан самимий муборакбод этамиз.

Суҳбатдош: Абдурахмон УСМОНОВ

Болалар ноласи

Салом «Еш куч»! Мактабимизга келиб болаларни урсанг уларга таъсир қилмайди. Чунки улар ўқитувчилардан таёқ еб қотиб кетишган. Химия ўқитувчимиз Абдурахмон Эшпўлатов бизларни шундай урадики, таёқ зарбидан бир еримиз ё кўкариб, ё шишиб чиқади. Мактаб раҳбарлари бу ўқитувчига гинг дейламайди. Чунки мактабимизда ягона химия фани ўқитувчиси шу кишидир. Мактабдаги барча ўқувчилар шу кишидан кўрқадилар. Агар химия ўқитувчиси ишдан ҳайдалса, ўқувчилар химия фани бўйича саводсиз бўлиб қолармиш. Мана бугун — 16 февраль куни у 10 «Б»-синф ўқувчиси Шопўлатов Шухратни, яъни мени шундай урдик, туғилганимга минг пушаймон едим. Бир вақтлар уста боксчи бўлган бу ўқитувчи бошимга шундай муштладик, каллам шишиб чиқди. Уқитувчимиз ураётганда 3—4 та ўқитувчи кулимсираб қараб туришди, томошабин бўлиб. Улар бу боксёр ўқитувчига бир оғиз, «нега болаларни ураясиз?» — деб айтмадилар. Химия ўқитувчимизнинг қулоғи оғир, гапга унча яхши тушунмайди. Хали сиз унга гап тушунтирмасдан туриб уриб кетаверади. Мактабда ҳамма бола ундан кўрқади. Уни ёмон кўради. Агар унга айбини айтсангиз тамом, сиз билан ўчакишиб қолади. «4», «5» баҳога ўқисангиз ҳам бирон бир баҳона билан «2», «3» баҳо қўяверади. Бизлар-ку, бир йил ўқиб мактабни битириб кетамиз. Лекин биздан кейин яна қанча укаларимиз ўқиши керак-ку?! Илтимос сизлардан. Бизга ёрдам беришингизни сўраймиз. Биз бу хатни яширинча ёздик. Агар билиб қолса, бизга ўчакишиб қолади. Шунинг учун билдирмасдан келишингизни сўраймиз. Шу ўқитувчидан калтак еб, кўзлари «тўрт» бўлган 21 ўқувчи ҳам хатга имзо чекишди. Илтимос, биз таърифга сездирмай келиб, боксчининг ҳунарини бир кўринглар.

Адресимиз: Сурхондарё вилояти
Кумқўрғон ноҳияси
Гагарин совхозидagi 19-мактаб

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳар қандай шароитда ҳам болага тан жазоси беришни оқлаб бўлмайди. Уйлаймизки, Кумқўрғон ноҳия халқ маорифи бўлими раҳбарлари ушбу оддий ҳақиқатни химия ўқитувчисига уқдириб қўйишининг (гарчи у уста боксчи бўлса ҳам) улдасидан чиқади.

ОНАЖОНИМНИ СОҒИНДИМ

Ерданингизга муҳтожман. Сизларга ўзимни таъиништирай. Мен она меҳрига зорман. Ешлигимизда онам бизни ташлаб кетган. Мен ўшанда 9 ойлик, онам 2 ёш, онам ҳам ҳаёт. Отам келиб туради, Чодак деган қишлоқнинг турмуша бор деб онам болаларим чиққанга ўйламайди. Она ҳам ҳеч ўйламайди. Она ҳам шунчаллик тошмеҳр бўлади-ми? Мен онамни ҳамон илтизорлик билан кутялман.

Савринисо НУРАЛИЕВА,
Чамкент вилояти
Келес ноҳияси
Чанаев номида совхоз

Қайси асрда яшаймиз?..

Хурматли «Еш куч»! Хонадонларимизга ҳамон чиқроқ тортилмаган. Биз XIX асрда яшаймизми, ёки XX асрдами, ахир?! Биз ҳам телевизор кўришни, одамлар каби яшашни истаймиз. Мактабимизнинг аҳолиларига маймун йиғлайди. Синфларнинг поли ва шифти йўқ. Бизда буфет, медпункт йўқ. Чироқ тагида ўтириб дарс қиламиз. Биз шунақа мактабда таълим оламиз. Биздан Ватан нимани кутади, билмаймиз. Қишлоғимизда биронта одам касал бўлса, уни шаҳарга олиб бориш учун 50—60 км йўл босишга мажбурмиз. Шунда ҳам то йўловчи машинани тўхтатиб рози қилгунча эсимиз кетади. Бунақада касал одам омонатини топшириб қўйиши ҳам ҳеч гапмас. Майли, бу камчиликлар кейин бир гап бўлар. Ҳозирча «Еш куч», сен бизга чироқ туширтириб, дилчимизни ёруғ қилсанг бўлгани

Сурхондарё вилояти
Денов ноҳиясидаги
7-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.

Ҳаётдан тўйдим

Мен 1965 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳияси Каттақайнар қишлоғида туғилганман. Бу ердан Киров ноҳиясининг Жангкетмон қишлоғига келин бўлиб тушдим. 1984 йилда тўйдимиз бўлиб ўтган эди. Мана беш йил ичида иккита фарзандли бўлдим. Турмуш ўртоғим мен келин бўлиб тушганимда ҳеч қаерда ишламас эди. Ҳозир ҳам бир жойда ишламайди. У уйининг эркаси экан. Мен бу ҳовлида 4 йил яшаб заррача меҳр-шафқат кўрмадим. Қайнонамга «ўғлингиз бирор жойда ишламайди, ишласин» десам, ҳали у ёш, дедилар. Еш бўлса нега уйлашади? 1988 йил кузида мен шу уйнинг жанжалларидан зерикиб 2 болам билан онамларникига кетдим. Кейин нафақа учун ариза бердим. Киров ноҳия халқ суди аризангиз фалон куни кўрилади дейишди. Айтилган куни борсам эрим келмади. Кейин яна чақиртиришди. Уларга эрим Сирдарё вилоятида ишлайман, дебди. Улар менга «мана, эрингиз ишлайпти экан, ўша иш жойига ҳужжатларини жўнатиб юборамиз» дейишди. Орадан 3 ой ўтиб Киров ноҳия халқ судига яна борсам, «ҳужжатларингизни жўнатиб юбордик, алимент келади, келмаса бориб оласиз» дейишди. 1989 йил январь ойидан бошлаб далага чиқдим. Иккала боламни орқамдан эргаштириб юриб ишладим. Июль ойида далага райкомдан келишган эди, шароитимни айтсам, кичик боламни боғчага жойлаштиришга ёрдам беришди. Лекин 5 ёшли қизим ҳалиям далаларда орқамдан эргашиб юрибди. Болаларимга 12 сўмлик нафақа пули олиш учун ҳам, боғчага справка бериш учун ҳам қийналиб юрибман. Дадасининг иш ҳақи тўғрисида справка бўлмаса болангизни боғчадан қайтариб оласиз, дейишяпти. Мен нима қилай? Қаерга бориб арзу додимни айтишни билмайман. Бир қишлоқ аёли бўлсам, ўзимни бир нима қилай десам, 2 ёш гўдагимни ўйлайман. Умидим сизлардан, ёрдам бериңлар.

Дилбар СУЛТОНОВА,
Фарғона вилояти Ўзбекистон ноҳияси
Пахтақайнар колхоз

Умиданинг умиди сендан

Ушбу ёзган хатим тез ва оз кунлар ичида менинг севимли журналим «Еш куч»га етиб борсин. «Еш куч»! Сен менга ёрдам бери! Яшайдан мақсад калтак ейиш ва сўкиш эшитишдан иборатми? Мен қиз бола азобида ўтади. Шунинг учун оиламда яшашни хошламайман. Азиз «Еш куч» мени Тошкентга олиб кетди. Еки дадамга қороз ёзиб бердим. Акс ҳолда мен ўзимни ўлдириб қўяман бу уйда. Яхшиям синфдошларим, ўқитувчиларим бор. Улар мени хурмат қилишади. Мени ёлғиз қўйишмайди. Илтимос, журналга адресимни ёзма. Сенга умид кўзини тикиб.

Умида ЖАББОРОВА.

Дадамизни соғиндик

Ешим 13 да. Бу мактубни сизларга қанчалик дарду алам билан ёзаётганлигимни билсангиз эди. Бундан бир неча йил муқаддам бизни — аям, икки синглим ва мени дадам ташлаб кетганлар. У кишининг касби артист. Саҳналарда кўпроқ ижобий роллари ижро этади. Наҳотки, яратаётган қаҳрамонларининг ички кечинмалари дадамни шафқатли бўлишга ундамаса? Ҳатто дадам катта отам ва онамни ҳам йўқламайдилар. Фарзанд доғида катта онам адои тамом бўлдилар. Касалхонадан бошлари чиқмайди. Аямнинг ҳам пинҳона кўз ёшлар тўкишини биламан. Лекин биздан яширадилар. Тенгдошларимиз билан Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли театрга борганимизда дадамни саҳнада бутунлай бошқа инсон сифатида кўриб сингилларим билан йиғлаб ўтирамиз. Бизга дадамнинг мол-мулк эмас, меҳри, қувончи керак. Мана неча йиллардан бери дадам биздан хабар олмайди. Уроқларим «даданг нима иш қилади» деб савол берса бошим эгилиб кўзларимдан ёш оқади. Болалар олдида эзилман. Хурматли редакция, биз опа-сингилларда нима гуноҳ, қачонгача ўроқларимиз олдида изза бўлиб қоламиз? Қачон биз дадамнинг қучоқларини тўлдириб ўтирамиз? Наҳотки дадам театрда ижобий

Меҳримизни дариф тутмайлик!

Салом «Еш куч!» Мен сенинг ҳамма сонларингни ўқиб бораман. Менга жуда ёқасан. Мени шу хатни ёзишга бир воқеа мажбур қилди. Қайта қуриш деймизу, «ҳамма яхши нарсалар болаларга» деган гап бизнинг давримизда номига холос.

Автобус бекатида тургандим. Кун совуқ, гулдиллаб қор ёғаетган эди. Бекатда ҳамма қатори болалар уйининг тарбияланувчилари автобус куттишар, чунки улар ҳар шанба уйларига ошиқишарди. Автобус келди. Лекин шофёр бу болаларни автобусга мундирмади. Чунки уларнинг на пули, на йўл талони бор эди. Шофёр уларга шунчалик бақирдики, бояқишлар мажбур ерга бор ноҳиясидаги Навоий номили мактаб-интернатнинг раҳбарлари лоқайдлиги учун нега болалар азоб чекиши керак? Нега ўз

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳақиқатан, Гўзал синглимизнинг куюнгани тўғри. Бизда етим болаларга меҳр-шафқат ҳисси камайиб кетяпти. Мисол учун журналхошимиз ўз мактабида тилга олиб ўтган йўл талонини олиб кўрайлик.

Мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларга КПСС Марказий Кўмитаси ва СССР Министрлар Советининг 1987 йил 31 июлдаги жорий этилган. Билет унинг эгасига билет жорий этилган. Билет кинотеатрга бўш жой бўлган тақдирда кинотеатрларга, спорт иншоотларига, кўрғазмаларга текинга кириш, шунингдек, сахар атрофига қатнайдиغان жамоат транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини

вақтида шу ўқувчиларга йўл талонини тўғрилаб беришмаган? Шу аҳволда бу болалар бекатда ўтираверсалар уйларига қачон етиб боришади? Болалар интернатга ҳар хил районлардан — Ғузордан, Чироқчидан, Қарашайдан, Деҳқонobodдан қатнашади. Керакли бекатларига улар бир сўм агрофида пул тўлашлари керак. Оилада ё отаси, ё онаси йўқ етим болалар бу пулни қаердан тақдирда ҳам улар интернатда бир ҳафта бўлиши пулларига ширинликлар олиб қўйишади. Чунки улар бола-да! Илтимос, ҳурматли «Еш куч», 4-сонли мажбурият мактаби раҳбарларига тайинла! Болалар бечораларни улар йўл талонлари билан ўз вақтида таъминлашсин. Тақдир уларни шунисиз ҳам камситгани етар.

Гўзал НОРЧАЕВА

Беради. Билет Совет Иттифоқининг бутун территориясида амал қилади. Ҳар ҳолда қарорда шундай деб ёзилган. Афсуски, бунга кинотеатр, томошагоҳлар, жамоат транспортда кўпинча амал қилишмайди. Бўш жой бўлган тақдирда ҳам етим болалар у ерга кўйилмайди. Мактаб-интернатда болаларга ҳар ҳафта берилиши лозим бўлган озгина пул ҳам кўпинча очкўз амакилар томонидан тўла қилинади. Биз республика вилоятларида маориф тармоғига раҳбарлик қиладиган ўртоқлардан болалар уйдаги бундай тартибсизликларни назорат қилиб туришларини, жамоатчиликдан эса етим болаларга меҳр-шафқатли бўлишларини сўраймиз.

Тарбиясиз тарбиячи

Менинг 5 та болам бор. Уларни минг азоб билан ўзим боқаяман. Эрим 1986 йили бир болани ўлдириб қамалган эди. Қамокдан қайтгач, бизни ҳайдаб юборди. Сабаби нелигини билмайман. Биз ҳозир кўчада қолдик. Ердан бер, «Еш куч!» Бормаган жойим қолмади. Менга, болаларимга ҳеч ким ёрдам бермади. Эрим педагог. 5 фарзандини унутган муаллим ҳақида нима дейиш мумкин? Бизни ёзиб чиқар, ҳамма эшитсин.

Раъно ФОЗИЛОВА,
Ленинбод вилояти Панжикент ноҳияси
Сужно қишлоғи.



Бахтсизмиз...

Ешим 18 да, лекин дунё менга қоронғу, яшайдан чарчадим. Мен Хўжайли шаҳрида туғилганман. Аҳ ҳар кун ичиб келиб, маст аҳволда оймни урадилар. Бизлар урманг дейишга кўрқамиз. Отам бизларни одам эшитмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб уради. Оилада 6 фарзандимиз. Онам бир кун уйда бўлса, бир кун касалхонада. Ойим касалхонадан қайтганида деб яна тегиб урадилар. «Ойим ҳозир 50 ёшда бўлсалар ҳам, 80 га кирганга ўхшайдилар. Уйга биронта ўртоғим келишга кўрқади. Келса, отам сўқади. Мен бу гапларни кимга айтишни билмай, сена ёздим, азиз «Еш куч»им! Уйимизда жанжалсиз кун йўқ. Отам оймни кўчага сочларидан судраб чиқиб урганида биз-Шунақа вақтда кўлимдан келса дадамни ўлдириб қўйгим келади. Бир-икки марта ўзимга ўт қўймоқчи ҳам бўлдим, лекин оймни лаш билан ўтгапти. Куним йиғмиёга борсам, ўша ёқларда қолиб кетишим аниқ. Қашимиз керак? Мен армияга кетсам шунақа қилиб яшакечади? У ҳам кўрган кунини қарғаб ўтирадимми? Айсизлардан илтимос, исм-фамилиямни ёзсангиз ҳам адресимни ёзманглар.

Имонсиз бўлмайлик!

Мен 9 фарзанднинг отасиман. Хатимни сиз матбуот фидойиларига йўллашга жазм қилдим. Яқинда журналларингизда болаларнинг «Яшайдан бозор бўлдим», «Дардисар бўлиб қолдим», «Айбим нима билмайман», «Янги ота-она топаман» сарлавҳали фарёд тўла хатларини ўқидиму, кўзим тиниб бошим айланди. Юрагимда бир оғриқ пайдо бўлди. Илгари ҳеч бундай аҳволга тушмаган эдим. Умр бўйи инсонларнинг соғлигини сақлаш, уларга тез ёрдам бериш даргоҳида хизмат қилиб биронта ҳам дори ичмаган эдим. Уша кун биринчи марта дори ичиб ўзимга келдим. Булар қандай бағри тош ота-оналар эканки, ўз жигаридан бино бўлган болаларини шундай азоблашса?! Ахир шу мақсадда улар болаларини дунёга келтиришганмиди? Бечора болаларнинг гуноҳи нима?

Ҳурматли редакция! Ҳаммамиз ҳам фарзанд ўстиряймиз. Бунақа имонсиз одамларни номма-ном айтиб элга шарманда қилиш керак. Истагим шу озор чекаётган бахтсизлар давлат уйларига ёки тирноққа зор ота-оналарга берилса, уларнинг бошларида чироқ ёнсаю, ота-оналари томоша қилса...

Иброҳим САТТОРОВ,
Сурхондарё вилояти Бойсуи ноҳияси
касалхонасининг ходими.

қаҳрамонлар образини яратаётганда ўз жигарбандларини кўз ёшларга солиб қўйганини билмасе, бирор кун эсламасе?! Ҳозирги кунда ҳам дадам Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли театрда ишлаб келяпти. Ҳурматли редакция! Сизлардан илтимос, дадамизни инсофга чақириб беринглар.

Жиззах ноҳиясидаги К. Марк совхозини,
Самарканд кўчаси 98-уй,
Моҳира ПРИМОВА.

РЕДАКЦИЯДАН: Бу сондаги «Қатортолга мактублар» да бавосита ёки бевосита болалар тақдирини «қаламга олинган». «Катталар олдида қанчалар гуноҳсиз бўлиб борганим сари, болалар олдида шунчалар осийман...» Бир ҳинд донишмандининг ушбу фикри бугун барчамизни ўйлантирмоғи лозим.

Ўзбекистонимизнинг поёнсиз сарҳадларида Умидаю, Бахтиёрлар тунлари қон йиғлаб чиқар экан, кеча-кундуз ишлаб биринки бўлмаган ота-она «аламини» масъум болагинасидан олар экан, тарбиячиси ўқувчинини мушт билан «камолга» етказмоқчи бўлар экан, бундай ўлканинг келажаги қандай бўларкин, деган азобли ўйлар кўнглимиздан ўтади.

Биз бугун ҳаммамиз бир овоздан келажакимиз ҳақида бор овозда гапирайлик. Тобакай, жабрдийда фарзандларимизга турмушнинг оғир мушти келиб тушмасин.

БАХТСИЗ ХУДОЙБЕРГАНОВ

Бахтиёр, йўқ
Бахтсиз ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Обуначи доим ҳақ

Хоразм вилояти Янгиариқ ноҳия алоқа бўлими маъмурияти куйидагиларни маълум қилади. Сизларга юборилган шикоят бўйича текшириш ўтказилди. Олланазарова К. билим олаётган «Коммуна» мактаби ўқитувчи ва ўқувчилар коллективи билан учрашиб суҳбатлашилди. Текшириш натижасида аниқланишига кўра ҳақиқатан ҳам «Еш куч» журнаlining 10-сонидан шу пайтда 7 та кам берилган, унинг ўрнига 8 та «Саодат» журнали берилган. Лекин декабрь ойида 10-сондан 7 та «Еш куч» эгаларига тўлиқ тарқатилган.

Журнал ўз вақтида тўлиқ берилмаслигининг асосий сабаби шундан иборатки, ноҳия алоқа узелига ҳар ойда «Еш куч» журналидан 1195 та келиши керак бўлгани ҳолда ноябрь ойида 1160 та келган. Қолган 35 таси кечикиб, обуначиларга 4-5 декабрда тарқатилган. Ўртоқ Олланазарованинг шикояти район алоқа узелининг почта бўлими ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинди. Алоқа узелининг буйруғи билан почта бўлими Абдуллаев Р. ва «Олга» алоқа бўлими бошлиғи Содиқов, почта жўнатмаларининг сараловчиси Қодир Каримовлар огоҳлантирилган.

Алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Исқандарова газета-журналларни ўз вақтида обуначиларга етказишни қаттиқ назоратга олиш топширилди. Езишмага шикоятчининг тушунчаси илова қилинди. Ноҳия алоқа бўлими маъмурияти «Еш куч» журнали редакциясига ва ёш обуначи миз Олланазаровага ишимиздаги камчиликларни ўз вақтида очиқ-ойдин кўрсатганликлари учун миннатдорчилик билдиради ва 1990 йилда шу камчиликларни такрорламаслик учун ноҳия аҳолисига алоқа хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора ва тадбирларини ишлаб чиқадилар.

Янгиариқ ноҳия алоқа бўлими бошлиғи С. СОДИҚОВ

Энди пенсия тўланмоқда

Қашқадарё вилояти Чироқчи ноҳияси социал таъминот бўлими «Еш куч» томонидан юборилган хатта куйидагиларни ёзиб маълум қилади.

Ноҳиядаги В. И. Ленин совхозининг Қўчқорбулоқ қишлоғида яшовчи Ериева Бўрнинг аризаси текширилди. Қонуан Норкулов Ориф вафот этгандан кейин Орифнинг укаларига чиқадиган пенсия катта синглиси Норкулова Жамилага чиқини керак эди. Лекин ноҳия социал таъминот бўлимига мурожаат этилмаган. Умақай алоқа бўлими томонидан ҳам 1989 йил октябрь ойида Ориф номинга чиқадиган пенсия у вафот этганлиги сабабли оила 4 ой мобайнида пенсия олмаган. Шу 4 ой олинмай қолган пенсия пуллари «Еш куч» дан хат келгач Норкулова Жамилага топшириш учун Умақай алоқа бўлимига ёзиб чиқарилди. Мархум Норкулов Орифнинг оиласига, яъни Ериева Бўрига ҳам 1989 йил октябрдан 2 нафар ёш боласига 55 сўм ва болалар саккиз ёшга етмаганлиги ҳамда онанинг ишламаётганлигини ҳисобга олиб 18 сўм 30 тийин, она улуши ҳар ойга 73 сўм 30 тийиндан пенсия тайинланиб тўланмоқда.

Чироқчи ноҳия социал таъминот бўлимининг мудир А. НОРҚОБИЛОВ.

Нафақа ундириб берилди

Қашқадарё вилояти Яккабоғ ноҳия халқ суди Будённий совхоз Ажрим қишлоғида яшовчи Гулнора Эштўхтарованинг «Еш куч» журналияга ёзган аризасини текшириб чиқди. Жавобгар Хайитов Юсуф шу совхоздаги автогаражда слесарь бўлиб ишлайди ва унинг ойлик иш ҳақидан ҳар ойда совхоз бухгалтерияси томонидан 1/3 қисми миқдоридан алимент ушланиб даъвогарнинг адресига юбориб турилган. Лекин шу текшириш натижасида совхоз бухгалтерияси томонидан СССР Юстиция Министрлигининг 1986 йил 14-октябрь кундаги алимент ундириш тўғрисидаги қўлланмани қўпол равишда бузган ҳолда алимент ундирилган ва шунинг натижасида даъвогарга 1989 йил ҳисобидан 166 сўм кам алимент юборилган. Ушбу алимент суммаси 1990 йил 21 февраль кунда даъвогарнинг отасига сарф-ҳаражат ордери билан бухгалтерия томонидан берилди. Будённий номи совхоз бош бухгалтер алимент ундиришни ўз вақтида назорат қилмаганлиги ва совхоз бухгалтерия алиментни тўғри ундирмаганлиги учун халқ суди томонидан 20 сўм жарима солинди.

Яккабоғ ноҳия халқ судининг раиси Н. СУЯРОВ.

БИЗГА ЖАВОБ

Аризачига тушунтирилди

Фаргона вилояти Ленинград ноҳия прокуратура-си томонидан «Еш куч» журнаlining хати билан юборилган С. Умурзоқованинг аризаси текширилди.

Аризачи Умурзоқова прокуратурага таклиф қилиниб, суҳбатлашилганда у инвалидлигини аниқлаб бериш учун 1990 йил январь ойида ноҳия поликлиникасига мурожаат этганлигини, врачлар кўригидан ўтмасдан туриб «Еш куч» редакциясига пенсия олиб беришда ёрдам сўраб ариза юборганлигини, врачлар кўригидан 1990 йил 16 февралда ўтганлигини ва уни III группа инвалиди деб топишганлигини, лекин у врачларнинг хулосасидан норози эканлигини билдиргани учун қайта комиссиядан ўтишлик шу йил 23 мартга тайинланганлигини баён этди.

Ноҳия прокуратураси томонидан аризачи Умурзоқовага шу комиссия хулосасидан сўнг пенсия тайинлаш масаласи ҳал этилиши тушунтирилди.

Ноҳия прокурори Р. ҒАНИЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Шикоятчининг шикояти март ойида адолатли ҳал қилинганлигига ишониб қоламиз.

Мактаб қурилади

Сурхондарё вилояти Денов ноҳия халқ таълими бўлими Сизнинг 23 февраль 1990 йилдаги хатингизга куйидагиларни маълум қилади:

Райондаги «Правда» газетаси номли 17-ўрта мактабнинг IX «В»-синф ўқувчиси Абдулҳаева Муҳаббат ўзи таълим олаётган мактаб замонавий эмаслиги, мактаб биноси эскириб кетганлиги, спорт зали йўқлиги ҳақида редакцияга мактуб йўллаган.

Ҳақиқатдан ҳам мактаб биноси 1957 йилда хом ғиштдан 450 ўқувчига мўлжаллаб қурилган. Ҳозирги кунда 1379 нафар ўқувчи тўла икки синфда ўқимокда. Синфдан ташқари машгулотларни ўтказиш учун қийинчиликлар мавжуд. Мактаб дирекцияси 1988 йилда мактаб нураба кетаётганлиги ҳақида ноҳия халқ таълими бўлими ва колхоз правлениеларини хабардор қилган. Эҳтиёт чоралари кўрилган. Шундан кейин ҳам вилоят партия кўмитасига икки марта, шаҳар партия кўмитасига, ноҳия ижроия кўмитасига икки мартадан ва Ўзбекистон ССР халқ депутатига мактабнинг аҳоли тушунтирилиб мурожаат қилинган.

Денов ноҳия ижроия комитетининг 14.01.1989 йилдаги хатига 360 ўринли замонавий кўшимча бино қурилиши 1990 йил планга киритилганлиги ёзилган эди.

Ҳозирги кунда бино қурилаётган жойнинг тупроқларидан анализ олиш ишлари бошланган. Бинонинг қурилиши 1991 йилда бошланади. Замонавий икки қаватли спорт зали, мажлислар зали, ошхонаси бўлади.

Ўқувчиларга қулай шароит яратиш мақсадида шу мактаб базасидан колхознинг Гулистон қишлоғида 450 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиши давом этмоқда.

Хуллас, шу мактаб территориясидан 360 ўринли, шу мактабга қарашли микроучасткадан 450 ўринли мактаб бинолари қурилади.

Денов ноҳия халқ таълими бўлими мудир А. ЖАЛИЛОВ.

Транспорт ажратилди

Охунбобоев ноҳия ижроия кўмитаси Сизнинг 1990 йил 14 февраль хатингиз юзасидан куйидагиларни маълум қилади:

Шикоятда А. Ниёзов номли совхоз территориясига жойлашган Ильич номли 8-ўрта мактаб ўқувчилари кўшини қишлоқдан пиёда қатнаётгани ҳақида ёзишган. Шикоят район ижроия комитети томонидан жойига бориб ўрганилди. Факт тасдиқланди.

Ҳозирда ўқувчиларнинг мактабга қатнашлари учун А. Ниёзов номли совхоз дирекцияси томонидан транспорт ажратилди.

Охунбобоев ноҳия ижроия кўмитасининг раиси М. ОСМАНОВ.

Пенсия оширилди

Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминоти бошқармаси Тасаллаева Идиянинг «Еш куч» журналия редакциясига ёзган шикоят хати асосида унинг пенсия ишнини кўриб чиқиб куйидагиларни маълум қилади. Ўртоқ Тасаллаева Идияга боқувчисини йўқотганлик пенсияси давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомнинг 71-бандига асосан 16 йил 9 ой умумий иш стаж билан 168 сўм 75 тийин, ўртача ойлик иш ҳақидан оиланинг 3 меҳнатга қобилиятсиз аъзоси учун 84 сўм 38 тийин миқдоридан 12 июнь 1989 йилдан бошлаб нотўғри тайинланган.

Тасаллаева Идиянинг мархум эри Шомуродов Тоштемирнинг 13 йил 4 ой 28 кун узлуксиз иш стаж учун 10 процент кўшимча пенсия кўшилмай қолган.

Ўртоқ Тасаллаева Идияга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдорини пенсиянинг биринчи марта тайинланган кун 12 июнь 1989 йилдан бошлаб 84 сўм 38 тийиндан 92 сўм 81 тийинга кўпайтириш мумкин.

Муборак ноҳияси ижтимоий таъминоти бўлимига Тасаллаева Идиянинг пенсияси миқдорини 92 сўм 81 тийинга ошириш ҳақида фармойиш чиқардик.

Пенсия миқдорини бундан бошқа оширишнинг имкони йўқ.

Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминоти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. РАЗЗОҚОВА.

Ёрдам уюштириляпти

Журнал редакциясига Тангриева Насиба номидан келган шикоят бўйича куйидагиларни хабар қиламиз.

Тангриева Н. 1988 йил сентябрь ойида 45-хунар-техника билим юртига қабул қилинган. Етуқлик гувоҳномаси ҳамда паспортига асосан ётоқхонага прописка қилинган ва жой берилган.

Бироқ 2 ҳафтадан кейин онасининг касаллигини айтиб уйига кетиб қолган. Бир неча бор юборилган таклифномаларга қарамай ўқини қайтмаган.

Шунга асосан группа ишлаб чиқариш устаси Чебекина Ф. В. 13.11.88 да Тангриеванинг барча ҳужжатларини олиб рўйхатдан ўчириш учун паспорт столига борган. Паспорти қолдириб, қолган ҳужжатлар билан қайтаётганда ўзининг шахсий буюмлари билан бирга ўғирлатиб қўйган. Хизмат бурчига совуққонлиги учун у маъмурий жазо олган.

Тангриевага топилмалар столдан бир неча бор сўралган юборилиб, билим юрти томонидан уэр сўралган.

Тангриевага етуқлик гувоҳномасининг нусхасини олиши учун ЎзССР халқ таълими нозирлиги у ўқиган мактаб директорига ёрдам беришни сўраб хат жўнатди.

ЎзССР халқ таълими нозирлигининг бош ўқув методика бошқармаси бошлиғи В. А. ШАРИПОВ

«Еш куч»га эътирозимиз бор

Биз, Тошкент Политехника институти Жиззах филиали аёллари, журналингизнинг 1989 йилги 12-сонидан босилган «Пора ва чора» мақоласида филиал аёллари пора оларкан, деган фактни ўқиб, ниҳоятда ғазабландик. Филиалда ҳаммаси бўлиб 18 аёл ўқитувчи бор. Уларнинг 2 таси коммунист, кафедраларда эса 3 аёл ишлайди.

Биз қатъиян шунини сўраймизки, нега бу мухбир филиал маъмурияти ва хотин-қизлар кенгашини хабардор этмай бундай маълумотларни ёзишга ҳадди сизди? Биз эҳдик билан унга раддия билдиришни ёхуд мақолада тилга олинган фактлар исботлаб берилишини талаб қиламиз.

ЙўЛЛАЙДИЛАР

Агар талабимиз бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон КП МКга ва керакли ҳуқуқий органларга мурожаат этишга мажбурмиз.

Бу — хотин-қизларнинг ва онаизорларнинг шафтини ҳақорат қилишдир.

Мазкур хат очиқ партия мажлисида муҳокама қилинди ва унга ТошПИ Жиззах филиали хотин-қизлар коллективи (жаъми 18 нафар) имзо чекди.

Хотин-қизлар кенгашининг раиси — Эм М. В. Котибаси — ИБРАГИМОВА М. В.

РЕДАКЦИЯДАН: Рус тилида ёзиб жўнатилган мазкур хатни биз ўзбекчага таржима қилиб, у билан мақола муаллифини — республика матбуотида жанговар руҳдаги мақолалари билан фаол қатнашиб турадиган публицист, халқ депутати Умаркул Эгамовни таништирдик. Умаркул ака бажонидил бу ишга рози бўлдилар. Қўйида биз ана шу жавоб хатини эълон қилмоқдамиз.

Порага чора шуми?..

...Хатнинг мазмуни билан мени телефонда таништиришди. Агар тўғри тушунган бўлсам, Тошкент Политехника институтининг Жиззах филиалида дарс берадиган 18 аёл имзо қўйиб, журналнинг 1989 йил 12-сонига босилган «Пора ва чора» сарлавхали мақоладан норози бўлиб хат йўллашган. Автор ёзганларини исботлаб бермаса унда раддия берсин, бўлмаса биз юқори мутасадди органларга — то Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасигага чиқамиз, дейишган.

Биринчидан, ҳурматли ўқитувчилар ҳуқуқларини ҳеч ким чегаралай олмайди. Қаерга мурожаат қилиш, қандай мурожаат қилиш уларнинг конституцион ҳуқуқларидир! Иккинчидан, мен бу мақоладан бунақанги «реакция» кутмаган эдим! Сабаби, бу пўписа варианти ўта эски усул бўлиб, тафаккур, онг, сиёсий жараён жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги кунда у айрим кишилар ёки коллективларнинг қандай савияда эканлигини билдирса, яна бир томони бундай хат уюштиришлар билан кундан кунга ранг-баранг усуллар билан болалар бораётган порахўрликнинг пайини қирқиб ўрнига бу нопоклик билан келиша олмай ўз муносабатларини билдирганларнинг «жонини ҳалқумига келтириб» иккинчи мартаба овозини чиқармай қўйиб, бундай шўринг кургур «ватанпарварларни» ноҳор аҳволга келтириб, булар ўрнида бошқаларни босиб қўйиш учун қилинадиган қарши ҳужумнинг бир кўринишидир.

Агарда хат фақатгина пўписадан иборат бўлмай «ўша ўзларида йўқ порахўрликнинг» олдини олиш учун қандай чоралар белгилаётганликларини, кириш имтиҳонлари, мавсумий синов, имтиҳонлар қабул қилиш пайтида бундай нопокликка йўл қўймаслик учун амалга ошираётган режалари ҳақида ҳам ўз хатларида кўрсатганларида эди, мен жавобимни бундай оҳангда бошламаган бўлур эдим. Сабаби, мақоланинг охиридаги «Сўнгсўз ўрнида» ни эътибор билан ўқиган кимсага ҳамма нарсани тўғри тушуниши учун кўпам фаросат керак эмас эди. Тағин журналнинг шу сонига ҳурматли ТошДУ профессори Очил Тоғаевнинг «Эътиқодга доғ тушмасин» деган мақолаларида «ўттиз йиллик олий мактаб тажрибасига эга бўлганим учун бу соҳани бирмунча дуруст билан, деб ўйлайман, олий ўқув даргоҳларидаги порахўрликнинг бозори ҳар йили халқ сайилидай қийиди» деб ёзганларининг ўзиёқ баъзиларга ҳасса бўлгуси эди!

Мен журналга мақоламни 1989 йилнинг бошларида жўнатган эдим. «У аёл» ҳақида эса ундан ҳам илгари, биргина эмас бир қанча талабалардан эшитгандим. Келиб айтишган эди. Узундан-узок суҳбатлардан сўнг, ўшанда ҳам бу пора деган жиноятни исбот қилиш жуда қийин бўлганлиги учун ҳам, бу «бер-бер»ларда фақат «оладиган» ўқитувчиларгина эмас, дарсларга қатнашмай юриб ёки «тирговуч» билан юрган, ғурури йўқ, ўз келажагига бефарқ, азиз умр дақиқаларини беҳудага сугуриб юрган латтачайнар, безбет, елкасининг устида юмалоқ алламбалони кўтариб

юрган талаба номли инсон келбатчаларнинг ҳам, шу пайтгача муаммолари юзаки ўрганиб келинган сиёсий муҳитнинг ҳам айби бор эканлигини ўйлаб, шу қўйга тушган инсоннинг ҳам келажаги, қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, маҳалласи, қолаверса ўша одамда ҳам қалб, виждон, орномус борлигини ҳисобга олиб мақоламда бу даргоҳнинг фақат номигагина урғу берган эдим, холос.

Мақола босилганидан кейин кўшгина талабалар келиб менга раҳмат айтиб кетишди. Чунки ўша пайт имтиҳонлар даври эди. Мақола талабалар ва домлалар муносабатларида, имтиҳон қабул қилинишида ижобий томонга ўзгариш ясашда яхши туртки бўлганлигини айтиб беришганди.

— У аёлчи? — сўрадим улардан.

— Бошқа ёққа ишга ўтиб кетган...

Мен бу билан жавобимга осонгина хотима ясамоқчи эмасман. Порахўрликка бўлган нафратини яширмайман, унга қарши курашавераман. Бундан кейин шу ўқув даргоҳларидан бирор маълумот келса ҳар қандай андишани йиғиштириб қўйиб ўзининг, отасининг исмини, келиб чиқиши ва қаерда истиқомат қилишгача тўлиқ бериб бораман, деб ваъда бераман!

Лекин «Еш куч» журнали редакциясидан сал хафаман. Сабаби, мақолаи сал эртароқ босилганида Жиззахдаги иккинчи бир «олий ўқув даргоҳи» деб юритиладиган, келажагимиз бўлмиш ёш авлоди ўқитиш ва тарбиялаш учун болаларимиз тақдирларини ишониб топширадиган ўқитувчилар тайёрлайдиган педагогика институтидан икки ўқитувчи мақолани ўқиб сал хушёрроқ тортишганида, балким ўша байталмонқоғур, ақлни олгучи оҳанграбо магнит-порадан нарироққа қочган бўлармидилар. 1989 йилнинг март ва октябрь ойлари бу дорилмуаллимин тарихида қора ҳарфлар билан ёзилган из қолдирди. Виллот суди атрофида югуриб юрган «ўқитувчи»нинг дўстлари, хотин, бола-чақаларини қўриб юрагим бир эзилган бўлса, ҳамма ёғи темир, эшигининг ичида ҳам темир панжараси бор, ранги хунук машинада эшигини қия қилиб турган сержант елкалари ортидан хижолатдан, уятдан, ор-номусдан ноқул йи қолга тушиб, маънос турган собиқ тарбиячилар тарбиячисига қараб чувиллашиб интилаётган, «чиқинглар, чиқинглар! Нарироққа туринглар!!» деб ёш-ёш милиционерлар панжара тўсиқлари, темир дарвозасидан нарига итараётганларига ҳам қарамай, юлқиниб, шу пайтгача уларни инсофга қақира олмаган, бу йўлнинг охири войлигини тушутирмаган, энди эса ўз содиқликларини милиционерларга дўқлаб, ялиниб, дўст эканликларини «ҳайит ўтганидан кейин» кўрсатиб қўйишмоқчи бўлаётган бу бир уюм кадрдонларга қараб, одамлардаги бу психологияни кўриб қалбан қийналдим!!! Уша кунлари буюм учун қасддан қотиллик қилганларнинг суд ишида қатнашаётган эдим. Қотилларга термулиб ўтириб ўйлардим, «наҳот эртага зиёлилар, ўқитувчилар ҳам шулар билан бир столда ўтириб, бир қозондан овқат ейишса! Ёнма-ён қўшни қаработларда ухласа! Биргаликда бетон қориб, гишт теришса! Бир ҳаводан нафас олиб, гурунглашишса!..»

Мактабдаги, билим даргоҳларидаги аҳволни тўғри таҳлил қилиб, тўғри хулосалаб, тўғри ташкиллаштирилмас экан, «ёза-ёза» билан ҳам, «ушла-ушла» билан ҳам ҳеч қачон ўқув юртларини тартибга келтириб бўлмайди. Ўқитувчилар, талабалар, зиёлилар, ота-оналар билан, бошқа жумҳуриятлардан келган меҳмон дўстларим билан шу мавзуда баҳслашиб амин бўлдимки, бу даргоҳларда ўзига яхши шароит яратиб олган бу нопокликнинг олдини олма бўлади. Тўғри, ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ҳали у даражада эмас, лекин бу пора олишга ҳеч қачон асос бўла олмайди. Атроф корхоналарда ишлайдиганлар ойлик маошлари ошиб бораётган бугунги кунда ўқитувчилар маошларини қайтадан кўриб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир! Баъзи ўртоқлар кириш имтиҳонларини қабул қиладиган ўқитувчиларни ҳар ёқдан келтиришни тақлиф қилмоқдалар. Менимча, бу билан ҳам порахўрликнинг олдини олиб бўлмайди. Баъзи мамлакатларда абитуриентлар умуман юқори ўқув даргоҳларига имтиҳон топширишмайди. Ёшлар мактаб давриданок қизиқиш доиралари, фикр йўналишлари,

қобилиятларига қараб ўқитиб, тайёрланиб, маълум бир касб берадиган ўқув даргоҳларига мактабда имтиҳонлар олиниб, берилган йўлланманинг ўзиёқ етарлидир. Бу пухта мутахассисликнинг гаровидир! Агар бизда ҳали бу нарсага эрта бўлса, ҳали маълум бир тайёрларлик жараёни зарур бўлса, унда бугунги кунда нима қилиш керак?! ОШКОРАЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ФАҚАТ ОШКОРАЛИКгина ҳамма нопокликларни сиқиб чиқара оладиган, бугуннинг ва келажакнинг мевасидир!!!

Имтиҳон олишларнинг ОШКОРА усулларини қидирмоқлик ва топмоқлик зарурдир! Бу усуллар мукаммаллаштирилиб, тўғри ташкил қилинсагина муваффақият қозонилишига эришилади! Энг аввало ҳамма ишларни қабул имтиҳонларидан бошламоқ керак. Оғзаки имтиҳон топширишни жуда ошқора ташкиллаштириш учналик қийин эмас. Фақат қунт керак! Бунинг учун катта зал тайёрланиб, унга микрофон ўрнатилди. Имтиҳон қабул қиладиган ўқитувчилар, ўқувчилар, қурилмалар саҳнада бўлиб, имтиҳон қабул қилинадиган залга хоҳлаган одамлар — абитуриентларнинг ота-оналари, дўстлари ҳам кириб ўтиришларига рухсат берилади. Абитуриентнинг имтиҳон варақаси олиб қолиниб, исми — отасининг исми кўрсатилмаган, фақат рақам билан рўйхатланган карточка юзлаб карточкаларни аралаштириб орасидан сугуриб берилгач, кейин ўша карточка билан имтиҳон топширадиган залга кириб боради. Савол-жавобни бутун зал кузатади, гувоҳи бўлади. Абитуриентнинг жавоби изохланиб, микрофонда баҳоси эълон қилинган, рақамли карточкасига баҳо қўйилади ва биринчи кирган хонасида баҳо имтиҳон баҳолари ёзиладиган вараққа кўчирилиб, «дело»га карточкаси ҳам тикиб қўйилади.

Бу усул билан оғзаки имтиҳон топширилганида имтиҳонни Қўзвийонинг боласи топширадими ёки Бўривийоникими, имтиҳон олаётган ўқитувчиларга номаълумлигича қолаверади. Таниш-билишликнинг пайи қирқилиб, нопокликнинг олди олинади. Ҳар саволнинг жавоби изохланиб учун ҳам имтиҳон натижасига эътироз қолмайдиган ортиқча югур-югур, ҳар хил идораларга шикоятларнинг, ҳар хил «миш-миш»ларнинг олди олинади. Бутун залдагилар гувоҳлигида ўтган бундай ошқора жараённинг тарбиявий аҳамияти ҳам жуда беқиёсдир! Ҳеч қандай имо-ишора, қош қоқишу кўз қисиллар билан бундай имтиҳон жараёнига бирор таъсир ўтказиб бўлмайди. Лекин имтиҳон олинадиган залда шовқин, бетартибликлар бўлмаслиги учун бундай усулнинг қўлланмаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланиб, унда иштирок этишни истовчиларга таништирилиб, имзоланган, тартибни бузганлар залдан чиқариб юборилади (милиция ёрдамида).

Магнитофон лентасига ёзиб олиш, видеокамера қўллаш билан ҳам айрим имтиҳон олиш усулларини ўйлаб кўрс бўлади.

Ёзмадан имтиҳон қабул қилиш усулларини таҳлил қилиб, мутахассис ўртоқлар ўз тақлифлари билан бу баҳсда қатнашадилар, деган умиддаман.

Шуниси ҳам борки, юқоридаги ошқора имтиҳон олиш усуллари аллақачон марказий шаҳардаги баъзи олий ўқув юртларида қўлланмоқда!!! «Нега бизнинг жумҳуриятимизда, шаҳарларимизда бу нарсани ташкил қилишмаяпти?» деб сўрадим бир мутахассисдан. «Э, содда эканиси, унда министрликлардаги, обкомлардаги, облизроқўмлардаги, КГБ-ю, милициядаги айрим кимсаларнинг эркатойлари олий даргоҳларга кирмай қолади-да», деб жавоб берди у. Илгари тўғри телефонда айтишарди ёки «записка» бериб юборишарди. Қайта қуриш даврига келиб энди эҳтиёткорроқ бўлиб қолишган, одам юбориб гувоҳсиз гаплашиб қўя қолишади...

Демак, олий ва олий бўлмаган даргоҳларда ўзгариш қилиш учун ташаббусни министрликлар, партия, совет органлари ўз қўлларига олмасалар, туртки бермасалар, бизда бу соҳада ҳали-бери ўзгариш бўлиши амри маҳол!!!

Мени бир нарса қийнайди, у ҳам бўлса келажагимиз! Келажагимиз ваф остида!!! Биз порахўрлик, лаганбардорлик, айёрлик, тамагирлик, жиноятчилик, беҳаёлик, беандишалик, бефарқлик, беномуслик, лоқайдлик, эътиқодсизлик ботқоқларидан болаларимизни ҳайдаб олиб ўтмоқдамиз!!! Бу ботқоқлар ҳиди ҳали кўп йиллар уларнинг баданларидан келиб туради!!! Порахўрнинг миллати бўлмайди. Вир вақтлар Шарқда МАШЪАЛ бўлган, МАЪРИФАТ ўчоғи бўлган ЎЗБЕКИСТОНИМДА миллатидан қатъий назар: у ўрисми, ўзбекми, корейсми ёки армансми, озарбайжонсми, яхудийсми, фақат қорин тўқлаб, ялтироқ қийиниб, кун ўтказмоқчи бўлган кимсалар ўз дунёқарашларини ўзгартирма эканлар, жамиятни ҳалоллашда, покизалашда иштирок этмай, тескарасини қилиб унга халақит қилишар экан, бундан кейин халқим, ўз ЭРКИНИ таниб бораётган ДЕҲҚОН-ЎЗБЕКИСТОНИМНИНГ нони улар учун заҳар бўлгусидир!!!



Онамга тасалли

Ҳамма мандан миннатдор,
Ҳамма очади қучоқ.
Аммо қайдан қадалган
Елкамга бунча пичоқ?

Пичоқ камайса бўлди —
Қайтариб бермайман мен...
Она, хавотир олманг —
Елкам — осмон каби кенг.

* * *

Тўйганмидим шодликни ичиб,
Келганмиди ҳатто бахт малол.
Айтолмадим: азизим, кечир...
Қичқирмадим: — Кетмасанг-чи, қол!

Елғизликнинг улкан залвари
Босар — қалбим торгади майда.
Энди қаро тунга ёлбориб,
Шивирлайман: — Қайдасан, қайда?..

Энди бешиқ бегоналарга
Оёқости бўларкан жоним,
Мен хушомад қилиб уларга
Жовдирайман: — Илтимос, қолинг...

* * *

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — дарахтлари гуллар телбаҳол,
Гўё сени менинг баҳорим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — сим-сим ёғар майин ёмғирлар,
Кўнгилчан ёмғирлар жим-жим ёғади —
Гўё сени менинг ёмғирим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — фалагида қолмас ҳаловат —
Турналар аламли қичқириқларда
Тушнуксиз дардларни айтиб йиғлашар,
Гўё сени менинг қушларим каби.

Энди у кўчага сира бормайман.

Борсам — ғуссали бир деразасида
Кўчага термулиб, ҳолсиз турасан —
Дунёнинг энг ғамгин дарпардасидай.

Энди у кўчага сира бормайман.

Унда не қиламан шамол бўлмасам —
Парда этагига шамол юзимни
Босиб йиғлолмасам — нима қиламан?

* * *

Сокин сеҳр Анҳор бўйида,
Ҳорғин Лайли — куз кезар беҳуш.
Мен хазонни қувдим ўйимдан,
Бахт ҳақида кўрдим яшил туш.

Ҳа, саробга ўзни топишдим,
Сездим қисмат ёвуқлигини.
Ва кафтимда ҳис қилиб турдим
Қўлларингнинг совуқлигини.

Тасаллилар сўйладинг карахт,
Майин кулиб кўрғаздинг карам:
— Тушингга ҳам қайтиб кирмас бахт,
Уйғонмагин, менинг бечорам...

* * *

Йиқилдингми?.. Кўзларингда

Бунча алам,
Бунча алам!
Усту боши чанг кўрмаган,
Дард кўрмаган
Эрка болам!
Шиддатингнинг шамолига
Хушинг бир зум
Шайдо бўлди...

Сенинг равон йўлларингда
Бу тош қайдан
Пайдо бўлди?

Эки ақлинг кетганмиди,
Энди тошлар
Қолмаган деб,
Лағнатладинг, болам мени
Йўлдан тошни
Олмаган деб...

Эрка болам, кечир мени,
Оқсуягим,
Мурувват қил!
Тошли-тошли бу дунёда
Майсадай хор
Яшадим бил!
Тошлар билан кураш тушдим —
Кураш бекор
Кетмагандир,
Қолган бўлса бирор зил тош,
Болам, кучим
Етмагандир...

Унинчи баллада

Сен

— Сен кетасан — йўлинг хатарли,
Сен кетасан — манзилинг йироқ.
Йўллар ютса хату хабарни,
Жонгинамни ўртаса фироқ,
Юрагим ҳам сезмаса ҳатто
Ўз умрингга султонлигингни.
Елғиз қолган мен — бахтиқаро —
Қандай билай омонлигингни?

Мен

— Мен кетаман, йўлларим туман
Мен кетаман, саратоним қиш.
Бор-йўгимни сўра дарёдан
Юрагинга тушса гар ташвиш.
Тиниқ-тиниқ тўлқинлар оқса,
Ташвишингнинг хатолиги шу.
Тўлқинларни қизил қон ёқса,
Менинг умрим адолиги шу.

Сен

— Менинг куним ўтди қирғоқда,
Йилим ўтди дарёга боқиб.
Жоним, умрим ўтди фироқда,
Умрим кетди дарёга оқиб.
Хотирангни жонга ўрайман,
Кўзларимда ёш тизим-тизим.
Бор-йўгингни ахир билмайман,
Дарё қуриб қолди, азизим.

Мен

— Сенсиз кетдим — топмадим мурод.
Сенсиз кетдим — чалкашди йўлим,
Сенсиз кетдим — тугади ҳаёт,
Сенсиз кирди руҳимга ўлим.
Менга кўмак беролмас ҳеч ким,
Сенсиз қолган жонимда алам.
Қандай хабар берай, азизим,
Бор-йўгимни ўзим билмайман.

Ун биринчи баллада

Кенжа ботир

«Борса келар» — бойлик йўлидир,
«Борса келар» — ҳавойи шавкат.
Катта акам шу йўлдан кетди —
Қийналса ҳам, тортса ҳам заҳмат.
Зарларини сочиб ҳавога,
Ўз умридан ўзи дарс олиб,
Лағнат айтиб ёлғон дунёга,
Она, бир кун келади ҳориб...
«Борса келар, ё келмас» — хатар,
Мансаб йўли, тож-тахт йўлидир.
Эртақ қадар, ё сароб қадар,
Алдамчи йўл — бебахт йўлидир.
Мард йигитдир ўрганча акам,
Тахтни қалбга кўрмас муносиб.
Қайтиб келар совуқ дунёдан,
Шон-шавкатни хас каби босиб.
Уч ботирни тўққан, паноҳим,
Қиблагоҳим йиғламоқ нечун?
Ҳар ким ўзи танлайди роҳин,
Умр олар ҳар кимдан ўчин...

Она

Сенинг учун йиғлайман болам,
Сенинг учун кенжа ботирим.
Сенсан — менинг кўнглимдан кўчган
Эзгу тушларимнинг хотири.
Келгин болам, сўнг бор қучоқлай,
Яна сени кўрмоғим душвор.
Қўрқмай бўғзидаги пичоқдан
Сайраётган қуш руҳингга ёр.
Бошларингда дорлар чайқалар,
Кўксинг — милтиқларнинг мўлжали.
«Борса келмас» йўли бу — қадар,
Уқубатинг олдинда ҳали.
Сен пайғамбар топдинг хатодан,
Азоб тортмоқ — қалбинг учун иш.
Ва англадинг: руҳ бу — худодан,
Вужудни-чи? — шайтон яратмиш...
Энди мангу алвидо, болам! —
«Борса келмас» сенга муқаддас.
Ўзлигингни топарсан йўлдан,
Ўзлигини топганлар қайтмас...

Саратонда гуллар ўлади,
Саргайди эгасиз тузлар.
Ҳали қайғурмасанг бўлади —
Ҳали кузлар келади, кузлар.

Англамаган дардлардай тўзиб,
Кунлар аста қилади парвоз.
Хотирандан чиқару сузиб,
Қайтмас бўлиб кетар бизнинг ёз.

Дарахтларда жунун сўнади,
Бошланади қовжираш, ёниш...
Ҳали йиғламасанг бўлади —
Бу — куз. Ҳали қиш келади, қиш.

Ҳали қорлар ўпар лабингни,
Изгиринлар белингда қучар.
Музлатади аёз танингни —
Хотирандан кузак ҳам ўчар.

Шунда бир барг қилади исён,
Боққа қайтар унут бўлган бурч.
Биз баҳорга чиққани пешвоз,
Тополмаймиз ўзимизда куч.

Сен йиғлайсан. Нолангдан чўчиб,
Учай деру қўзғололмас Вақт.
... Олисларда боради кўчиб,
Ез, куз, қишдан иборат бир бахт.

Эркин ДУСТМАТОВ

Шоирнинг онасига мактуб

Қуёш жилмайишин кутган онажон
Неча аламларни ютган онажон.
Йўлига кўз тикиб юрган онажон,
Усмон ўлган эмас, Усмоннинг тирик.

Жаранглаган бу унинг янгроқ сози,
Келаятган бу Усмоннинг овози.
Шеъриятнинг ҳам баҳори, ҳам ёзи,
Қуёш порлаяпти, Усмоннинг тирик.

Ойдин тунда чарақлаган юлдузлар
Қайта қуриш шарофати — кундузлар,
Шеърият уфқида тикилган кўзлар,
Бу сенинг Усмоннинг — ҳамшиша тирик.

Бола

Бурро тили шириндан-ширин,
Кулгулари дилимга таскин.
Гоҳ йиқилиб, гоҳ югуриб,
Улғайиб боради йил сайин.

Тоғ бўлса гиёҳсиз гуноҳи недир?
Инсон гар фарзандсиз қувончи недир?
Ҳар кимнинг қилмиши ўзига аён,
Покман деб даъволар қилмоғи недир?

Ғулом МИРЗО

Исёнлар етилар ичимда,
Тугёнлар кутилар ичимда,
Достонлар битилар ичимда,
Ташқарида ҳеч бир нарса йўқ.
Ичда қалб кабоба айланар,
Қон эса шаробга айланар,
Жон сўнгсиз азобга айланар,
Ташқарида ҳеч бир нарса йўқ.
Хисларни лимудай узмасам,
Сўзларни инжудай тизмасам,
Юракнинг деворин бузмасам, —
Ташқарида ҳеч бир нарса йўқ.

Еч кўнглингнинг ангишвонасин,
Рухингдаги зирҳларни синдир.
Қисматингдан дилинг қонасин,
Истагингни жонингга сингдир.
Қушқўнмасни юзларингга бос.
Янтоқларнинг ширасин яла.
Ахир, сенга отангдан мерос
Шу беминнат бийдайн дала.
Эчкэмари сигирдек сила,
Оёғин ўп қорақуртларнинг.
Хануз асраб келмоқда улар
Вобонг яшаб ўтган юртларни.
Бир парча ер пахтадан озод,
Оғуларсиз бўйрадек замин. —
Демак ҳали олдинда ҳаёт,
Келажакнинг этилган таъмин!..
Ўзбекона тўй бер элингга,
Азаларда ўзбекча куйгин.
Гапирмаса сенинг тилинда
Дилбузарни ўчириб қўйгин.
Хаётингда яна панд бермай
Удумларни ўзгартгин бироз.
Уй тўрини бўшатаверма,
Келувчилар меҳмондир, холос.
Кетаркансан кўнглинг бўлар тўқ,
Насл қолдир ота маконда.
Дунё билсин Пахта эмас, йўқ,
Ўзбек яшар Ўзбекистонда.

Қашқадарё вилояти

* * *

Еришмасдан уфқ — кунчиқар маъво
Эзгу нур таширфин кутаркан маҳтал,
Қичқириб юборди қўноқда хўроз:
— Дийдор уйқудан афзал!

Митти қушчаларнинг инларига ҳам
Нигоҳ ташлар экан меҳрибон саҳар,
Самовий бир оғриқ талвасасида
Титрар ғафлат чулғаган шаҳар.

Куз

Булултар кўчманчи ғубормас,
Осондир офтобнинг оғиши.
Япроқни яшнатиб юбормас
Емғирнинг ёқимли ёғиши.

Ҳаммага ҳорғинлик суҳбатдош.
Фақат ел эсади толиқмай.
Дарёнинг тубида қайроқтош
Ялтираб кўринар балиқдай.

Қарғалар қошида

Оқ қарғалар, қора қарғалар,
Қай сўлим чорбоққа кўнасиз?
Нима билан сийласам агар
Қувонасиз — дўстга дўнасиз?

Дон тутайми, гулми, нонушоқ,
Еки қон ичасиз бир ҳовуч?
Сизми ё илонлар ширинтил кўпроқ,
Хўкизми ёки сиз кўпроқ ҳурковуч?

Истанг, симёғочдан ясанг тахт,
Истанг, мажлис қуринг ўнгирда.
Анқонинг уруғи эмас бунда бахт —
Сизникидир ҳар тирик мурда...

* * *

Мен — чирмовуқ ўсган тошдевор,
Кўп бўғилиб оламан нафас.
Бунчалар тез ўсар — зўраяр
Гуллаб, япроқ ёзган бу қафас...

Аҳволимга ачиниб ҳатто
Қушлар қўнолмайди кифтимга.
Бундай мустарликни, озорни.
Худо кўрсатмасин ҳеч кимга.

Юрагим на юлдузлар сеҳри,
На офтобнинг эмар меҳрини.
Бўғма илон — чирмовуқ бўлса
«Ватаним» деб аврайди мени...

* * *

Кўзларимда қалқади ёшим,
Хаёлимда ваҳима, кўлка.
Юрак бўзлар, судрайман лошим —
Чиқаман энг хатарли йўлга.

Қайда ўша сеҳрли соҳил,
Қайда ўша қайғу маскани?
Мен — гуноҳкор, бораман жоҳил
Ўйларимни дорга осгани.

* * *

Атиргул туш кўради:
мени беҳуш кўради.

Мунгли маъюс ва малул
Йиғлаб ўлтиради ул.

Атиргул туш кўради:
Ўзин бир қуш кўради.

Учар, қайга — билмайди,
Бир томчи сув излайди.



Учликлар

* * *

Ҳовуз бўйидаги гулсафсар
Тенгсиз бир тилсимот кўради доим
Ниначининг ҳарир қанотларида.

* * *

Тун бўйи сирлашар дарахт ва шамол.
Сабо тугатмаган эртакка эваз
Энг сўнгги япроқни ўпиб узар тонг.

* * *

Мажлис қурганидай гуруҳбоз тўда
Тарвуз пўчоғида зиёфат ясаб
Ғужгон ўйнаётган пашшалар.

* * *

Бизларга йўл бўлсин, юксак-юксакда
Учган қушларга ҳам насиб этмайди
Машраб каби баланд дорга осилмоқ.

* * *

Супада ўрмалаб юрган нима у,
Чумчуқми, сичқонми — қандай фарқи бор
Томдан мўралаган мушукваччага...

* * *

Сенинг йўлларингга қилмайман ҳавас,
Орзуларинг кўпдир унда ушалган.
Менинг йўлларимга орзулар эмас,
Армон майсалари тўшалган.

Дарёлар гирдобни ютдилар мени,
Саҳролар сароби сеҳрига торғди.
Осмон ҳаёлимнинг учқур отига
Қалдириқлар юқини орғди.

Бир ойдин саҳарнинг йўлида қурбон
Ҳасрат-ҳаяжонга тўла тунларим.
Умрим дарахтидан тўкилар гирён
Ҳазонлардай ҳазин кунларим...

* * *

Дўстим Қувондиққа

Билмайсан умрингнинг кўркига чирой
Қайси бир юракда, қайси манбада,
Ҳаёт кечирасан ҳар йили бир ой
Оқолтин райони, 10-«А»да.

Шўр босган тупроқда авайлаб қадам
Ташлайсан, оғзингда шўр сувнинг таъми.
Рухинг юлдузларда учиб юрса ҳам
Кўзларингга чўқар пахтаининг ғами.

Узоқ тикиласан тубсиз осмонга,
Қайга олиб кетар сени ҳаёллар?
Зовурни ёқалаб келар хирмонга
Пахта орқалаган теримчи чоллар...

Сирдарё вилоятидаги Ворошилов номли совхоз.

Доно халқимизнинг ҳаёт кўзгуси — педагогикаси донишмандлигининг ифодаси — оғзаки ижодидаги бебаҳо саҳифалар дебочасини ота-онага бўлган ҳурмат, садоқат ва эътиқод ташкил этади. Бунинг учун халқимизнинг оила, фарзанд, ота-она ва бола муносабатларига доир оилавий педагогикасидаги нодир фазилатларни кўздан кечириш, қаҳрамонлик, ишқий-романтик дostonлари, эртақлари, мақолалари, афсоналари, нақлу ривоятлари билан танишишнинг ўзи кифой. Халқ педагогикаси ва фольклоридagi ота-она ва фарзанд муносабатлари, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари, садоқатлари, эътиқодлари, кадр-қимматлари акс этган фольклор намуналари ва ҳаётий фактлардан келиб чиқиб, ўзбек халқининг миллий ўзига хослиги, этник қиёфаси, характери, қадриятларининг нақадар ҳаётий ва сермаъно эканлигини англаш қийин эмас. Айни чоқда, бу муносабатларда педагогик фалсафий-эстетик қарашларидан ўзга миллат кишилари ҳам ибрат олса, эътиқод кўйса, ўрганса арзигулик умумбашарий фазилатлар ифодаланган. Бу фазилатларнинг асрлар оша яшаб келиши боиси уларнинг ҳаётийлиги, пурхикматлиги ва фалсафий, ахлоқий маънодорлигидир.

Халқимиз одобномасига кўра, фарзанд учун ота — куёш, она — ой, ота — ақл, она — идрок. Ахир, отангни куёш билсанг, онагни ой бил, — дейди халқимиз.

Халқ наздида фарзанд учун ота-она бахт, шодлик, қувонч, ҳаёт кўрки, давлат, омад, умид, ишонч, айни чоқда, бола ота-она учун оила таянчи, суянчиги, зурриёд, сулола давомчиси, обрўси. Ота-онанинг фарзандга муносабатида уларнинг маданияти, одоби, ахлоқи, имони намоеён бўлса, боланинг ота-онага муносабатида унинг хулқ-атвори, одамийлиги, фарзандлик бурчи, эътиқоди акс этади. Ота-она фарзанд олдидаги бурчини нафақат ўз оиласи нуктаи назаридан, балки кўни-кўшни, маҳалла-кўй, қишлоқ-овул, эл-юрт олдидаги масъулиятдан келиб чиқиб бажармоғи лозим. Фарзанднинг ота-она олдидаги фарзандлик қарзи, фарзандлик бурчи ундан ҳам масъулиятлироқдир. Чунки, «Ота рози — худо рози». Ота-она олқишидан кўра мўътабарроқ, табаррукроқ, таъсирлироқ нарса йўқ. Зеро, ота-она олқиши униб-ўсиш, ҳаётда ўрнини топиш, мақсадга эришиш, ниятга етишиш калити. Халқ фалсафасига кўра, ота-онасидан олқиш олган фарзанд униб ўсади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Дарҳақиқат, ота-онанинг дуоси фарзандни ўтга, сувга олдирмас. Аксинча, ота-она дилини оғритиб, назаридан қолган, қарғишига учраган фарзанднинг униб-ўсиши амри маҳол. Қарғишларнинг энг даҳшатлиси ҳам ота-онанинг нобоп фарзандга қарата айтган қарғишларидир. Ахир:

Ота қарғиши — ўқ!

Ота сўзи — пичоқ, дейди халқ.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари акс этган халқ одобномасидаги нозик жиҳатлардан бири — ота-она учун фарзанд одобидир. Халқимиз: «Бола — азиз, одоби ундан азиз», деб бежиз айтмаган. Ота-она учун ҳар қандай фарзанд эмас, балки одобли, ички-ташқи маданияти чиройли, тўғри, ҳалол, ширин сўз, меҳнатсевар, доно, мард, эл-юрт қадрига етувчи, ота-она ҳурматини жойига қўювчи, улар номини улугловчи фарзанд керак.

Ҳар бир ўғил-қиз доно халқимизнинг қуйида келтирилган донишмандномасидаги маъноларни чуқур ўзлаштириб, унга амал қилса завол топмай улғаяди, ахлоқ-одоб бобида эл-юртга ҳам муносиб фарзанд бўлади.

Отангга яхшилиқ қилган бўлсанг,
Ўғлингдан кут.
Онангга яхшилиқ қилган бўлсанг,
Қизингдан кут.

Отасини сийламагани боласи сийламас.

Отасини оғритган эл ичида хор бўлар,
Онасини оғритган парча нонга зор бўлар.

Ота-онанг — чин дўстинг,
Ошна-оғайнинг — йўл дўстинг.

Отани аяган йўлда қолмайди,
Элини сийлаган чўлда қолмайди.

Отангни оғритсанг дилинг куяди,
Онангни оғритсанг тилинг куяди.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг ота-она ва фарзанд муносабатлари акс этган халқона педагогикаси, оғзаки ижоди намуналарининг мазмуни чуқур, маънолари кенг, таъсир кучи беқиёс. Лекин шунга ҳам афсус билан таъкидлаш керакики, шахсга сиғиниш ва қатағонлик йилларида айрим ота-оналар билан болалар ўртасидаги оқибатнинг кўтарилиб кетишига, болалар ўртасида жиноят, ўғрилик ҳамда бошқа ярамас хулқ-атворларнинг кўпайишига, шунингдек, айрим ота-оналарнинг ўз болалари олдида қадрсизланишлари, обрў-хурматларининг тушиб кетиши, умуман, ота-она ва фарзанд муносабатларининг кескинлашувига — халқ педагогикаси, анъаналари ва удумларига нописандлик билан қарашимиз, қадриятларимиз қадрини етарлича баҳолай олмаслигимиз ҳам сабаб бўлди.

Келинг, азизлар, халқ педагогикаси анъаналари ва қадриятларимиз қадрига етайлик.

Фарзанд сўзининг қадри

Кебрадийах Ҳўқандий бир анжуманда Муҳаммадjon ибн Бобожондан қуйидаги ривоятни эшитиб, уни ёзиб қолдурган экан.

Қадим замонларда Ҳўқанд шаҳрида бир киши кўп йиллар давомида фарзанд кўрмабди. У ҳар куни Оллоҳдан бир фарзанд ато этишини сўраркан. Унинг ёши ҳам анчага бориб қолибди. Фарзанд кўриб, «ота» деган сўзини эшитиб оламдин ўтсам ҳам рози эдим, деб ўйлайвериб сочларига оқ оралабди.

Бир куни оғир меҳнатдан сўнг чарчаб кулбасига келса, хотини унга: «Отаси, суюнчи беринг, кўпайишадиганга ўхшаймиз» деб қарши олибди. У хурсандчиликдан хотинини Марғилоннинг аноридек икки юзидин ўпиб, бағрига босибди ва кўзларидан беихтиёр севинч ёшлари маржондек тўкилибди.

Вақти-соати етиб хотини ўғил туғибди. Яхши ният билан боқиб юрган ёлғиз кўчқорни қурбонлик қилишибди. Гўдакнинг йиғиси унга ашуладек туюларкан. Орзу қилинган кун ҳам етиб келибди. Ўғли «ота» деганда шодлиги бағрига сигмай, баланд овоз билан «Э-ҳе-ҳей! Вотиржоним мени «ота» деди!» — деб қичқирибди. Кечкурун ёру дўстларини чаққириб, зиёфат берибди. Ҳамма дўстлари Вотиржонга бахт-саодат, сихат-саломатлик тилашибди. Ота-онасига офаринлар айтишибди. Шунда ота қувонганидан «Вотиржонимнинг айтган биргина ширин сўзини шоҳ тахтига ҳам алмашмайман», — дебди. Бу сўз қулоқма-қулоқ шоҳга етиб борибди. Шоҳ: «Қандайдир гадоёвачча менинг шоҳлик тахтимни бир газандачанинг сўзига алмаштирмас эмиш!», — деб ғазабланиб, ясовулга: «Уни олиб кел!» деб, буюрибди. Отани судраб келишиб, шоҳнинг оёғи олдида ташлашибди.

Шоҳ унга қараб: «Эй, итвачча, тахтимнинг нархини бир сўздан ҳам паст қўйишга қандай қилиб тилинг борди?» — деб сўрабди.

Вечора ота: «Шоҳим! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Хурсандлигимдан билмай айтиб қўйибман...» деб сўз бошлаган эди, лекин шоҳ унинг гапига қулоқ солмай уни бир йилга зиндонга ташлашга амир қилибди. Вечора ота шоҳга қараб: «Шоҳим, ўтиниб сўрайман, менга ҳозир бир йил, ҳеч бўлмаса олти ой озодлик беринг, эвазига хоҳласангиз беш ёки ўн йил зиндонда ётай!» дебди. Шоҳ эса ўз сўзидан қайтмабди.

Кун ўтибди, ой ўтибди, йил ҳам ўтибди. Вечора отани зиндондан бўшатмоқчи бўлишибди. Аммо энди у бунга кўнмабди. Бу ҳақда зудлик билан шоҳга етказишибди. Шоҳ ҳайрон бўлиб, сабабини сўрабди. Ҳеч ким жавоб бера олмабди. «Уни олиб келинглр», — дебди шоҳ. Вечорани шоҳ хузурига олиб келишибди. Унинг соҳида бирорта ҳам қора тола қолмаган, ҳатто қош ва кинриқларига оқариб кетган экан. Шоҳ унга: «Нега зиндонда қолмоқчисан? Ақлдан оздингми? Олдин бир йил, ҳеч бўлмаса олти ой озодлик сўраган эдинг, мана бутунлай озод бўлдинг, уйингга кет!», деди.

«Эй шоҳим! Энди уйимга борганимдан кўра зиндонда қолиб ўлганим яхши! Ешим анчага борди, кўп йиллар орзу қилиб, фарзандимнинг ширин сўзларини эшитишни Оллоҳдан сўрар эдим. Энди орзум ушалди, деб хурсанд бўлганимда мени зиндонга ташладингиз? Вотиржонимни илк дафъа гапиргандаги ширин сўзларини энди эшита олмайман, у гапиришни ўрганиб бўлди», — дебди у. Шоҳ тушуниб, афсуслар айтибди, сўнг чакимчини чақиртириб, калласини танасидан жудо этибди.

Х. БОБОВЕКОВ.

«ТАРБИЯ СОАТИ» ГА МАКТУБЛАР

Мени ўйлантирган муаммо

Илгари одамлар ўртасида бир-бирга бўлган ҳурмат, меҳр-оқибат кучли эди. Ҳозир негадир бунинг акси. Фарзанд — отага, ўқувчи — ўқитувчига, ука — акага кўл кўтаряпти. Ахир бу қандай бедодликки, фарзанд отага тик қараса, кўл кўтарса, ота-она билан тенг айтишса... Шу ўринда шoirнинг қуйидаги сатрларини эслайман:

Яша, ўғлон, мунг йил яша, даврок сур.
Лек ота-онанг қайғусин е, огоҳ юр.
Азар билсанг, сени дедан инсонлар,
Сени дебон ўзи қилган қурбонлар.

Ўзининг ёмон хулқ, ахлоқи билан ота-онасини, ўқитувчисини, қаби-қариндошларини бездираётган тенгдошларимиз қанча... Айримлар ўқитувчиларини ҳурмат қилиш у ёқда турсин, уларни менсимасликка, ҳақорат қилишга бориб етмоқда.

Шарк файласуфи Абулқосим Фирдавсий ундайларга қарата:

Агар ерга урса ота номини
Кем ундай фарзанддан, дема номини, —

деганида қанчалар ҳақ эди. Келажак учун болаларни ақлан ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда мактабнинг, хусусан, ўқитувчиларимизнинг ҳиссалари катта. Наҳотки, мана шу устозларимизни ҳақорат қилиш одобдан бўлса? Менимча, ота-оналаримизни ва ўқитувчиларимизни менсимаслик ҳеч қандай одоб доирасига тўғри келмайди.

Сўзини ақунлар эканман, шоир Толиб Йўлдошининг қуйидаги сатрларини келажакдаги орауим сифатида келтирмоқчиман:

Бир қатра сув бўлиб шимилсам ерга,
Мендан бирор гийҳ униб чиқса.
Ҳаётга келибман, шундай кетмасам,
Кетгумда айтулик бирор нож қолса.

Соҳиба ҚОСИМОВА,
Наманган вилояти Учкўрғон шаҳридаги
В. И. Ленин номида 3-ўрта мактабнинг
9-«А» синф ўқувчиси.



Ота васияти

Қадим замонда бир камбағал дехқон ҳовлисидаги бир туп тоқдан олган ҳосилни сотиб, қишин-ёзин тирикчилик қилар экан. Бир куни у бетоғ бўлиб қолибди. Шунда у ёлғиз ўғлини ёнига чақириб:

— Ўғлим, менинг куним битганга ўхшайди. Сенга айтадиган бир гапим бор. Шуни қулорингга исирга қилиб ол. Гапим шуки, тоқларимизнинг орасига икки хум тилла кўмилган. Шу тиллани йилда икки мартаба — баҳор ва кузда ковлаб олиб, тирикчилигингга яратгин. Зора шу билан бойиб кетсанг, — дебди.



Отаси шу гапларни айтибди-да, оламдан ўтибди. Бу пайт қиш экан, бола баҳорни орзиқиб кутибди. Баҳорда кетмонни қўлига олиб, тоқларнинг тагини белбоғ бўйи қилиб ковлаб чиқибди. Бироқ олтин топилмабди. Шу орада тоқлар шўра чиқазиб япроқ ёза бошлабди? Йигит тилла қидиришни вақтинча тўхтатиб, тоқ билан овора бўлиб қолибди. Шу йили тоқ чунонам ҳосил берибдики, йигит уни пуллаб тамом қилолмабди. Кейин тоқларнинг орасига кўмилган тиллаларни қидириб кузда ҳам ер кавлабди.

Келаси йил кўкламда ҳам олтин қидириб боғнинг тит-питини чиқариб юборибди. Яна олтин топилмабди. Бироқ бу йил тоқ ўтган йилдагидан ҳам кўп ҳосил берибди? Йигит уни пуллаб жуда бойиб кетибди. Лекин ҳамон йигитнинг хаёли отаси айтган олтинда экан. Бир куни уларникига отасининг қадрдон ошнаси келиб қолибди. Йигит унга воқеани айтган экан, чол хаҳолаб кулибди-да:

— Болам, отанг айтган олтинларни кавлаб олибсан-ку, — дебди.

— Отаҳон, баҳорда ҳам, кузда ҳам кавлаб боғдан бир мисқол ҳам олтин топганим йўқ, — дебди йигит.

— Нега ёлғон гапирасан? Бўлмаса бу бойликларни қаердан орттирдинг? — сўрабди чол.

— Меҳнат қилиб топдим.

— Сен меҳнатни ҳосил олиш учун эмас, олтинни топиш учун қилдинг. Меҳнатинг зое кетмади. Баҳор билан кузда ишлов берилган тоқлар ҳосилни аямади. Отанг раҳматли кўп ақлли одам эди. У сенга меҳнатдан унадиган олтинларни айтган, — дебди чол.

Бола отасидан миннатдор бўлиб, тоқларини ҳар йили икки мартаба парвариш қилиб, мўл ҳосил олиб тобора бойиб кетаверибди.

Зийрак товук

эртақ

Бор эканда йўқ экан, бир айёр тулки бўлган экан. Қулларнинг бирида у оч қолиб овга чиқибди. Юриб-юриб қишлоққа етганда дарахт тагида юрган товукқа кўзи тушиб қолибди? «Ох, қандай мазза, бугунги ризқим топилди», — дея шодланибди Тулки.

Товук уни кўриб бир қанот қоқибди-да,

дарахтнинг шохига чиқиб олибди. Тулки эса дарахтга яқин келиб майин овозда:

— Товукжон, товукжон, нега бунчалик кўрқиб кетдинг. Ҳайвону паррандалар ўртасида сулҳ тузилганидан хабаринг йўқми? Пастга туш, дўст бўламыз, — дебди.

— Узоқларда итларни кўраяпман, — дебди товук бўйини чўзиб, — озгина сабр қилсанг, улар келишгач дўст тутинамиз.

Бу гапни эшитган Тулки қочиб шайланиб қолибди.

Ҳикматлар

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Ж. ЛОКК.

Дунёда гўдақнинг чулдирашидан кўра тантаналироқ гимн йўқ.

В. ГЮГО.

Фарзандни беш ёшгача подшо бил, беш ёшдан ўн беш ёшгача унга хизматкорингдек қара, ўн беш ёшдан кейин эса у билан тенгдошдек муомала қил.

Ҳинд мақоли.

Ўзбошимчаликни ёнгиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ зарур.

ГЕРАКЛИД.

Фарзандингизни толесиз қилишнинг энг синалган усули қандайлигини биласизми — у нима деса, ҳаммасига хўп дейишдир.

Ж. Ж. РУССО.

Луғат дафтарингизга

- Малъун — лаънатланган, лаънати.
- Марокиба (марога) — ўйлаш, фикрлаш, мулоҳаза.
- Машоих — шайхлар, кексалар.
- Масоф — жанг майдони; жанг, уруш; аскар сафи.
- Масофат — масофа, оралиқ, узоқлик, йўл.
- Мит — ўлик, жасад.
- Мутахаййир — ҳайратда қолган, тонг қолган, ҳайрон.
- Мониъ — манъ этувчи, тўсиқ бўлувчи, тўсиқ, ров.
- Мўъжиза — диний тасавурларга кўра ғайритабиий, илоҳий ҳодиса.
- Пайғамбарларнинг каромати. Умуман ҳар қандай одатдан ташқари кишини ҳайрон қолдирувчи ҳодиса, иш ёки нарса.
- Мурид — руҳоний, устоз, эшон, пирнинг шогирди, мухлис.
- Мужтахид — бирор ишда тиришувчи, саъй-ғайрат кўрсатувчи. Диний қоидаларни ўзгартириб янги мазҳаб тузувчи.
- Нушур — диний эътиқодга кўра ўлгандан кейин тирилиш.
- Насрони — бошқа диндаги.
- Озмойиш — синаш, имтиҳон.
- Осий — гуноҳкор, гумроҳ, исёнчи.
- Олчи, олчин — ошиқнинг ўйиқ ён томони. Ошиқ ўйинида ошиқнинг шу томони юқорига қараб турган ютуқ вазияти. Ошиғи олчи — иши ўнгидан келган, юришган, омади келган.
- Пир — қари, кекса. Бирор диний-руҳоний гуруҳнинг бошлиғи; раҳбари, эшон, шайх; сўфилар бошлиғи. Бирор касбнинг асосчиси, ҳомийси деб тушуниладиган, кўпинча афсонавий ёки афсоналаштирилган шахс.

Салоҳиддиннинг қиличи қаерда болғаланган?

Шарқ афсоналарида нақл қилинишича XII асрда Миср султони ва аскарбошиси бўлган Салоҳиддин ўзининг абжирлиги ва ҳарбий санъати билан Шер Юрак лақабини олган инглиз шоҳи Ричард I билан мусобақалашган экан. Ричард қиличнинг кучли зарби билан ўз кучи — ханжарининг ўта мустаҳкамлигини намоиш қилаётган рицар найзасини тенг иккига бўлиб юборади. Унга жавобан Салоҳиддин ҳавога юпқа шоҳи рўмолчани отди ва уни ўз шамшири билан бўлақлаб ташлайди. Бу султоннинг абжирлигини ва қурулининг ўткирлигини кўрсатар эди.

Айтишларича, Шарқнинг энг яхши ханжарини Ажлунлик (Иордания шимолида) усталар тайёрлашаркан. Урта асрларда бу ерларда қурол ясаш ишлари жуда ривожланган бўлиб, бир неча асрлар мобайнида Ажлун ўзининг шамширлари, қиличлари, ханжарлари ила салб юриши қатнашчилари ва бошқа босқинчилар билан уришиб келган араб халқалиги армиясини қуроллантириб келган.

Яқинда археологлар Ажлун атрофида темирчи устахонаси қолдиқлари ҳамда кончилар ўрта асрларда темир рудаси қазиб чиқарган ташландиқ конни топиб олишди. Археологлар топилмаси ажлунлик усталар қурол ясаш ва металлургия ривожига юқори даражага эришганликларини яна бир бор тасдиқлади.

Бенгал олови сирини

Қадимги Ҳиндистонда диний расм-русмлар ижро этилаётганда ибодатхонанинг ғира-шира қоронғулигида чўқинаётганларга хурофий кўрқув солиб тўсатдан ҳар ёнга учқун сачратганча сирли бир қизил олов ловуллаб ёниб кетди. Шубҳасиз, ҳамма нарсага қодир Буддани бу чароғонликка даҳли ҳаммадан оз эди, аммо унга садоқат билан хизмат қилиб келишгаётган коҳинлар ўз васийларининг юзларига қараб хурсандчиликдан қўлларини бир-бирларига ишқалашди. Чунки бундай ғалабага эришмоқ учун коҳинлар стронций тузларини (улар алангага қизил тус беради) кўмир билан олтингургуртни бертолий тузи билан аралаштириб қўйишар ва керакли пайтда аралашмани сездирмасдан ёқиб юборишар эди.

Бу иш учун олинадиган «патент» Бенгалия коҳинларига (ҳинд вилоятларидан бири) тегишли бўлиши керак эди, шунинг учун бундай аниқ учқунловчи аланга «бенгал олови» номи билан ўз отини мустаҳкамлаб олди.

Соломон шоҳ кони

Тарихчилар шоҳ Соломон олтин кони сақланадиган афсонавий Офирни гоҳ Африкада, гоҳ Яқин Шарқда, гоҳ Ҳиндистонда деб ҳисоблаб келишади. Ривоятларга кўра Соломон ва Тир шоҳи Хиром томонидан жиҳозланган тарихий экспедиция ўзининг Офирга қилган икки ҳамласида у ердан 34 тоннага яқин олтинни олиб чиқиб кетган экан.

АҚШ ва Саудия Арабистонининг бир гуруҳ геологлари Офир жойлашган ерни аниқлашга муяссар бўлдилар. Макка ва Мадина орасидаги Меҳд-эд-Даҳаб деган жойда геологлар жуда кўп шахта қатламларини топиб олишди. Текширишларнинг кўрсатишича, қадим замонларда бу ерларда кўп миқдорда олтин қазиб чиқарилган экан. Бахтга қарши ҳеч бир текширувлар бу олтинлар ўша пайтларда кимнинг — Соломоннингми, Хиромнингми ёки қандайдир кимматбаҳо металл йиғувчи бошқа «коллекционер»нингми хазинасига тушгани тўғрисидаги саволга жавоб бера олмади. Шунга кўра геологлар таҳмини қўшимча далилларга муҳтож бўлиб қолди.

*Душ сазимора мутаваддуси
нбосрессо
Мамлик мурософ*

— Сенга нима бўлди, Тулқивой, ҳайвону паррандалар ўртасида сулҳ тузилган деб, ўзинг айтдинг-ку! — дебди товук.

— Итлар бу хабарни эшитмаган бўлсалар керак, — дея Тулки бир зумда кўздан ғойиб бўлибди.

Шундай қилиб, зийрак Товук айёр Тулкидан қутулиб қолган экан.

Тоҷикчадан О. МАХМАЮСУПОВ таржимаси.


МАЗМУНЛИ УМР

Ёшлик ўтади кетади, ҳар кимни қарликда ярлақасин, дейдилар қайвонилар. Кексаликдаги ярлақаш санъаткор умри мисолида очиқ-ойдин кўринади. Аслидаку, бегубор болалик, бебош ёшлик, умрнинг айна саратонида қилинган яхши-ёмон ишлар — кексалик хирмонининг маҳсули. Эл назаридан қолмаслик, миллионлаб китобхон-у, томошабинлар ардоғида бўлиш — санъаткор умри уфқининг гашти. Шундай мезон билан ёндошганда Саид Аҳмаддан бахтли ижодкор йўқ. Айна вақтда, Саид Аҳмад — тирик одам: «Ох, бечора жоним», — деса уни яхши билганлар хомуш тортадилар, билмаганлар ҳайрон бўладилар. Саид Аҳмадлар авлоди, донишманд Асқад Мухтор айтганидай, шомдаги бир шивир мисоли адабиётга кириб келди, кўрқув салтанати таҳликаларида ҳаёт йўриғини белгилади, ўз кўшиғини куйлай бошлади. Мудҳиш кунлар ортда қолди, аммо босиб ўтилган йўлнинг муҳри Саид Аҳмад мансуб авлоднинг ҳар бирисида ярқираб кўриниб турипти. Афсус шундаки, бадий адабиётнинг кўҳна даргоҳига шомдаги шивирдай бўлиб кирган, қатли ом-у, турғунлик паллаларида ўз тақдирини очиқ намоён этган авлод бегубор тонг нурида бирин-бирин эриб бормоқда...

Ҳар кимнинг нияти йўлдош, феъл-атвори тақдир бўлади. Танти табиат Саид Аҳмадга ҳам истеъдод, ҳам одамохунликни — меҳригиёли мунаввар қалбни ато этди. Саид Аҳмад инсон сифатида қувонч, шўху шодонлик улашиб ўтмоқда. Ижодкор Саид Аҳмаднинг асарлари китоб бўлиб, театр томошаси-ю кино, телевизор яратмаси бўлиб лак-лак мухлислар қалбига ўрнашмоқда. Ешлигиданоқ Саид Аҳмад устозлар назарига тушди: Ғафур Ғулом-у, Абдулла Қаҳҳорлар билан ҳамнафас бўлиб яшади. Тенгқурларию ёш ижодкорлар ҳам Саид Аҳмаднинг шўх-шодон суҳбатларидан сархуш бўлмоқдалар. Ёзувчи тирик одамларгагина яхшилик қилиш билан чекланмай, марҳум устозлари, кадронлари хотирасини абадийлаштиришга ҳисса қўшапти, хотира-бадиалар битмоқда. Саид Аҳмад истеъдодли ижодкор сифатида ўз замонига, тузумига ҳам ҳалол хизмат қилди. Халқда: «Қарс икки кўлдан чиқади», — деган доно нақл бор. Эзгуликка хизмат қилган ёмонлик кўрмайди, деймиз. Ениб яшаган, юрагида борини тўлалигича юзага чиқарган одам завол кўрмайди, деймиз. Афсуски, чархи кажрафторининг лол қолдирувчи ишвалари сероб: кўпинча кўза синдирган азизу, сув келтирган хор бўлади. «Эсимни танибманки, ўз ташвишимни ўзим кўтарганман. Ун икки ёшимдан меҳнат қиламан, — дейди Саид Аҳмад «Кўрқув салтанати» мавзусида Ўткир Ҳошимов билан қурган суҳбатида. — Ўйлаб қарасам, ёшим ўттизга етиб бирон одам менга на битта дўппи, на битта пайпоқ олиб берган экан.

Саидахоннинг «Сизга пижама олиб қўйдим», дегани юрак-юрагимга бориб теккан экан. Умримда биринчи марта мен тўғримда ўйлайдиган одам бор экан, дея ҳаяжонланиб кетган эканман». Саид Аҳмаддай қалби нурга, завқ-шавққа тўла кимса одамларнинг бепарволиги, тошмеҳрлигидан нолиса, биз қандай жамиятда яшадик, одамийлик ҳақидаги баландпарвоз гапларимизнинг қиммати нима бўлди? Ешларга қарата «Сиз, ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз, не учун елкамни тутиб бермайин», — дея шеър битмаганмиди Ғафур Ғулом? Утмишимизни қоп-қора зимистон дея, янги тузумни, янги инсонларни кўкларга кўтармаганмиди Абдулла Қаҳҳор? Совет адабиётидаги «Инсон номи мағрур жаранглайди», «Ҳамма нарса инсонлар учун» сингари шиорлар қуруқ гапмиди? Муштдеккина Саида Зуннунова «эрим ноҳақ қамалди, унинг заррача гуноҳи йўқ», — дея чирқираб турса-ю, қондай мустаҳкам адибу арбоблар ҳеч нарса бўлмагандай беписанд юраверсалар? Тўғри, «замоннинг ўзи шунақа эди, ҳар ким ўзидан кўрқарди», «ҳозир гар-гар гапириш осон, ўша муҳитни кўрганинда борми...» дея истеҳзо қилувчиларни сезиб турибман. Замонни ҳам, муҳитни ҳам одамларнинг ўзи яратади. Уша қатағон дамларда ҳам шижоатли, ўзгалар тақдирини учун қайишган, эл-юртни ўйлаган фидойилар бўлган.

Бўхтонлар, қамоқхона архипелаги Саид Аҳмад юрагидаги ҳароратни сўндирмади, одамларга, ҳаётга ташналигини сусайтирмади. Қозонда бори чўмичга чиққанидай, ёзувчи табиатидаги белгилар унинг асарларига, қаҳрамонларига кўчади. Эллигинчи йилларнинг охирида совет прозаси лирик услубни етакчи қилиб танлади. Саид Аҳмад жўшқин, нафосатнавис эмасми, дарҳол замон услубини ўзлаштирди. Ёзувчи асарларида суйиб, кулиб, туртиб тасвириш ёхуд лиризм, ҳазил, ҳажв етакчилик қила борди. «Меҳрибон», «Хотин», «Кўклам чечаклари» сингари ҳикояларидаги Қундузхон, Мунисхон, Меҳрихон бўлиб, ардоқ-



Севимли ёзувчимиз Саид Аҳмад 70 ёшда. Кўп сонли журналхонлар муҳтарам адибимизни қутлуғ ёшлари билан чин дилдан қутлайдилар.

ЛАВХАЛАРИ

лаб тасвирланган қахрамонлардир. Улар энг яқин кишиларини ардоқлашни, парвонадай фидо бўлишни бахт деб англайдилар. Бундай кўнгилчан қахрамонлар ҳозирги китобхонга, хусусан, дийдаси қаттиқ ёшларга ёқармайди. Саид Аҳмад лирик прозадаги интилишларини изчил давом эттиради: «Хазина», «Уйлар», «Чўлок турна» сингари ҳикоялар қалбни ларзага солувчи, эзгуликни тасдиқловчи қўшиққа ўхшайди. Бу ҳикояларда майин изчиллик, ингичка туйғуларни уйғотиш етакчидир. Бошқача айтганда, Саид Аҳмаднинг лирик ҳикояларида эзгулик, самимият, фидойилик мадҳ этилади, гимндай янграйди. Ҳозирги проза, хусусан, ёшлар адабиёти эзгуликми, қабоҳатми — инсон табиати ички курашларда, руҳий ҳаракатда: ўй, фикр, туйғуларнинг яхлит бирлигида кўрсатиб берилишини тақозо этади. Ҳозирги проза инсон туйғуларини рамазлар, бўртиб турмаган, аммо ниҳоятда зарур ишоралар воситасида очишни табиий деб англайди. Ҳозирги ёзувчилар, айниқса, ёшлар ўз қахрамонларини ижтимоий куч, мафкуралашган шахс сифатида тасвирлашдан қочадилар. Ҳозирги насрда гоёнинг бўртиб туриши оғизлик нишонасидай кўринса, асар, қахрамоннинг турли талқинларга тоб беролмаслиги жиддий қусур саналади.

Эллигинчи-олтмишинчи йилларда замондошимиз қиёфаси, унинг меҳнатсеварлиги оғлиги яққол кўриниб турган ҳикоялар танқидчиликнинг тилидан тушмас эди. Саид Аҳмад ҳам танқидчиларни сайратган «Иқбол чироқлари» сингари ҳикояларни анча-мунча ёзган.

Трилогия ҳар бир миллий адабиётнинг кўрки, ёзувчи ижодининг шоҳ асаридир. «Уфқ» — ўзбек насрининг залварли қадрияти, Саид Аҳмад ижодининг юксак чўққиси. Ёзувчи бу ижодий чўққини забт этишни Фарғона чўлларида бошлади. Ёзувчининг «Чўл шамоллари», «Чўл оқшомлари» туркум ҳикоялари шиддатли оҳанги, юрагида ёли бор қахрамонлари билан ажралиб туради. Ужар табиат ожиз-у, мўрт одамларни хушламайди. Бепойн чўл қиёфасини Бургутлар, Ёғочми, Тўппончани — полвонлар, Қўзибойлар, чапдастликда эркаклардан қолишмайдиган Кокилаю Ойнисалар, қайсарлик билан қарилликнинг кўкрагидан итариб келатган Урик домларар ўзгартириши мумкин. Саид Аҳмад чўл ҳикояларида муҳиту қахрамонларга монанд кескин, чапани услуб қўллайди. Чўл ҳикояларидаги қахрамонларнинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигига китобхон ишонади. Ёзувчи чўл ҳикояларидаги қахрамонларни «Уфқ» трилогиясига янги ном, янги тақдир билан киритади. Трилогиядаги кўлам, табиийлик, чўл ҳикояларида тасвирланган воқеалардан, чўл қахрамонларини ўйлантирган муаммолардан кенг. «Уфқ» ни ўз тузуми, ички тартиблари, мафкуравий-сиёсий мақсаду йўналишлари, муҳими, бир-бирига сира ўхшамайдиган, курашу интилишлардан чарчамайдиган фуқароларига эга мамлакатга қиёслаш мумкин бўлади.

«Еш куч» журнали ўқувчилари кўнглидан бир гап ўтиши мумкин:

— «Уфқ» ёзувчи ижодининг юксак чўққиси; ўзбек насрининг ютуғи бўлса, нега у жаҳон халқлари тилларида таржима қилинмаган, дунёдаги жамики китобсеварларнинг тансиқ китобига айланмаган? «Уфқ» шаксиз, жиддий, мураккаб асар. Лекин унинг санъат асари сифатида сезиларли етишмовчиликлари мавжуд. Санъат асарларида занжирдай мустақкам концепция — фалсафий-эстетик қарашлар муштарақлиги мавжуд бўлади. Етук санъат асарларини неча бор мутолаа қилсангиз, ундаги концепция сизни ҳар гал бойитиб, мукаммаллаштириб бораверади. Бадий концепция — асарнинг барча қисм, бўлимларини, қахрамонларни, улар орасидаги муносабатларни уюштириб турувчи манба, жон.

Саид Аҳмад «Уфқ»дан кейин ўз китобхоналарига «Жимжитлик» романини тақдим этди. Бу асар хусусида кенг мушоақада юритиш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун асардаги икки қахрамон — Толибжон ва истеъфодаги ҳарбий хизматчи Аскаралли хусусида қисман гаплашамиз. Бу қахрамонлар бир-бирларини танимайдилар. Лекин уларнинг ҳаёт йўлида ўхшашлик, яқинлик бор. Толибжон ҳам, Аскаралли ҳам юрт кезган, эл кўрган, ҳаёт тажрибаси мўл-кўл кишилар. Улар борликни ҳам, йўқликни ҳам кўрдилар, амални ҳам, иззат-ҳурматни ҳам татидилар, армонни ҳам, руҳий-маънавий азобни ҳам англадилар. Ҳаёт уларни обдон чиниктирди, қийноқларда

синаб кўрди. Уларнинг қўйнига қўл солсангиз, ажойиб ҳикояларни эшитасиз, турли тоифадаги одамлар таърифини англаб етасиз. Муҳими шундаки, ҳар икки мўйсафид ҳаёт дорилфунунидан битта ҳақиқатни чуқур ўзлаштирдилар: ҳақиқий инсон фақат эзгуликка хизмат қилиши жоиз; одам борки, яхшилик уруғини парвартириш қилиши, уни ям-яшил дарахтга айлантириши, мевасидан кишиларни баҳраманд этиши лозим.

«Келинлар қўзғолони», «Кўёв» пьесалари Саид Аҳмад ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, «Келинлар қўзғолони» ўз биографиясига эга асар. «Келинлар қўзғолони» лиро-юмористик ҳикоясининг пьеса бўлиб турлиги, жаҳон халқлари театрларида йўл топиши, «Келинлар қўзғолони», «Суюнчи» кинофильмлари марказида ўша машҳур пьеса ётганлиги — ўзига хос тарих. Едимда, «Келинлар қўзғолони» асари Ҳамза номли академик театр саҳнасида қўйилгач, баъзи танқидчилар бу «бачкана асарда дурустроқ бир гап, томошабин кулгуси заминиде ижтимоий мазмун йўқ» дея тижирлик қилган эдилар. Қарангки, қанчадан-қанча ақлли пьесалар саҳнадан сирғалиб тушиб кетаётган бир пайтда «Келинлар қўзғолони»нинг парвози юксак бўляпти. Ҳақиқий истеъдод соҳибиде аллақандай сезги, масаланинг ҳеч кимга кўринмаган нозик томонларини илгаш хусусияти бўлади. «Келинлар қўзғолони» асаридаги нозик томонларни, ёзувчи сезгисидеги ижтимоий асосни замоннинг ўзи ошқор қилмоқда, талқин этмоқда. Фармонби қаттиққўл қайнона, келинларини «гаҳ» деса қўлига қўнадиган қилиб тарбиялаган кампир. Лекин қайнонанинг қаттиққўллиги, тежамкорлиги заминиде улкан инсоний меҳр, кадр-қимматни улғулайдиган бир куч бор. Ошқоралик, демократия замониде бир оилани эмас, бутун бошли мамлакатни бошқара оладиган тежамкор, қатъиятли, қаттиққўл, айна вақтда инсонларни улкан бир меҳр билан севадиган, асрлар оша шаклланиб келатган кадриятларни муқаддас биладиган Фармонбиби (Фармонбой) жуда-жуда зарур бўлиб қолди. Фармонбининг аҳил оиласи кўп болаликка чек қўйишни талаб қилаётганларни ҳам, оиланинг муқаддас асос эканлигини шубҳа остига олаётганларни ҳам, хуллас, турли миқёсдаги эрудитларни лол қолдиради. Фармонбиби табиатида шарқона удумлар — эрни эъозлаш, болаларни эркалаш, аёл ҳақ-ҳуқуқларию ориятини ҳурматлаш, энг муҳими, ҳамма ишда покиза, ҳалол бўлиш — жамланган. «Келинлар қўзғолони»да жиддий муаммолар ҳазил-хузул, ўйин-кулги шаклида ўз ифодасини тошган. Ҳозирги кишилар жаҳондаги жиддий муаммо-ю, таранг муносабатлардан безиллаб қолган. Театр томошаси кишилар руҳини эркалаши, асабларга дам бериши, айна вақтда, жиддий муаммолар хусусида ўйлашга ундаши жоиз. «Кўёв» пьесасининг асосий ютуғи — унинг жанр хусусиятида. Асар бош қахрамони — ёқимтой, ҳазил-хузулга мойил, боладай беғубор одам. Унинг фарзандлари оталарининг уйланиш ҳақидаги фикрини маъқулламайдилар, айна вақтда, унга ачинадилар, юракдан ҳамдардик билдирадилар.

Ўйлаб қаралса, «Кўёв» пьесасининг қахрамони билан Мухторхон Мансуров («Тўйда аза», «А.Қаҳҳор»), Мирзакаримбой («Қутлуг қон», «Ойбек») орасида яқинлик бор. Ҳар учала қариянинг умри поёнига яқинлашган. Диний ақидага биноан булар бу дунё ғавғоларидан юз ўгириб, у дунёликни, имонни ўйлашлари жоиз. Ешлар назарида кекса одамларнинг уйланиш ҳақидаги фикрлари бачканалиқдан ўзга нарсамас. Санъаткор ўз қахрамони (у қарими-ёшми, эркакми-аёлми, ўқиганми-омими) тирик одам сифатида талқин этиши, унинг руҳиятини ёритиши лозим. Абдулла Қаҳҳор доцент Мухторхоннинг бачканалигини очик-ойдин қоралайди: бу образ яратилибдики, фақат салбий тип сифатида танқидчиликда қораланади. Бирон китобхон ҳанузгача Мирзакаримбойнинг ёш қизга ўйланганлигини маъқулламаган. «Кўёв» пьесасида Ғани ота инсон, тирик жон сифатида таҳлил қилинади. Томошабин асосий қахрамоннинг уйланиш ҳақидаги қарорини маъқуллайди. Асарда асосий қахрамоннинг дид-фаросатли, гўзалликни ҳис этувчи одамлиги кўрсатилади: Ғани чол ўзи ёқтирган аёлга уйланади. «Кўёв» пьесасида «Келинлар қўзғолони» дагидай, муносиб оҳанг, шакл топилган. Асарнинг жанри комедия бўлиб, руҳига лиро-комизм, маълум даражада трагизм сингдирилган. «Кўёв» заминиде ҳам умуминсоний қадриятларга ҳамоҳанглик, инсонни улғулаш гоёси англашилиб туради.

Саид Аҳмад асарлари ҳеч қачон китобхона пештахталарида чанг босиб ётмади. Ёзувчи ҳар бир асарига қалб ҳароратини, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббатини сингдириб юборади. Табиийки, бундай асарлар умри боқий бўлади. Асарлари китобхон қўлидан қўлига ўтиб юраркан, ижодкор ўз умрини асл мазмун, маъно билан безапти деяверинг.

Баҳорим

*Баҳор кириб келди боладай қувноқ,
Борлиқдан аритиб қиш ғуборларин.
Эрита олмади қуёши бироқ,
Кўксимни қоплаган ҳижрон қорларин.*

*Қайдасан, қуёшим, сени қўмсадим,
Кўзимга жилмайиб бир боқсанг, ишон,
Баҳорги даладай яйрарди бағрим,
Бу совуқ қорлардан қолмасди нишон.*

*Баҳор кириб келди боладай қувноқ
Яшил куртақларин ёзди дов-дарахт.
Нечундир шодлигим гул очмас бироқ,
У қишки ниҳолдай яланғоч, карахт.*

*Қайдасан, қўмсадим қуёшим, гулим,
Кўзимга жилмайиб бир боқсанг, ишон,
Беқиёс шодликка тўларди дилим,
Баҳорги дарахтдай яшнарди хандон.*

*Бу кун табиатда катта тўй, байрам,
Босиқ дарёлар ҳам боладай шўхдир.
Фақат мен сурурсиз, фақат, мен ўйчан,
Гулим, сенсиз менинг баҳорим йўқдир!*



Тонг

*Эриниб кўзингни очасан аста:
Тонг, ўчган қораси кечаги туннинг.
Гўё сен кўзингни юмиб очгунча
Ўзи келиб қолар қуёшли Куннинг.*

*Асли-чи, жанг борар. Еруғ кунни деб
Не чақноқ юлдузлар бўлишар қурбон.
Айтма бу шунчаки вақтнинг ҳукми деб
Мағлуб Тун кўтарган оқ байроқдир Тонг.*

Дарё

*Икки ёқдан икки қирғоқ
Исканжаси ёмон-да.
Нима килсин шўрлик, кетмай
Боши оққан томонга.*

Балиқ

*У тўймас бу дунёга
Яшаса ҳам бир аср.
Юмилмайди кўзлари
Очиқ кетар барибир.*

Дилшод РАЖАБОВ
Бухоро вилояти



1928—33 йилларда нашр этилган «Худосилар» журналі саҳифаларида атенстик маъзуларда талайгина бадий асарлар ҳам босилган. Жумладан, Кавказ ва Мажилийнинг шеърлари, Н. Раҳимийнинг «Сирлар очилди», Қобиллийнинг «Соф муқаббат» ноқеий ҳикоялари, турк адиби Сулаймон Ривзийнинг «Насом динининг «Распутин»и» киссаси, А. Фихратнинг «Меърож», «Заҳронинг пхони», «Зайд ва Зайнаб», «Оқ мазор», «Қийиқ эшон» ҳикоялари шундай асарлардир. Олим ва адиб Абдулла Авлоний (1878—1934)нинг «Фолчиларнинг сир» сарлавқали ҳикояси маъмур журналінинг 1929 йилги 7—8-сонларида эълон қилинган. Унда фолбилларнинг ҳийла-найранглари, фирибгарликлари, содда ишларини лақиллатиб, бор-будини шайиб олинларни ҳаққоний очиб ташланган. Қуйида ана шу ҳикоя билан танишасиз.

Войбўта ДУСТҚОРАЕВ,
филологни фанлари кандидати.

Фолчиларнинг сирларини билувчи Хуммор хола ўз ўртоқи Ойша фолчининг сирларини тасвир қила бошлади.

Кунларнинг бирида мен унинг уйига меҳмон бўлиб боргон ва бу боришимда унинг уйига узоқ вақтлар ўлтириб қолгон эдим. Мен унга жуда яқин дўст бўлгоним учун, ул мендан ҳеч бир сирини яширмас эди. Ёши эллиқдан ошгон Ойша кўзларини олайтириб олиб:

— Биласанми, Хуммор, биз қандай қилиб сеҳр, жоду, иссиқ-совуқ қилабиз, қандай қилиб оилаларни хонавайрон қиламиз, — деди-да, хўрсунуб-хўрсунуб ўрнидан туруб қия турган эшикни беркитиб келиб маним олдимда ўтурди. Гўё бирор кимсадан қўрқондек ўзи қилгон бузуқ ишлардан пушаймон бўлгонсираб бўғуқ ва майин товуш билан сўзлашга киришди. — Э... ээ Хуммор! Бизнинг қиладиргон ҳийла ва макрларимизнинг мингдан бирини «шайтон» билса эди, одамларнинг кўзига кўринган бўлар эди. Дунёда бор бузуқлик ва фадони биз ишлаймизки, уни онгсиз инсонлар «шайтоннинг иши» деб ўйлаб юрадилар.

Биз одамларни қандай сеҳрлаймиз?

— Қўлингни бер Хуммор, — деди Ойша, мен Ойшага қўлимни бердим.

— Масалан, сен фол боқизғали келган бир хотин бўл, — деди Ойша.

уйнинг бир бурчагида тортилиб қўйулгон оқ гўшангани менга кўрсатди. «Парда ичра бўлгуси кўб сирини пинҳон, андим», деб уйни қоронғи қилиш мақсадида дарпарданинг кичик эшикларини ёпди. Уй қоронғилашди. Парда ичига киргач, шаъмлари ёқди. Қозикда тургон чирмандани олиб турли-турли ашулалар айта бошлади. Вайсади, сўзларининг орасида «ҳа... ҳа... келинг... келинг... жинлар, парилар, паризодлар, рост айтинг, тўғрисини айтинг... мана шу жувони барнонинг қолига раҳмингиз келсин. Сулаймон пайғамбарнинг номидан сизга қасам бераман, ростини айтинг», деб чирмандасини ташлаб, яна ёнимга келиб ўлтирди-да, «Хуммор, парда ичида мен саннаганимда кўзингга бирон нарса кўрундими?» деди. Мен бўлсам, ул саннаган чоқда бутун вужудимни кўз қилиб пардага тикилиб турган эдим. «Жин кўзига чақа чилдирма кўрунур», дегандек, тоқчада милтиллаб ёниб турган шаъмнинг шўъласи пардага тушар экан, кўзимга аллақандай нарсалар кўрунгандай туюлди. Бирок Ойшанинг ёнимга келиб «Парда ичида бирон нарса кўрдингми?» деб берган саволига шошганимдан:

— Ҳа... ҳа... кўрдим шекилли, лекин ваҳм босгонидан титраб ўтурубман, дедим.

Ул: — Тўғри гапирдинг, Хуммор! Сени босқон ваҳм соясида кўзингга аллақандай нарсалар кўруна бошлайди. Меним фолчилик орқасида сочим оқарди. Қарийб 30 йилдан буён фолчилик



Абдулла АВЛОНИИ

бир оз энтиқиб турди-да, яна сўзга киришди:

— Хуммор, энди мен сенга соғиш йўлларини кўрсатиб берайин. Масалан, бир хотин қайнарасидан норози, ёки эри уни яхши кўрмайди. Ёки ул эрини ёмон кўради ва ҳоказо... Мана шуни билиб олиб, биз бир тош билан икки қуённи ура бошлаймиз. Бир томондан, ўз жиғилдонимиз қайгусида бўлсоқ, иккинчи томондан, бизнинг асиримиз бўлгон хотиннинг хоҳишига яраша амалиёт юргуза бошлаймиз.

ФОЛЧИЛАРНИНГ СИРИ

(ҲИКОЯ)

Мен «Хўб, фол боқизғали келган бир хотин бўлдим», дедим. «Мана, энди сен бизнинг қиладиргон ҳийла ва найранглариимизни томоша қил», деди-да, қўлимни тутганча бир қанча вақт аптига тикилиб, кўзини кўзимдан ажратмасдан, афт-башарасини бир неча хил қиёфатларга ўзгартирди. Мен бўлсам, бу тикилиш ва қарашларга ва ул бурушган башаранинг ўзгарган ҳолларига ҳайрон бўлуб, ўзимни йўқотиб қўйдим. «Қўрқма, Хуммор», деди Ойша. «Нимадан қўрқаман, Ойша?» дедим.

Ул: — Мана, кўрдингми? Бу бизнинг олдимизда мадад сўраб келган хотинларга қиладиргон биринчи амалиётимиз. Мана шу йўл билан биз келадиганларнинг кўнглидаги сир ва асрорларини билиб оламиз. Биз шундан кейин уларга жуда мулойимона ва очиқ юз билан муомала қиламиз. Ҳол-аҳвол сўрай бошлаймиз.

— Қизим, сизнинг сирингиз бизга маълум бўлди. Қани, айтинг-чи, бизнинг қошимизга нима мақсад билан келдингиз? — деган сўроқни беришимиз билан, ул худди сенга ўхшаш ақлини, ҳушини йўқотгонсумон юрагидаги сирларини айти беради. Сирини билиб олдикми? Биз даррав иккинчи амалиётни бошлаймиз. Бизнинг иккинчи амалиётимиз ана ул парданинг ичида бўлади, — деб кенг енглари орасидан ўнг қўлини чиқариб,

қиламен. Боқутувчиларга жин, парини кўргандай бўлуб сўлайсам-да, ҳақиқатда шул чоқча меним кўзумга на бир парини кўрунди ва на бир жин. Агар бу сирлар сенинг томонингдан иккинчи бир кишига айтилар экан, оғзинг қийиқ бўлиб қолажак.

Мен бу гаплардан бир оз ўзумни тўқтатиб олдим. Шу гаплардан кейин кўзимнинг олдини босгон қора йўқолди. Миямдаги аллақандай ваҳималар зоил бўлди. Вужудимдаги қалтироқлар тўқтади. Ақлимни янгидан бошимга тўплаб, бу олдимида, сўроқ ҳисларимни тўплаб, «Булардан бошқа яна қандай сирларинг бор?» дедим. Ул: «Қолгонларини айтаман, фақат бу сирлардан ҳеч бир кимни хабардор қилмасанг», деган шартни яна бир таъкидлаб қўйди. «Мана, шундан «амалиётларга» дучор бўлгон хотин ўз ихтиёрини йўқотиб, бизнинг қўлимизда асира бўлуб қолади. Биз уни истаганимизча соғиб еймиз, биз, сенга айтганимиз биринчи амалиётимизда хотиннинг юрагидаги мақсадларини ва сирларини билиб оламиз. 2 нчи амалиётимизда пардада ўлтуриб, унга ўз мақсадига мувофиқ равишда жинлар, парилар, девлардан сўйлаймиз. Ана шундан кейин «Ашур, бошини қашур, топганини менга ташур» дегандек бор-йўқ давлатини келтириб беради. Ўзида бор нарсаларни биздан аямайди». Ул менга

Санам биби қандай алданди?

Мана, мен сенга Санам бибининг эри билан бўлгон алоқаси тўғрисида қилгон амалиётимни сўйлаб берайин. Санам эри уни ёмон кўрганини, Санамга қўпол муомала қилгонини ва шу йўлда сеҳр, жоду, иссиқ-совуқ қилиб, тил-жағини боғлаб беришни сўради. Мен унга иссиқ-совуқ қилиш учун лозим бўлгон тубандаги нарсаларни келтиришни буюрдим: 3 қадоқ новот, ярим қадоқ чой, бир қора товуқ, мушк, заъфар, гулоб сўрадим. Бундан бошқа яна бир неча хил ўзида «топилмайдиргон» қимматбаҳо нарсалар олиш учун 5 сўм пул ҳам олиб келасан, мен ўзим золим эрингни ром қилиб бераман.

— Қизим, сенга шуни ҳам айтиб қўяманки, агар шу сўрагон нарсаларнинг биронтаси бўлмаса, иссиқ-совуқ ўз ўрнига тушмайди, — дедим. Мен: — Ойша опа, қуруб кетгур иссиқ-совуқингга шунча нарса кетадими?

Ойша: — Сен нодон экансан, Хуммор. Шуларни келтириб берган Санам бибига нима қилиб бердинг дегин.

Мен: — Қани айтчи, нима қилиб бердинг?

Ойша: — Гуштнинг орасидан чиқгон бир безни оқ латта — кўк латта қилиб чандиб боғлаб, устидан қирқ тугун қилдим-да, «Мана бу жоду сеҳрни

олиб бориб уйингнинг остонасига кўмасан» дедим. Ичида сен келтирган товукнинг юраги бор. Бу юрак сенинг эрингнинг юрагини юмшатади. Мушк, анбар, заъфарлар ҳам доруга ишлатилади, дедим.

Мен: — Бундан бошқаларини-чи?

Ойша: — Чойдан бир қайнатиб ўраб, новотдан икки бўлакни қўлига бериб, буни эрингга наҳорда ихлос билан ичирасан. Мен буларга етти қайнарлик қилиб чилтанлар; жинлар, парилардан сўз олиб туруб, 71 мартаба дам солгондирман, мана шуни ихлос билан эрингга ичиргандан кейин Кўхи Қофнинг орқасидан туруб жин ва парилар эрингнинг жигбийронини боғлаб қўяди, дедим. Бу амалиётнинг биринчи томони, энди иккинчи томонидан сўйлай.

Мен: — Қани, сўйла-чи, яна қандай сирлар бор? — дедим.

— Амалиётнинг ҳар икки томони ҳам бир-бири билан боғлангон ҳолда боради. Бечоралар бунинг таг-туғига яхши тушунмайдилар-да, сеҳр, жодунинг хосияти деб биладилар. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммаси алдоқчилик ва макр, ҳийлалардан иборатдир. Санам бибининг қўлига сеҳр жодуларни топтирар эканман, мана шуларни ҳам тавсия қилиб қўйдим. Жоду амалга ошгунча ўзингни тоза ту. Упа-элик билан ўз-ўзингга зеб ва пардоз бериб юр! Уй ичларини тоза сақла! Шундай қилмасанг, жинлар, парилар сенга мадад бермайдилар. Эринг ҳам қанча кўпол бўлса ҳам, жоду амал қилгунча эрингга яхши муомалада бўл. Уруш, жанжал бўлса жин-парилар қочади. Мен бу сўзлардан кейин ундан шу вазифаларнинг тугал, тўқус бажариш ваъдасини олдим. Санам «Агар эримни тил-жагини боғлаб олсам, сизга ўлгунча хизмат қиламан» деди.

Мен: — Ойша опа, сенинг бу сўзларингга қандай ҳикмат борлигига тушунолмадим-ку, дедим. Ойша: — Боя, мен сизга айтдим-ку, бундай «ҳикматли» сўзларнинг сирини ҳеч қачон тушуна олмайсилар. Шунинг учун ҳам сизлар бизнинг олдимизга мадад сўраб келасиз. Шунинг учун биз сир ва асрорларни ҳеч кимга айтмаймиз. Энг яқин дўстим бўлгонинг учунгина мен бу сўзларни сенга айтаяпман, деди.

Мен кулимсираб: — Хўб, Ойша опа, айта бер! Агар бошқаларга сўйласам, босқон изим орқамда қолсин, дедим. Ойша: — Узинг яхши биласан, Хуммор! Эрлар кўпинча хотинларининг ифлослигидан, уй-жойларни озода тутмоғонлигидан, кўпол муомала қилгонларидан зерикиб, шунинг натижасида хотинларини ёмон кўруб қоладилар.

Кўб хотинлар ўз камчиликларини сезмасдан бутун айбни эрларига юклайдилар ва ким кўрунса, унга ўз эрларидан шикоят қила бошлайдилар. Бу гаплар эринг қулоғига етиб, ўртага совуқлик тушади. Биз орага тушгон совуқликнинг асосий йўлларини ўрганамиз-да, шу қаршиликларни ўртадан кўтариш чораларини излаймиз. Шундан кейин ҳар икки томоннинг меҳри бир-бирига товланади-да, апоқ-чапоқ бўлуб кетишадилар. Аммо буни ул бечоралар ўзларидан

кўрмай, сеҳр жодунинг қуввати деб биладилар.

Бўлмаса, иссиқ-совуқда нима хосият бор, дейсан Хуммор, унда ҳеч қандай куч ва хосият йўқ. Бутун сирнинг манбаи ўзимиздадир. Биз харидоримиз ва муштарийимизнинг сирини биллиб олиб, шу йўл билан унинг дардига малҳам излаймиз. У онгсизлар бизнинг шу ҳийламизни «сеҳр, жоду натижаси» деб таъбир қиладилар. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин Санам биби 5 сўм пул, бир рўмолга ёғлик кулчасини тугуб келди. Унинг эри «жодунинг» таъсири билан хотинига анча муҳаббат қўйипти. Бу хизматимга яраша ул мени ўзига «онахон» ҳисоблаб ҳар вақт ишимга ёрдамга келаётган бўлди. Кўрдингми, Хуммор: мендаги амалиётнинг натижасидан шу онглашилади-ким, Санам бибининг ўзи эрига яхши қарашмагон. Ўзини тоза тутмагон, мен бўлсам, уларга йўқ ер париларни восита қилиб тоза тутушни, эрига нисбатан яхши муомала қилишни тавсия этдим. У шундай қилди ва натижа бизнинг фойдамизга ҳал бўлди. Мана кўрдингми, Хуммор, — деди-да, кулиб, бундан кейин «бизнинг алдоқчилигимизга офаринлар айтиб, тан бер», деган сўзни ҳам илова қилиб қўйди.

Мен: — Бундай сирларни билгандан кейин тан бердим, Ойша опа, букун жоду қилиш йўлларини ҳам айтсанг-чи, деб савол бердим. Ул менинг бу саволимга жуда узок қараб турмади. Узун енгини чиқариб лабу-лўйгини бир суртуб олди-да, сўзга киришди.

— Биз жодунинг харидорини шундай қилиб топамиз.

Хуммор, сен жуда содда хотинсан, бошқа хотинлар, сендан ҳам соддароқ. Хотинлардан, балки баъзи бир эркаклардан ҳам онгсизлари келиб чиқади. Эркаклар тоифасидан ҳам бизга сиғинадигонлар кўб.

Ўткан кун қози кўчадан Толибжон деган бола келиб фол боқизди. Мақсадини сўрадим, хотини туғмас экан, шул мақсадга қараб фол очдим, аллақандай ясама — уйдирма сўзларни, ёлгон-яшиқларни тўқудум.

— «Сизнинг бир душманингиз бор, ул жоду қилиб сиз билан хотинингизнинг орасини боғлаб қўйгон экан», дедим. Ул сувга тушган нондек бўшашиб, мендан иложини сўради. Мен фақат амалини топиб олиб уни катта сувга ташлашдан бошқа чора йўқ, дедим. Ул фол учун қўлимга

бир сўм бериб, агар амални топиб берсам, жуда кўб оқча беришни ваъда қилди. Менда жон бор дейсанми, Хуммор, мундай овлар ҳар куни бизнинг қўлимизга туша бермайди. «Эсинг борида этагингни ол» қабилидан мундай овлар тутулгон пайтда юлмасдан, қовурмасдан қўймаймиз. Бечора Толиб бўлса, ул энди бизнинг тузоққа илинган, тирпиллаб оёқи куйган товукдек нима қилишни билмайди. Жодуни олдирмаса, кўнгли тинчимади. Ул «парилар, жинларнинг» сўзидан чиқмайди. Мен уни «ғуломгардишга» чиқиб турушни буюрдим. Биргалашиб бориб жодуни топиб беришга ваъда қилдим. Ул бу сўзни мендан эшитиб шу даражада суяндиким, сўлгун юзларига қон юғуриб пошилгонидан кафшларини пойма-пой кийиб чиқипти.

Шу сўзлардан кейин Ойша ўрнидан туруб такчадан бир нарсани олди-да, яна қайтиб ўз жойига ўлтирди.

— Бизнинг амалиётимиз жуда осон, қўлда ясалгон оддий нарсалардан иборат бўлади. Масалан, отнинг ёли, тирноқи, тош парчаси, бир-иккита ола мунчоқ, озгина мой, кичкина қалампир...

Мана, агар сен ҳам фолчи бўлсанг, шу нарсаларнинг ҳаммаси ҳам керак бўлади, — деб кулди Ойша.

Мен бўлсам:

— Қўйунг, фолчилик ўзингиздан бери келмасин, — дедим. Ойша бўлса, лабларини тиржайтириб, «қўлингдан келса, қилар эдинг-куя», деб қўйди.

Хўш, Ойша, Толибжонни гуломгардишда қаратиб қўйдинг-у, у ёғини айтмадинг, нима бўлди ундан кейин?

Қўлда ясалгон бир амални чўнчагимга солиб уйдан чиқдим. Мени тўрт кўзлаб кутиб турган Толибжон билан биргалашиб, йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Ул хотини Жамиланинг турмасли-



Рассом Музаффар АЪЛАМОВ

ғидан, ёшлиғида амакбачасига бешик кертги аталса ҳам, унга бермаганларини сўйлаб берди. Мен бўлсам, керакли амалиётни ясадим. Қўлимга бир темир сих олиб ховлининг бир неча жойларига сўқуб кўрдим. Сихнинг учини искаб кўруб, бир неча жойларни қазитдим.

Бир жойдан бир оз латта-путта чиққон эди, «шошманг, шошманг, энди сизлар қазисангиз яна ерга чўкуб кетажак», дедим-да, уларни бир чеккага юбориб, ўзим секингина ҳалиги келтирган латта-путталарни кўмуб қўйдим. Бир оз қазиб, «мана, топилди», деб ҳалиги ўзумнинг ясама амалимини уларга чиқариб кўрсатдим. Шу латта-путталардаги ва йўлакда амалимини тўрт кўзлаб кутуб турган Толибжондаги ёш болаларча севинчи кўрсанг, ўзинг ҳам Ойша опангнинг хийла-найрангига қўйил бўлар эдинг, уларнинг олдида амалимини очдим. Ичидан тирноқларини олиб кўрсатдим.

Душманингиз сизга тирноқ юзи кўрмасин деб шу амалини қилгон экан, дедим. Бир неча бор «куф-суф»дан кейин буни сувга ташланглар, деб ўз кўлларига бердим. Қўлумга 3 сўм пул тутқуздилар. Оқчани чўнчакка уруб, уйга қараб йўл уздик.

Мен: — Ойша опа, одамларни алдаб пулини олиш сизларга хатм бўлган экан-да, мен шу латта-путталардан ростида шундай ишларни қиласиз деб ўйламаган эдим, — дедим.

Ул: — Бўлмаса-чи, Хуммор, бировлар бизнинг қўлимизга тушгон, «кафангадо» бўлмагунча қўймаймиз. Улар бизга чўри, қул каби хизмат қилажаклар. Тишимизнинг ҳар бир ғижиллаши ҳеч бўлмагонда бир сўм-икки сўм келтиради.

Мен: — Қани, Ойша опа, масалан, мен эримни ёмон кўраман, шундан бир илож қилиб айрилмоқни истайман. Сизнинг олдингизга шу латта-путталар мадад истаб келдим. Мана шундай ҳолда қандай хийлалар ишлатасиз? Қандай ёшури сирларингиз бор?

Ул юзига маккорлик ва алдамчилик тусини киргизди. Башарасини тиржайтириб, кулимсираб:

— Ҳой, Хуммор! Сен мени бутун сирларимни билиб олмоқчимисан? Майли, билсанг бил, лекин бировга айтма! Агарда бировга айтган экансан, унинг «жинларим» томонидан кесакбўрон бўлади, деди.

Мен: — Кесакбўрон сирини кейин сўрайман, мени гапга чалғитмасдан олдин ҳалиги сўроғимга жавоб бер, Ойша, — дедим. Ул бўлак бир вазиятда сўзга киришти:

— Кунларнинг бирида ҳовузбоғ маҳаллалик Ҳасан тақачининг хотуни Сожида сенга ўхшаб юмуш билан келди. Биринчи амалиётни ясагонда ул юрагидаги сир ва асрорларини айтиб қўйди. Ёшлиғидан ўз гузарида бир йигитни яхши кўрганликни ва лекин ота-онаси томонидан зўрлик билан Ҳасан деган бировга берилганлигини айтди.

— Хўш, Ойша опа, ундан кейин нима бўлди? — деб мен сўрадим.

Ойша: — Нима бўлар эди, дейсан, Хуммор? Сожиданинг ҳамма сир ва асрорларини билиб олгондан сўнг «исик-совуқ» қилиш учун бир талай нарсаларни келтиришга буюрдим. Эрининг кўнглини совутиш учун ўзига бердим. Ва бу чой билан новотда «девлар, парилар, жинлар» исмидан етмиш мартаба дам солингонлигини, агар буни ихлос билан эрига ичирса, эри тамом буни яхши кўрмай қолишни айтдим. Эрининг ҳам хиндидан азойимхони бор экан, шунинг учун сен меним бутун талабларимни тўғал бажар, — дедим. Ул: «Жоним билан, айланай, иш қилиб шу эрдан қутулсам бўлгани», деди. Мен айтдим:

— Сен шу кундан бошлаб эринга турли овқатлар қилиб беришга буюрасан, иккинчи томондан, уни шундай сувга бойлайсанким, ул бурнидан тортсанг, йиқиладигон бўлуб қолади. Натижада, ул сендан қочиб, бошқа жойларга бориб ётишга мажбур бўлади. Шундан кейин сен эринг билан бошқача сўйлашасан. Масалани кўндаланг қўясан. «Хўш, қани айтчи, нима деб сен кечалар менидан ижозатсиз бошқа бировларниқига бориб ётасан, кўнглинг бошқаларда бўлса, нима деб менга ёндошиб юрубсан», дейсиз-да, бошлайсиз ҳужумни! Қиласиз жанжални. Мана ундан кейин кўрасиз сеҳр ва жодунинг таъсирини! Эринг сал кунда сендан ажралиш пайига тушади. Шундай қилиб эрингдан жанжалсиз ҳолда ажраласан, дедим.

— Охири нима бўлди, Ойша опа?

— Нима бўлар эди дейсан, Хуммор! Масала бизнинг фойдамизга ҳал бўлди, холос.

Орадан бир ойча вақт ўтди, кўлида 3 сўм пул ушлаб Сожида келди. Севинган, қувонгон ҳолда кучоқлашиб кўрушуб эрининг ўз ризолиги билан ажралганини айтди.

— Бошим гўрга киргунча сизнинг хизматингизда бўлман, — деб севина-севина чиқиб кетди.

Мен яна сўроқ бермакчи эдим, фол боқизгали бир хотин келди. Мен хайрлашиб чиқиб кетдим, — деди Хуммор.

Онажон, бугун тунда сачраб уйғондим. Отам руҳи бевота, тушларимга ором бермаяпти. Сизга у кун оғир сўзлар айтдим. Маъносини нигоҳларингиз дилимни тилиб кетди. Сўзларим юрагингизга тошдай ботди. Фикру-хаёлиңи қора қуёнлар босиб, умидлари синиб бораётган телба қизингизни нега урушмадингиз, бебошлиғи учун койи мадингиз. Бир этак бола улғайтиб, ҳеч кимсага ҳасрат қилмаган кўнглининг бардошли йўллари шунчалар кенг, тозами. Ҳали битта ҳам бола ўстирмай юраги тор бўлиб кетган қизингизга сабру-қаноатдан ўргатинг.

Онажон, кўзларингизда ҳорғинлик кўраяпман. Юрагингизга оғриқ сукилиб кирапти. Фалақдан ўтинчим, кунларимни куйдириб, кулгуларимни тўкмасин, сизни арасин, бардам бўлинг, онажон.

Қай кун симларда соғинчларингиз йиғлади: «Бир келиб кет. Ахир соғиниб кетдимку». Майда-чуйда ҳавасу-изтиробларга ўралашиб яшаётган қизингиз дилидаги оқибат ҳам тушқувлик саҳроларида хасдай тўзимокда. Сиз эса тиришасиз, курашасиз, ўртангизда аҳиллик қолсин дея куйнасиз. Меҳрингиз билан дилларга оқибатни жо айлайсиз. Онажон, кўксингизни кенгроқ очинг, турмуш тўзонларидан толган қаддингизни тик ростланг. Қаранг, покиза сабалар эсмоқда. Халқим бағрига ҳам офтоб тегапти. Кўнглининг но-

термилишиб, соғинчлар чанғалида қийналишади. Онажон, бу суратлар овунчоқ бўлгандан кўра ёниб қул бўлгани афзал эди. Наҳот, фарзандлар дилидаги Бурч ҳам нодир қушлардек мангулик қаърида қирилиб метаяпти.

Онажон, миш-миш тўзонлари узокларга отсинлар, майли кеча суйганларим бугун бол деб заҳар тутсинлар, ҳар саҳар ёнингизга учиб борай, шундай бадбин кимсалар билан бир ҳаводан нафас олаётган қизингизга меҳру диёнатдан дуолар ўргатинг.

Кеча ишқдан ёнган ошиқ висолига етган маъшуқасининг шаънини булғаб ҳақорат қилди. Унга қўл кўтариб, дунё юзини кўрмаган фарзандига озор берди. Уша тун вафо боғларида тўзонлар эсди, хиёнат кўчаларида муҳаббат адашди. Наҳот энди, юракларни бир-бирига пайванд этувчи Ишқу Садоқатни ҳам инсонийликнинг Қизил китобларига битсак.

Онажон, отагинанинг оғзи эндигина ошга етганда, дилларни қон қилиб ўлим келди. Бизни отам руҳига саждалар қилдирган, бола-чақа савдосининг чанг-ғуборларини ёлғиз ютаётган сиздаги туйғу Садоқат эмасмикин. Аёлнинг эркакка сўзсиз, таъмасиз буюк муҳаббати эмасмикин. Онажон, турмушнинг оғина инжиқликларига дош беролмай, дод солиб қақшаган қизингизга ўша сиз сиғинган садоқатдан муждалар ўргатинг.



Бадиа

ҳақ нураган боғлари адолат деворлари ила тикланаяпти. Аммо қай бир улуг зот меҳру оқибатни онаси дилига эмас, оқ қоғозларга чизмоқда. Курсисига канадай ёпишиб олган амалдор эса қайта қуришдан «сабоқ» бериб, андиша-ю диёнатни кўмиб юборапти. Онажон, мен одамлар ташвишдан ҳам, қувончидан ҳам ҳайратланмай кўяпман. Баъзан узун туллари танимда ўкинчлар изгириндай гувиллаб жонимни ўртайтиди. Элимнинг асл ўғлонлари тухмату-маломат комида бадном бўлиб ётаверибди, биз эса оқ десалар оқ, қора десалар қора экан деб қарахт туйғу, гунг тафаккур билан беун яшайверибмиз. Эрта жувонмарг кетганларнинг хуни энди кимнинг бўйнида. Аларнинг қисматидан имонларимизда нола. Биз суйиб сиғинган, удуғлаган «буюк» кимсалар эса мансабу-диёнатнинг жангу-жадалларидан юзлари қаро бўлиб чиқаяпти. У кун раҳнамосининг соясигача сажда қилган товламачи бугун кенг давраларда ғараз нияту, мулоийм овозлар билан унинг хотиротини, хоки ётган мазорини тошб ўрон қилаяпти. Бу даҳшатдан нега осмон узилмайди, еру-кўк чархпалак бўлмайди.

Онажон, бўғзимга аччиқ фарёд тикилмоқда. Кеча ташландиқ гўдак кўзларида кўрган ғуссани бугун бир қариянинг чехрасида кўраяпман. Унинг фиғони дилида дарёдек тошса-да, ғарибхона остоналаридан ўтолмайди. Хокисор кўнглининг андишадан посбонлари йўл бермайди. Дард юракка зардобдек тўлаверади. Бу дили шикасталарнинг фақат биттагина эрмаги, суянчиги бор. Оғир кечган умр ҳикоятлари, фарзандлар — дилбандлари сурати. Ҳар субҳу-шом гоҳ фаҳр, гоҳ ҳасрат билан

Нега бу қизчанинг кўзлари ёшланган. Қадди эгик. Отасининг меросидан бири икки бўлган «бойвачча акаси» сағир қолган жигарларининг кўнглини ўқситибди, бева онасини жеркиб, шикаста кўнгиларни вайрон айлабди. Наҳотки, етимлар бошини силаб, таянч бўладиган меҳрибон қўллар жаҳолат учун, мунглиг дилларга малҳам бўлгучи тиллар мол-давлат учун яшаяпти. Биз фарзандларимизга мана менинг авлодим, фаҳрим деб шу нокас кимсаларни кўрсатамизми? Эзгулик дунёсини бу ғаламислардан поклаш учун юртимга эътиқоди собит, ақл заковати расо ўғлонлар керак. Онажон, қаранг, она заминимиз эса ярадор кўксидан адолат нурларини келажак сари элтмоқда. Осмонимизни чирқиратиб, совуқ қуроқлар сочилмоқда. Юлдузлар фарёдида бир қуллоқ тунг, жони ҳалақда. Фарзандлар дилига оқиллик улашган содда юракларингиз ҳаққи, онажон, ҳар саҳар туриб табиатдан ёлборинг, она тупроғимизга ўт қўймоқчи бўлаётган ғаддор юракларга инсоф-таббалар берсин.

Онажон, мен суйган эгизаклар қийқириб тетапоё қадам ташлаяпти. Катта ҳаётга, адолатга, ёруликка ташланган илк қадамлар. Йўллари ҳаммиса нурафшон бўлсин. Бегубор кулгулари завоқ топмасин. Бешик тебрати элга ботир ўғлонлар узатган пок қўлларингиз ҳурмати яхшилик пойида саждалар айланг, оламга қийқириб боқайтган шу норасида гўдаклар бахтига тинчлигимиз боқий бўлсин.

Онажон, сизга оғир сўзлар айтдим. Маъносини нигоҳларингиз дилимни тилиб кетди. Пойингизда бош эгиб таббалар қилдим...

ГҮРҮҒЛИНИНГ

Ҳурматли «Еш куч!» «Гүрүғли» дostonининг муаллифи ва шу дoston ҳақида маълумот берсангиз. Салом билан Бухоро вилояти, Свердлов ноҳиясидаги «Ўзбекистон» колхозда яшовчи Улугбек ЕРИЕВ ва Анвар ҚАЛАНДАРОВ.

ИККИ ОҒИЗ БАХШИ ҲАҚИДА:

«Гүрүғли» туркум дostonлари улуг шеърӣ эпопеядирки, то ҳозиргача фольклоршунослигимиз ва адабиётшунослигимиз яхлит бир тарзда унинг илмий-адабий таҳлилини яратиб улгурмади. Бу муҳим вазифининг ҳал этилишида барча ўзбек дostonчилик мактаблари, уларнинг Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, ислом шоир Назар ўғли каби буюк намоёндаларининг талқинидаги анъанавий дostonлар асосий бадий манбалар бўлиши табиӣ. Қўрғон дostonчилик мактабининг улуг вакили Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлқандан ёзиб олинган анъанавий дostonлар ҳам шу нуқтаи назардан алоҳида аҳамият касб этади.

Пўлкан — Қўрғон мактаби дostonларининг хазинабони Жоссоқ шоирнинг шогирди эди. У худди устоди каби етмишдан кўпроқ дostonни билар ва куйлар эди: ҳофизасидаги анъанавий дostonларда Гүрүғлининг наслу насаби, туғилишидан тортиб, ўхшаши йўқ қаҳрамонликларигача ўз бадий мужассамини топган эди.

Жоссоқ шоирнинг шогирди Муҳаммадкул доврак, адолатталаб, эрксевар эди. Эл билан бирга кулиб, бирга йиғлар эди. Ҳар замон ўз-ўзига айтгандек қилиб: «Бир ўзинг доно бўлгунча, кўп билан гумроҳ бўл», деб қўйгувчи эди... 1916 йилги мардикор воқеасини биласиз. Эл бошига тушган шу кўргулик бахшнинг четлаб ўтмади. У ўзи сингари камбағаллар билан биргаликда Россия ичкарисига мардикор бўлиб борди. Қисматдошлари ўртасида Муҳаммадкул ҳақталаблиги, оқ-қорани ажратиши ва тўғрини ҳимоя қилиб, ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уриши билан ажралиб турарди. Дўмбира қўлидан тушмас, оғзида дostonу терма ўйнар эди. Мардикорлар тарафини олиб, ҳажвий термалар тўқир, юзбошиларни, туркистонликларни қора меҳнатга солиб, шафқатсизларча ишлатаётган чор амалдорлари кирдикорларини қўрқмай фoш этар эди. Бебоқлик билан ҳажвий терма айтганида, юзбоши пўписа қилиб:



— Ҳов, кўрпангга қараб оёқ узат, оғзингга қараб гапир, — дейди сенсираб.

— Сенсирама, — деди бахши. — Мен — шоирман. Кўнглимдагини айтаман. Менинг оғзимга оқ пошшо ҳам хўжайинлик қилолмайди.

Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бахши «хўжайин»ларга отнинг қашқасидек маълум бўлиб қолди. Яна бир кун дўмбирани сайратиб, дўстларини яйратиб, душманларини қийратиб турганда, чор амалдорларидан бири давра устига бостириб келди. Қув ёғочни чертиб, куйлаб турган йиғитга қараб турди-да, тилмочдан:

— У нима деб бақиряпти, — деб сўради. Кейин «полкон» деб бахшнинг ҳақоратламоқчи бўлди. «Полкон» — эртақлардаги ярми одам, ярми от махлук, дегани эди. Шуни тилмочдан сўраб билган бахши:

— Майли, мен Пўлканман, — деди. От — мурад. Мен элимга ўз қўшиғим билан хизмат қиламан, лекин унинг душманларини бурдалаб ташлайман. Бугундан бошлаб, девларнинг изига тушганим бўлсин. Шундай деб бахши юртдошларига юзланди. — Шоирнинг айтгани — вожиб. Аҳдимни унутманглар, ҳар лаҳза эсимга солиб туринглар, шунинг учун бундан кейин мени Пўлкан деб атаглар!

Пўлкан ижтимоӣ адолатсизликни ўз танасида синаб кўрган эди. Ҳақсизлик, эрксизлик, икки томонлама зулм азобларини обдан чеккан эди. Балки унинг анъанавий дostonларида ижтимоӣ адолатсизлик мотивлари драматик жиҳатдан ўткир, бадий теран ифодаланишининг бир сабаби шундадир. Айни нуқтаи назардан «Гүрүғлининг туғилиши» дostonига мурожаат қилайлик:

Мари юртининг беги Қовуштихон Евмит элининг хони Одилхон подшонинг бозорчи савдогарларини йўлда талаб олади, бунга жавобан Одилхон Мари юртини теп-текис қилиб юборади. Қовуштихоннинг етти ёшли ўғли Тўлибой синчини банди қилиб олиб кетади. Шундай қилиб, «Гүрүғлининг туғилиши» дostonининг илк жумлалариёқ киши кўз ўнгида ўзаро қирғинбарот урушлар, зулм, зўрлик муҳитини жонлантиради. Тўлибой синчининг хизматини ёқтириб қолган Одилхон подшо унга ўз қизи Биби Ойшани никоҳлаб беради. Асли Маридан банди бўлиб келган Тўлибой синчи билан Биби Ойша Равшанбек деган ўғил кўрадилар. Бола саккиз ёшга тўлганда Заргар шахрининг подшоси Шоҳдорхон Евмит юртига бостириб келади. Лекин Одилхон подшони енголмай мағлуб бўлиб, қайтиб кетади. Ана шунда Шоҳдорхоннинг Ҳамза деган бир одами тоғда сайр қилиб юриб қўлга тушган муллавааччалардан бирини — Равшанбекни бир сандиққа солиб олди, уни ўғил қилиб олмоқчи бўлди. Хуллас, Равшанбек, Одилхоннинг бекаларидан Жизалихоннинг ўғли Гаждумбек ва қизи Биби Ҳилол ҳам Шоҳдорхоннинг одамларига ўлжа бўлиб кетди. Заргарда Равшанбек билан Биби Ҳилол севишиб, қовушади... Аммо, подшо томонидан кўзи ўйиб олинган Равшанбек Гаждумбек билан ўз юртига қочишга муваффақ бўлади. Биби Ҳилол қорнида ҳомила билан қолади.

Заргар мамлакатининг қуръандоз, мунажжимлари ҳали туғилмаган болага ўлим тўнини бичади. Бу мислсиз драматизмни бағрида асраган сюжет линиясидир. Шоҳдорхоннинг қуръандозлари йиғилиб маслаҳат қилди:

— Эй подшо, бизларнинг сизга арзимиз бор! Бизларга жавоб берсангиз, Биби Ҳилолни сўямиз, устига олов куямиз, ўзини куйдириб қулини элакдан ўтказиб юборамиз. Бу элларни талатўп қиладиган бола, шу Биби Ҳилолдан пайдо бўлади. Улдириб куйдирсак, йўқ бўлиб кетади, ундан кейин давлат ўзингизники.

Шу сўзга маслаҳат қарор бўлди.

Бу эпизод ёвузликнинг асл башарасини бадий ҳаққоний — эсдан чиқмайдиган қилиб тасвирлаб беради. Бўлажак онани, туғилажак фарзандни куйдириб, қулини элакдан ўтказиб юбориш... Бундай шафқатсизликнинг олдида йиртқиқлик фаришталикдек кўриниб қолади. Унда подшоликнинг феодал мустабиллигининг бутун ёвузлиги очиқ-ойдин, амалий тарзда майдонга чиқади. Мазкур тасвирда ҳаётӣ ва бадий ҳақиқат узвий бириккан ҳолда намоён бўлади. Унда халқнинг некинлиги ҳам кун тиккага келган пайтагидек порлаб туради. Халқнинг ишончи комилки, ўзининг эзгу мурад-мақсадлари беҳуда кетмайди, уни ўтда ёқиб, сувда чўктириб бўлмайди! Уни йўқ қилиб бўлмайди! У тонг бўлиб айни вақтида балқади, кўкламги дарё бўлиб тошади, эл-юртининг қорига ярайдиган фарзанд бўлиб туғилади! Биби Ҳилолнинг қабрида туғилган Гүрүғли халқнинг мана шу некинлигининг тажассумидир. Жонсиз онадан туғилган — келгусида эл-юртининг инон-этиқодини қозонадиган бу ўғлоннинг гўрдан ер юзига илк марта чиқиш эпизоди рамзий, демак, ҳикматга тўладир.

«Бир тешиқдан гўрнинг ичига куннинг шуъласи тушди. Гүрүғли куннинг тушганини кўриб, қўли билан ушлаб оламан деб, кунга қўл урди: ушлай олмади, ушлайман, деб қўли гўрнинг тепасига етди. Тирмалаб-тирмалаб тешиқни катта қилиб, гўрдан ташқари чиқиб, ҳайрон бўлиб қолди. «Бу нима деган сир бўлур?» — деди.

Биринчи марта ёруғ дунё билан юзма-юз келиб, ҳайрон бўлиб турган — гўрдан тирик чиққан иссиқ жон...

Ана шундай: Гүрүғли гўрда туғилади ва офтоб нурларига осилиб, ёруғ дунёга чиқади. Бу шу қадарли таъсирчан ва рамзий манзара! Аммо Гўр-



Суратда: шоир ва олим М. ҚУШМОҚОВ

ТЕҲЖИЛИШИ

ўгли қоронғу гўрдан офтоб нурларига осилиб чиқиб келган ёруғ дунё ижтимоий адолатсизликка, қайғу ҳасратга тўла эди; лаҳад ичида, ўлик онадан туғилган, яланғоч, ҳимоясиз гўдак ва унинг қаршисида ҳамма яхшиларни қон қақшатган, мустабид зулму зўравонликка, разолатга тўла феодал жамяти...

Гўрўглини бия эмизши воқеаси эса жуда табиий, ҳаётий асосланади: «.. энди гапни Рустамбекиннинг байталидан эшитинг: бир байталнинг боласи ўлиб, боласининг ўлганига ичи куйиб, кишнаб юрар эди. Гўрдан чиқиб турган Гўрўглининг олдига келиб қолди. Байталнинг кўзи Гўрўглига тушиб, меҳри кўкрагига жой олиб, унга суйқаниб эмиза берди. Ана энди Гўрўгли шу байтални эмиб, қорни тўйиб-тўймасдай бўлиб юра берди. Байтал ҳар куни Гўрўглини уч вақт эмизиб кета берди».

Энди Гўрўгли қиёфасини унинг оти Ғиркўксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ғиркўкнинг туғилиш воқеасига кулоқ тутинг:

«Гўрўгли бир куни қараса, байтали бўғоз бўлган экан, турмоқчи бўлиб, тиширлаб ётди. Шунда: — Э, жонивор, ҳар нима турсанг, эркак туғ, — деди. Гўрўгли жуда шошди. Қулунни кучоқлаб олиб, ерга сира қўймайди, байталга ялангани бермайди. «Ерга қўйсам: ернинг иззаси бунинг баданидан ўтиб кетади» дейди.

Ғиркўк — Гўрўглининг ижодидир. Гўрўгли образдаги мавжуд интеллектуал ибтидони фарқлаш, уни буюк мақсадларни амалга чиқариш учун тайёрланаётган ижодкор сифатида талқин қилиш ўринли бўлар эди. «Гўрўгли» туркумидаги барча дostonларда Гўрўглини Ғиркўкнинг чинакам яратувчиси, деб уқтирилади. Дарҳақиқат, бу тўғри иқдор. Гўрўгли тойини куйидагича боқиб, уни Ғиркўк қилиб тарбиялайди:

Қундуз сугин беради: «Сувда сузиб юрсин», деб
Балиқ мойин беради: «Сувга шўнғиб кетсин», деб
Қуш юрагин беради: «Қушдай учиб етсин», деб
Қоплон сугин беради: «Қоплондай богир бўлсин», деб.

Тулки сугин беради: «Тулкидай сузиб кетсин», деб
Този сугин беради: «Қушга қувиб етсин», деб
Бургут боврин беради: «Бургутдай ғажир бўлсин», деб.

Туйғун боврин беради: «Мартабали бўлсин», деб
Шунқор боврин беради: «Тепиб ўтиб кетсин», деб
Лочин боврин беради: «Тишлаб қийиб ўтсин», деб
Динор боврин беради: «Тўнди қийиб ўтсин», деб
Қузғун юрагин беради: «Умри узоқ бўлсин», деб
Маймун сугин беради: «Кўп ўйинчи бўлсин», деб.

От — мурод, деб ҳисоблайди халқ. Гўрўгли Ғиркўк мисолида халқнинг муродини тарбиялаб камолга етказган ва унинг ҳаётда ҳақ-ҳуқуқини, мавқени амалий равишда таъминлаган маънавий қахрамон. Унинг муҳаббатига, мардлигига, қахрамонлигига, фантастик саргузаштларида Уйғониш даври тафаккури алангалари шуълаланади. Уни, характери моҳиятини ташкил этган бунёдкорлиги нуқтаи-назаридан, Алишер Навоий Фарҳодига қиёслаш мумкин. Гўрўгли худди Фарҳод сингари, маънан Уйғониш даври қахрамонлари силсиласига мансубдир. Халқимизнинг миллий қахрамонларидан бирига айланмиш шу буюк образни маъмур илмий ўзанда ўрганиш фольклоршунослигимиз кун тартибда турган масалалардандир, десак янглишмаймиз.

«Гўрўглининг туғилиши»даги Ғиркўк тарбияси билан боғлиқ эпизодлар бошқа дostonларда ҳам ўзига хос бадиҳавий жилва билан янгидан жонлантирилади. Бизнинг фольклоршунослигимиз ҳозиргача қирқ дostonдан иборат «Гўрўгли» эпопеясини яхлит бадиий ҳодиса сифатида илмий тадқиқ этиб улгурмади.


Ғиркўкка Гўрўгли берган тарбия самаралари бу икки эмукдош биргаликда кўрсатган қахрамонликлар тасвирига бағишланган дostonлар силсиласида бадиий намоён бўла боради. Назаримизда, Гўрўгли билан Ғиркўк бир жону бир танлигини Эргаш Жуманбулбул ўғли талқинидаги «Хушкелди» дostonида кўриш мумкин. Бизнингча, бу дostonдаги Гўрўгли Ғиркўкни ўйнатиб, уни таърифлаган ва отнинг ўйинига маҳлиё бўлган душманларни қирган ҳамда Авазхонни омон-эсон олиб кетган ўринлар бу икки эмукдош образининг авжларидан ҳисобланади. Вақти келиб, мана шу ўринларни муфассал таҳлил қилиш Гўрўгли ва Ғиркўк образларини янада кўз ўнгимизга келтиришга, Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Пўлкан шоирнинг анъана доирасидаги ижодий ўзига хошлигини бундан ҳам равшан тасаввур этишга имкон беради.

Шундай қилиб, «Гўрўглининг туғилиши» дostonи хусусидаги фикрларни жамлаб айтиш мумкинки, бу дostonда қирқ дostonдан иборат эпосенинг ҳаёт булогига қайнаб туради. Уни ҳар томонлама таҳлил этиш, Пўлкан шоир вариантнинг бошқа бахшилардан ёзиб олинган матнлар билан қиёсий ўрганиш аини муддао бўлур эди.

«Еш куч»нинг 7-сонида [1989 йил] ушбу сарлавҳа остида босилган мақолага редакциямиз энг кўп — мингга яқин мактаб олди. Хатларнинг аксариятида журналхонлар Шерзод Йўлдошев [аслида Дилшод Қўлдошев]нинг келгуси тақдири ҳақида сўрашган. Биз кўп сонли журналхонларимизнинг талабини қондириш мақсадида Дилшоднинг мактуби босилгандан кейинги кечмиши баён этилган мақоласини эълон қилмоқдамиз.

Мақолам босилди, ҳамма тақдирим билан яқиндан танишди. Дунёдаги барча оналар меникидай меҳроқибатсиз деб ўйлардим. Лекин бу хил хом халларим журнал мухлисларининг юзлаб илиқ мактубларидан сўнг чилпарчин бўлди. Ҳар бир мактубни ўқир эканман, дунёда етти ёт бегона одамнинг тақдири

мендан воз кечишни ўйламагин. Акс ҳолда мен сени... судга бераман, бунга юз фоиз ҳаққим бор...»
Хат бошини ўқиб аввал оймимга раҳим келган бўлса, охирида ундан нафратландим. Беихтиёр ўйга толдим. Ун-ун бир йил ўз фарзандисиз унинг томоғидан қандай овқат ўтдийкин?.. Угай отамнинг болаларини эркалатаётганида наҳотки мени эслаб юраги орзиқмади?.. Энди эса мени яна ўғил қилиб олмоқчилар. Ҳатто судга бериб кўрқитмоқчилар. Орзулари келин кўриш, чироқлари ўчиб қолмаслик, эмиш, Манфаат, уф-ф... Яна манфаатдорлик. Эҳ, она! Нега шуни ўз вақтида ўйламадингиз?! Наҳотки ўгай отамнинг ўз фарзанди сизга мендан азизроқ бўлса?.. Бундан роса 12 йил муқаддам мени болалар уйига зор йиғлатиб ташлаб кетаётганингизда, қўлларингиз қалтирамай «боламдан ўз ихтиёрим билан воз кечаман» деб ариза ёзганингизда наҳотки виждонингиз қийналмаган бўлса?..



Рассом Муроджон УНГАРОВ

учун қайғурадиган оқибатли инсонлар борлигидан хурсанд бўлдим.

Мақолам «Еш куч»да эълон қилинган ҳамма қатори менга онам мактуб йўллабдилар. Хатда қандай сўзлар битилганлиги кўпчиликини қизиқтирса керак.

«Салом ўғилгинам Дилшоджон. Журналда ёзган мақолангни ўқидим. Йиғладим, ҳақиқатан ҳам мен келажагингни ўйламагандим. Улғайганингда онангни эсингдан чиқариб юборарсан, деб ўйлардим. Уз йўлингни топиб кетишингга эса ишонган эдим. Шунинг учун узоқдаги болалар уйига топширдим. Мактабга келганингда кўзимга иссиқ кўринувдинг ўзи. Аттанг, эътибор бермаган эканман. Бунинг учун мени кечир, ўғлим! Кел, ҳаммасини унут. Мен билан яшагин. Қизларим сен ёзганингдек 8 та эмас, 9 та. Қиз бола бировнинг хасми, дейишади. Улар турмушга чиққач яна бир ўзим қоламан. Кел, мен ҳам келин қилайин, токи ўлганимдан кейин чироғимни ёқиб турадиган фарзандим бўл. Лекин зинкор-базинкор

Мени халқ суди билан кўрқитмоқчи бўласиз. Дунёда халқ судидан бошқа, виждон суди ҳам борлигини танангизга ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?!

Яхшиямки, давлатимиз етимлар учун болалар уйи қуриб қўйибди. Агар у бўлмаганда-чи? Мени сувга ташлаб оқизиб юборармидингиз, бўғиб ўлдирармидингиз ё ахлатга отиб юборармидингиз? Йўқ, дейсизми? Ким ишонади шундай қилмаслигингизга, ким кафолат бера олади? Ким?.. Балки гўдақлигимдан ота-онам кимлигини, айниқса сиздақа онам борлигини билмаганимда, ана шу алам ва изтиробларим қалбимга бир умрга тамға бўлиб қолмасмиди?!

Наҳотки 9 қизалоқни туққанингизда, тўлғоқ азоби қийнаётганида, илк бор чеккан азобларингизни унутган ёки эсламаган бўлсангиз?

...Мактубидан кейин ётоқхонага эри билан оймнинг ўзи кириб келди. Мени кўриб кучоқлади, йиғлади. Асосий мақсадга ўтилгач, ойм йиғлаб элана бошлади:

ОТА-ОНАСИ ТАШЛАБ КЕТГАН ЁШ ШЕРЗОДНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

— Қизларингиз бор эканку, — дедим мен.
— Уғлим йўқ сендан бошқа.
— Мабодо бўлганда олиб кетармидингиз?
Бу саволимдан кейин ойм довдираб қолди.
— Овора бўлманглар, сизлар билан кетмайман.
— Ҳали шундайми? Журналга ёзган мақоланг учун мени ишдан олишди аблаҳ. Юзимни ерга қаратдинг, эл-юрт олдида шарманда қилдингку, — дея ўгай дам бир шاپалоқ солди. Кўзимдан ўт чиқиб кетди.
— Кетмайсанми? — қайта сўради ойм.
— Йўқ.
— Аслида сени ўша пайтда болалар уйига бермай бўйиб ўлдирсам бўлар экан. Энди эса ундан баттар қиламан. Қаматаман. Турмада туриб ўлиб кетасан. Ойм шундай дея юзимга тупуриб чиқиб кетди. Онам келгандан сўнг уч кун ўтгач ётоқхонамга отам қадам ранжида қилдилар. У кишининг ҳам нияти битта. Мени олиб кетиш эди.

Бейхтиёр дадам ҳақида кўп ўй сурдим. Дадажон! Илгари, шу пайтгача наҳотки мен ҳақимда ўйламадингиз, балки сизнинг ёдингиздан кўтарилгандирман? Сиз ҳам оила қургандирсиз? Янги оилангизда фарзанд туғилгандир? Севингандирсиз?! Наҳотки биринчи туғуруқхонага қўйган илк қадамларингиз, қулоқларингиз остидан «ўғил» деб жаранглаган сўзлар, «мен ҳам ота бўлдимми?», деб қувонча тўлганларингиз ёдингиздан кўтарилган бўлса? Ахир ёмон хотиннинг фарзанди сизнинг ўғлингиз эдику?! Ҳозир сиз мен ёзган мақолани ўқиб қийналаяпсиз. Ҳа, ўз виждонингиз олдида, одамийлигингиз олдида жуда қаттиқ изтиробдасиз, аммо жуда кеч, қачонки қилган ишларингизни ўғлингиз юзингизга солганди.

Отам билан бўлган суҳбатимиз қисқача бўлди. Отам мени кучоқлаб кўришаркан, — «Олиб кетгани келдим», — деди хурсандчилигидан.

— Нечта фарзандингиз бор? — сўрадим.
— Олтита. Икки ўғил, тўрт қизим бор,
— Сизнинг ўғлингиз бор эканку. Бошингизга ура-сизми мени?
— Сен ҳам ўғлимсан, болам! Эшигим сен учун доим очиқ.

— Ешлигимда борганимда ўша очиқ эшикни ёпиб қўйган эдингиз-ку. Илтимос, мени тинч қўйинглар!
— Майли, қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл, ўғлим. Мана буни олиб қўй, керагингга ишлатарсан. — Дадам шундай деб олдимга бир пачка беш сўмлик пул ташлади. Пулни олиб қўлига қайтариб бердим. — Раҳмат дада, укаларимнинг кам-кўстига ишлатинг, ўзимни боқибга қўрибман етди.

...Менга келатган юзлаб мактубларда журнал-хонлар ота-онаминикига қайтиб бормаслигини маслаҳат беришди. Яқинда оймдан яна хат келди. Унда онам менга айта олмаган сўзларини ёзибди. «Мени нега ерга уриб ёздинг нонкўр! Ахир минг қилсанг ҳам онагманку?! Эл-юрт олдида шарманда қилдингку? Илойим бу қилмишинг учун сени худо жазоласин, худога солдим сени! Берган оқ сутимга у дунё-бу дунё рози эмасман. Бир кун эмас, бир кун менинг берган оқ сутим сени ўлдирди».

Болалар уйда тарбияланаётганимда онамга атаб бир шеър ёзган эдим. Эҳтимол шу шеърим онамнинг хатига жавоб ўрнига ўтар:

Севар эдим мен ҳам боладек,
Оқшомлари алла тинглашми.
Онажоним келар дердим,
Эпложмасдим ўзни алдашми.
Она, сизни ўн бир йил кутдим,
Йўлингизга кўз тикдим муштоқ.
Қаро тунлар уйғониб кетдим,
Тушларимда сизни кўрган чок.
Суянчигим — ҳаёлларимдир,
Орзуларим қалбимга мадад.
Шодлигимда, ғамгин кунимда
Сиз бўлмайсиз, ёнимда фақат.
Жонга малҳам жон насимларга,
Бугун менинг кўнглим кечади.

Умид чўгин кул босмас асло,
Энди менга Ватан етди.

Мен тортган азоб-уқубатлар ҳеч бир инсоннинг бошига тушмасин дейману, бунга ишонмайман. Ҳозирги ҳаётимизга разм солайлиг-а! Арзимас сабаблар билан эндигина оила қуришганлар ажралишмоқда. Республикаимизда кейинги 20 йил ичида ажралишлар сони 10 баравар ошибди. Уқияпман, деб шаҳарга келган қизларнинг ёмон йўлга кириб кетишлари оқибатида қанча болалар кўча-кўйлардан топилиб болалар уйига топширилмоқда. Улар эса ўз ота-оналарини умрбод билмай ўтадилар. Кўпинча кишига шуниси алам қилади. Ахир улар ҳам оила муҳитида бахтли инсон бўлиб яшашни хоҳлайдиларку! Улар ҳам ота-оналарининг қўйнида яйраб юришни истайдиларку. Нечун биз уларни туғилганидан оқ етимлик кулфатига маҳкум қиламиз. «Керак эмас» деб ариза ёзаётганда, етимлик дарвозаси томон етаклаётганимизда нега унинг келажаги қандай кечаркин, ким бўлиб етишаркин, дўстлари, одамлар ичида қандай бош кўтариб юраркин, деб ўйламаймиз?! Ҳа, ўйламаймиз! Чунки ҳозирги даврда кундан-кунга орамизда бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат йўқолиб бормоқда. Бу эса бизнинг лоқайдлигимиздандир.

«Салом, Дилшод, мен сизнинг ўзингиз ҳақингизда ёзган мақолангизни ўқидим. Сиз ўтмишингизни ёзибсиз. Лекин битта нотўғри иш қилибсиз. Мақоладан кейин она-онанинг шаънига путур етишини ўйламадингизми? Қисқаси нима мақсадда ёздингиз мақолани? Яхши иш қилмабсиз.

Салом билан Саодат КАРИМОВА, Самарқанд вилоятидан».

Бу ҳам менинг номимга келган юзлаб мактублардан бири. Саодат она! Менинг мақсадим уларни эл-юрт олдида шарманда қилиш ёхуд мавқеларидан тушириш эмас, балки бошқаларга сабоқ бўлсин, кўзи очилсин, деган ниятда ёзган эдим. Мақсадим ҳозирги турмуш қураётган ёш оилалар бўлар-бўлмасга ажрашиб кетиб, ўртада болалар етим бўлмасин, дейман. Биргина ўтган йилнинг ўзида республикаимиз буйича 71410 оила ажралишган. Кўз олдингизга келтиринг, неча-неча болалар ота-она меҳридан маҳрум бўлишган, кўзлари мендай тўрт бўлиб ота-онасини кутмоқда. Фақатгина ўзларини ўйлаб қўйди-чиқди қилаётганлар наҳот уларга тикилиб турган фарзандларини ўйламасалар? Уйлашлари керак, токи уларнинг фарзандлари ҳам етимликдан ўксимасинлар.

...Бир воқеа ҳали-ҳануз эсимда. 9-10 ёшда эдим. Тушлик қилаётганимизда қоровул келиб: — Дилшод ким? Онаси келди, — деб чиқиб кетди. Бизнинг гурпулда икки Дилшод бўлиб, адашим мендан кичикроқ эди. Биз ўша дақиқада бир-биримизга тикилиб қолдик. Унинг онаси ҳар ҳафта келгани учунли, эҳтироси йўқ эди. Мен онамни икки-уч йил кўрмаганлигим учун ўзимни тутиб туролмай чопқиллаб кетдим. Орқамдан у ҳам югуриб чиқди. Бегона аёлни кўргач, ер чишиб қотиб қолдим. Дилшод эса ўзини онасининг бағрига отди. Чидаб туролмадим, йиғлаб юбордим.

— Сен нега йиғлаяпсан, ўғлим? — сўради аёл.
— Унинг ойиси ҳеч ҳам келмайди, ойи, — деб менинг ўрнимга жавоб берди кичкина Дилшод.
— Хафа бўлма, қўй йиғлама бир кун келиб қолади. Мана мени айтди дерсан.

Уша аёл жуда тўғри айтган экан, ойм келди. Лекин жуда кеч, 11 йил ўтгач келди. Мен ҳам кичкина Дилшод каби бир кун келиб ўзимни онамнинг кучоғига отишимга ишонар эдим. Афсус, ундай бўлмади.

Ойм бир келиб кетгач, орадан 12 кун ўтиб, район милициясидан икки лейтенант билан яна ётоқхонамга келди. Мени олиб кетмоқчи бўлишди.

— Нега, қайси гуноҳим учун, — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Суд қиламиз сени, судга — деди ойм.

— Сизни олиб кетгани келдик, — деди милиционерлардан бири.

— Бирор бир ҳужжатларингиз борми, мени олиб кетгани?

— Ҳужжатларни борганда кўрасиз.
— Ҳеч қайқа кетмайман, — дедиму хонамга кириб ичидан қулфлаб олдим. Улар анчагача очишга уринишди. Натижа бўлмагач кетишди.

Мен суд қилинишдан эмас, ҳужжатсиз олиб кетмоқчи бўлганларидан кўрдим. Орадан уч кун ўтгач район судидан қақирув қоғози келди.

— Онанинг оналик ҳуқуқини даво қилапти, сиз уни ташлаб кетибсиз, қамоққа олиндингиз, — деди прокурор.

— Менинг гуноҳим шу холосми?

— Ҳа.

— Майли қаманглар, лекин вақт борида айтиб қўяй. Мени барибир қамоқхонага тиколмайсизлар, менинг орқамда Ўзбекистон комсомоли, қолаверса «Ёш куч» редакцияси бор. Ана улар оқини оқ, қорани қорага ажратишади. Мен ҳақман. Ҳақлигимча қоламан. Чунки онам оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган қарор бор.

— Қани ўша қарор? — сўради прокурор.

— Ленинободдаги болалар уйида, — деб жавоб бердим.

Менга ўша қоғозни олиб келиш учун икки кун вақт берилди. Бориб нусха кўчириб келганимдан сўнг ярим кун КПЗда, ҳибсда ўтирдим. Онамнинг нияти амалга ошмади. У мени қамоқда чиритиб юборолмади. Мана сизга онанинг меҳр-муҳаббати. Менинг дардимга малҳам бўлиш ниятида мактуб йўллаган, ётоқхонага келиб, ҳол-аҳвол сўраган кишилардан беҳад мамнунман. Уйига таклиф қилган ёки бошқача қилиб айтганда ука, ёки ўғил қилиб олмоқчи бўлганларни кўриб дунёда ёмондан кўра яхши одамлар кўпроқ эканлигига имон келтирдим.

«Дилшод, сизга мен бугун олган ойлигимнинг ярмини юборяпман. Керакли нарсалар оларсиз. Менинг сизга фақат ёрдам бергим келди. Сизга нима керак бўлса ёзиб юборинг. Мен топиб, юбораман. Фақат сиз ўксинманг.

Гулшода Азимова, Марғилон атлас тўқиш фабрикаси ишчисиси».

Гулшода она! Сизга катта раҳмат! Менга ким ёрдам қўлини чўзган бўлса, мен миннатдорман. Лекин ҳозир мустақил ишлаб яшаётган кишиман, пулга, нарсага заруратим йўқ. Бас, шундай экан менга ҳада этмоқчи бўлган соғаларингизни, меҳрингизни шаҳрингиздаги болалар уйига бориб жажжи болажонларга инъом этишларингизни сўрайман. 500 дан ортиқ мактубда онахон-отахонлар мени ўзларига ўғил қилиб олмоқ ниятларини билдирибдилар. Бу хатларни ўқиб кўзимдан тирқираб ёш оқди. Менку оёққа туриб олдим. Қанийди, улар болалар уйидаги шунча етимнинг бошини силашга рози бўлишса, ўзимни бахтиёр ҳисоблар эдим. Болалар уйдан бола олиш қийин, дейишади. Бу муаммо ҳам қайта қуриш шарофати билан яқинда ҳал бўларкан. Гулшода сингари менга моддий ёрдам бермоқчи бўлганлар эса атаганларини Бутуниттифок Болалар фонди Ўзбекистон бўлимига юборишларини сўрайман. Хатлар орасида кўпчилик келажакда ким бўлишимни сўраган. Мақсадим келажакда журналист бўлиш. Бу йил омадим келиб Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультети сиртки бўлимига қабул қилиндим.

Ҳаётнинг кўзга кўринмас мўъжизалари сени яшашга ундайди. Мен ҳар сафар раҳматли Хосият опамни ўйлаганимда унинг менга айтган ушбу сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди: «Уғлим, мана шу аламли кўз ёшларинг вақти келиб албатта севинч ёшларига айланади».

Қанийди, болалар уйидаги ҳамма етимларнинг ҳам аламли кўз ёшлари севинч ёшларига айланса. Йўқ, йўқ, қанийди, болалар мен каби тирик етимлик кулфатини билмай бахтли ўсишса...

Шерзод ЙУЛДОШЕВ

НИКОХНИНГ БИРИНЧИ КЕЧАСИ

РЕДАКЦИЯДАН: Мазкур суҳбат журналхонларимизнинг хатлари, тўғрироғи уларнинг саволлари асосида тайёрланди. Биз ушбу мақола билан ёшлар ўртасида жинсий тарбиянинг ўткир муаммолари борасида сўз очишга жазм этдик. Муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидов муҳбиримиз билан қилган бир суҳбатда («Еш куч», 1988 йил 6-сон)... афсуски, ёшларимиз турмуш қуришга жисмонан етилган бўлсаларда, маънан, руҳан тайёр бўлмайдилар. Уларнинг кўпи ибтидоий тиббий маълумот олмаган, жинсий тарбия кўрмаган, аёл ва эркек ўртасидаги муносабатларнинг назокатидан беҳабар, бола парвариши нима эканини билмайдиган ёшлар. Бундай ёшларнинг турмушда ёруғ кунлари қисқа, машмашалари узун бўлади. Ана шундай турмушдан кўпинча тирик етимлар дунёга келади» деб ёзган эди.

Мана бу эса Андижон вилояти Андижон районидagi «Ямбол» совхози 3-бўлимида яшовчи журналхонимиз Қамариддин Нуриддиновнинг мактубидан кўчирма (бундай хатлар ҳам почта-мизда талайгина):

«Еш куч» тобора кўпроқ ўз ўқувчиларига эга бўлиб бормоқда. Журнал оиламиз учун ҳам сеvimли бўлиб қолди. Бугун қайта қуриш шарофати билан илгарги ман этилган фикрлар матбуотда ёритилмоқда. Мени кўпдан буён бир нарса қизиқтиради. Агар журнал чиндан ёшлар матбуоти экан, у ҳар бир масалада ёшларга маслаҳатгўй бўлсин. Шунда ёшларнинг унга ихлоси ошади. «Советский воин» журналида бир ёш йигитнинг «Тўйдан кейинги биринчи тун. Уни қандай ўтказиш керак!» деган саволига мутахассис атрофлича, батафсил жавоб берган. Қолган марказий нашрлар ҳам ёшларга зарур маслаҳатлар битилган мазмундор мақолалар эълон қилмоқда. Афсуски, кўп йиллар давомида ҳам, ҳозир ҳам бундай нарсаларни очик-ойдин ёзиш қабул қилинмаган эди. Хўш, бу билан биз нима ютдик! Хуфёна фоҳишабозликлар, бемаъни видеофильмлардан барибир «сабоқ» олямпизку! Наҳот, сеvimли журналимиз бу ҳақда бошқа ўзбек матбуоти каби жим тураверса! Таклифим, журналда «Икковлон учун» деган рубрика очилиб, унда жинсий тарбия бобида маслаҳатлар берилса».

Андижонлик журналхонимиз жинсий тарбияга етарли аҳамият бермай нима ютқазганимизни кўйида эълон этилаётган суҳбатдан билиб олар. Биз эса ушбу мақолани ўқиб, республикамизнинг кекса мураббийлари, оқил кишилари, қолаверса ёшлар, ўз қимматли фикр-мулоҳазаларини редакциямизга йўллашларидан умидвормиз.

Тошкент Давлат таъбиот институти акушер-гинекология кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди Тоймас Тўлаганов билан суҳбат.

Муҳбир:—Тоймас Эргашевич, келинг суҳбатимизни журналда босилган кўйидаги мактубдан бошлайлик. «2-синфда ўқиб юрган давримда кўшни бола тегинчоқлик қилиб номусимни бузди. Ҳозир 8-синфдаман, ўтмишдаги мудҳиш хатомни англагандан бери, ўзимни ўлдириш мудом хаёлимда», деб ёзади журнал ўқувчиси.

Мутахассис сифатида сиз бу муаммога қандай қарар эдингиз!

Тоймас Эргашевич:—Менимча, синглизимнинг изтироблари асоссиз, чунки ўғил бола 13-14 ёшлардан сўнггина жинсий алоқа қилишга қодир бўлади. 2-синф ўқувчиси 9 ёшда бўладиган бўлса, демак, унга тегажочлик қилган бола ҳам балоғат ёшига етмаган. Жинсий алоқа деб ўйлаётган нарса, аслида болаликдаги бир ўйин, фақат қиз тасаввурда, у жинсий алоқа сифатида муҳрланиб қолган бўлиши керак. Агар қизлик белгисининг бутун эмаслиги ҳақидаги шубҳа унинг кўнглидан ҳеч чиқмаса, бу ҳақда мутахассис врачларга, яъни акушер-гинеколог, суд-медицина экспертизаси ходимларига мурожаат қилишини маслаҳат берардим.

М:—Домла, кўпчилик ёшларимиз жинсий тарбия бобида ҳамон ибтидоий тушунчалар билан оила кўрмоқдалар. Ҳанузгача кўпчилик «ўзбекчиликка тўғри келмайдиган» бу мавзу матбуот учун даҳлсиз қолишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Шу муаммога онд ўз қарашларингиз, кузатишларингиз билан ўртоқлашсангиз...

Т Э:—Биз мутахассисларнинг фикримизча, одамда энг буюк инстинктлардан бири бўлган жинсий майл, умуман жинсий ҳаёт мавзуси матбуот учун асло даҳлсиз бўлиб қолмаслиги керак. Оиладаги кайфият, баҳамжиҳатлик асосан эр-хотин муомаласи ўртасидаги назокатга боғлиқ бўлганлиги учун, ҳали мактабларимиз, матбуот «ики суймайдиган» бу мавзунини атрофлича муҳокама қилишимиз, кўпчилик ҳадисирагандек ёмон маънода эмас, яхши маънода ёшларнинг кўзини очишимиз керак.

Инсон ҳаётида оила қурилганидан сўнг, кескин ўзгаришлар билан кечадиган ўта масъулиятли жинсий ҳаётни бошлаш учун ҳар бир киши ёшлигидан маълум бир билим-сабоқ эгаси бўлиши зарур, яъни жинсий тарбия болалик давридан бошланиши керак.

Албатта, мен бу билан юқори синфларда ўтилаётган «Оила», «Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси» каби фанларнинг ҳам аҳамиятини инкор қилмоқчи эмасман.

Лекин бу фанлар қуруқ сафсата бўлиб қолмаслиги учун мактаблар «Тиббий-генетик консульта-

ция»лар билан ҳамкорлик қилсалар ўқувчилар учун кони фойда бўларди. Бундай консултациялар бўлмаган қишлоқ жойларда эса, айнан мана шу каби фанлардан маълум бир вақт врач-мутахассислар дарс бермоқлигини таъминлаш лозим.

Баъзилар бундай суҳбатдан, юқорида сиз таъкидлаганингиздек, «ўзбекчиликка тўғри келмайди» деб ранжишлари нотўғри. Аксинча, бугунги кунда ёшлар орасида бўлмағур — ёлгон саргузаштларни сўзлаб, уларни мутлақо сароб сари йўналтираётган баъзи кимсалар ташвиқотини, куракда турмайдиган шарм-ҳаёсиз киноларни ўзида мужассамлаштирган, қизиқувчан ёшларда нотўғри тушунчалар ҳосил қилаётган, уларни бузаётган пулқувар видеоасалонларнинг фаолиятини «ўзбекчиликка тўғри келмайди» деса тўғри бўлади.

Ғарб мамлакатларида махсус порнографик кино-театрлар бор. Бизда эса, кейинги пайтларда пулқуласа боғча боласини ҳам шарм-ҳаёсиз киноларга қўйиб юборишдан тийишмаяпти. Менимча, кинолардаги «ҳалигиндай» лавҳалар ўз изоҳини топмоғи лозим. Умуман, ўта масъулиятли жинсий ҳаёт ҳақида зарур билимлар албатта, мутахассислар орқали берилмоғи зарур.

М:—1988 йили журналимизнинг қайсидир сониде биз редакцияга келган чалқаш бир хатни атайин таҳрирсиз эълон қилдик. Мактаб ўқувчисининг мактуби кўйидаги ташвишли ўйлар билан бошланган эди: «VI синфдалигимда қишлоққа аммамникига кетаётсам йўлда безорилар чиқиб номусимни поймол қилишди. Ҳозир IX синфда ўқияман. Энди мен нима қилай! Аборт қилдирай десам бизда у камида 500—1000 сўм...»

Бу мактуб бир жиҳатдан юқоридаги фикрни — ёшларнинг тиббий билими нечоғлик саёзлигини исботласа, (6-синфда номуси поймол қилинган қиз 9-синфда ҳомиладор бўлиб қолишдан чўчиб, маслаҳат сўрапти) иккинчидан, редакцияни ўйлатган саволга жавоб топишимиз керак эди: «Менинг олдимда учта йўл турибди: йигитга, яъни бўлажак турмуш ўртоғимга айтиш, дунёдан ёлғиз ўтиш ёки ўзимни ўлдириш...» — деб ёзади мактуб эгаси бўлган синглимиз. Бу қизга нима деб жавоб беришимиз ҳар жиҳатдан ўринли ҳисобланади!

[Дарвоқе, бу мактуб эълон қилингандан сўнг, редакцияга шу мазмунда 200 дан зиёд хат келди. Уларнинг 150 га яқинида қизлар ўзларининг акалари, оталари номусларини поймол қилишганини баён этишган. Хат муаллифларининг аксарияти қишлоқ қизларидир].

Т Э:—Саволингизга тўлақонлироқ жавоб бермоғим учун хатни бир оз таҳлил қилиш зарур: «Агар қиз бола 6-синфда ёлғиз ўзи кўшни қиш-

лоққа меҳмонга кетаёган бўлса, бу оила-тарбиянинг ўзи муаммолигидан дарак беради. Халқ орасида «қиз онага, ўғил отага яқин бўлади» деган гап бор. Бу ёшдаги қизлар онанинг, қолаверса мактабдаги муаллималарининг алоҳида эътиборига муҳтож бўлиши табиий ҳол. Ҳайз кўриш маҳали тушунмаслик, гигиенага амал қилмаслик ўз навбатида аёл жинсий органларининг кўплаб яллиғланиш касалликларига олиб келиши мумкин. Менимча, бу қиз жинсий тарбия бобидаги шундай бошланғич маълумотлардан ҳам беҳабар бўлган.

Қизнинг 6-синфда номуси поймол қилиниб, гўёки 9-синфда ҳомиладор бўлиб қолганлигини кўйидагича тушуниш мумкин:

Биринчидан, қиз кейинчалик ҳам жинсий алоқада бўлган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, агар қиз кейинчалик жинсий алоқада бўлмаган бўлса ва шу ўтган 3 йил давомида қорни аста-секин шишиб, ҳайз кўриш жараёни тўхтаб қолган бўлса, бунинг сабаби ҳомила эмас, бошқа нарса ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабни тушунтириш учун ўз тажрибамдан бир воқеани гапириб бермоқчиман: «Бир кун ТошМИ 1-шифохонасида бир жанжалнинг гувоҳи бўлдим. Бир ўзбек аёли ўз қизини қарғаб, йиғлаб ўтирар эди. Мен аёлдан нима гаплигини суриштирганимда, у қизини беномусликда, ким биландир алоқада бўлиб ҳомиладор бўлиб қолганликда айбларди. Аёлнинг айтишича, бир врач қизини текшириб кўриб унинг 6 ойлик ҳомиласи борлигини айтибди. Менга қиз кўринишдан иб-ҳаёлидек кўринди, шунинг учун уни ўзим текшириб кўрмоқчи бўлдим. Қизни текшириб кўриб унинг қорнида ҳомила эмас, қандайдир бошқа нарса борлигини, унинг қизлик белгиси бутунлигини аниқладим. Онани аранг кўндириб, қизни ўзимизнинг гинекология бўлимига ётқизиб, операция қилдим. Операция пайтида қиз бачадонидан каттақон ўсмани олиб ташладим. Кейинчалик қиз тузалиб чиқди. У ҳозир оила қурган, фарзандлари бор, хуллас, бахтли яшамоқда, Демокчиманки, хат муаллифи бўлган синглимизда ҳам шунга ўхшаш ҳолат рўй берган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Энди синглимизга маслаҳатларим: «Биринчидан, зудлик билан мутахассис врачга мурожаат қилишингиз керак. Иккинчидан, сирларингиздан мунис онангизни бохабар қилинг, чунки ҳар қандай она ҳам фарзанди жонига оро қиради. Учтинчидан, тушқунликка тушмаслигингиз керак, чунки ҳаётда бундан ҳам мушкул аҳволлар бўлиши мумкин. Агар бўлеуси жуфтингиз сизни ҳақиқатдан ҳам севса, ўтмиш унут бўлиб кетади. Ўз-ўзини ўлдириш эса нодонлик, иродасизликдир.

М.—Биринчи никоҳ кечасида келин-куёвлар олдига гувоҳлик сифатида қоладиган «янга»ларга зарурат борлигини!

Т Э:—Янгаларнинг тўйгача келин-куёвни жинсий ҳаётга руҳан тайёрлаб бориш учун ўтказадиган «суҳбат»лари муҳим аҳамиятга эга. Аммо уларнинг никоҳ кечаси келин-куёв олдига гувоҳлик сифатида қолишдан ёшлар мутлақо манфаатдор бўлмайди. Мутахассис сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, «янга»лар ёш келин-куёвга наинки халақит бериши, балки ҳовлиқмароқ, тажрибасизроқ йигитларни бир умрга майиб қилиб қўйишлари ҳам мумкин. Чунки, шундай ҳам ҳиссиётлари тўлқинланиб турган ёш келин-куёв учинчи одам борлигини сезса, янада ҳаяжонланади. Жинсий майл асабга бевосита боғлиқ бўлганлиги учун бу ҳолат асабга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, албатта.

Ҳаётини бир мисол: «Ховлиқма, тажрибасиз ёш келин-куёв биринчи никоҳ кечасида жинсий алоқа қилиша олмайди. Эртаси кун чуқур изтиробга юрган куёв йигит тасодифан «янганинг кимгадир ўзининг устидан кулиб гапириб бераётганини эшитиб қолади. Бу йигитни чуқур изтиробга солади. Бунинг оқибатида, жинсий соғлом бўлган йигитда ўзига нисбатан қандайдир ишончсизлик пайдо бўлади. Бу ишончсизлик, сиқилиш, аста-секин йигитни ҳақиқий жинсий ногирон бўлиб қолишига олиб келади.

М:—Баъзан келин-куёвларнинг узоқ муддат, ҳаттоки ойлаб-йиллаб «қовуша олмаслик» ҳоллари учраб туради экан. Бундай ҳолларнинг сабаби нимада! Мана шундай ҳолларга тушиб қолмаслик

учун ёшлар сизнинг қандай маслаҳатларингизни ёдда тутиши жоиз!

Т. Э. — Дарҳақиқат, кейинги пайтларда шундай ҳоллар тез-тез учраб турибди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардир: Биринчидан, келин-куёвнинг тўйгача бир-бирини кўрмаганлиги (бу ҳол ҳозир камроқ учрайди) ва уларнинг ҳовлиқмароқ характерга эга эканлиги. Иккинчидан, эркакнинг ўта тажрибасизлиги, аёл жинсий органларининг тузилишини билмаслиги ва ўта ҳаяжон оқибатида жинсий органда эякуляциянинг (сперма суюқлигининг чиқиши) олдинроқ рўй бериши. Учинчидан, қизлик пардасининг қалин, гўштдор бўлиши ва эркак жинсий органининг бирдан уни ёриб ўтишга қодир эмаслиги.

Ёшлар бундай ҳолларга тушиб қолмасликларининг олдини олиш учун жинсий ҳаётининг ўта масъулиятли эканлигини тушунган ҳолда жинсий тарбияга аҳамият беришлари зарур. Умуман, барча ёшлар тўйгача оммабоп китоблардан фойдаланишлари, мутахассислар сўхбатидан баҳраманд бўлишлари зарур. Улар жинсий ҳаётга нафақат физиологик, балки руҳан ҳам тайёр бўлишлари лозим. Юқорида таъкидланган ҳолларнинг учинчисидан, ёшлар, албатта, врач-мутахассисга мурожаат қилишлари даркор.

М. — Баъзи тўй кечаларида айрим кимсалар «ҳаяжони босилиб, дадил бўлади» деган фикрда ёш кўёвни спиртли ичимликлар ичишга ундашади. Бунинг қандай тушуниш мумкин!

Т. Э. — Алкогол — бу ҳужайралар заҳаридир. У барча ҳужайраларга заҳарли таъсир қилиш билан биргаликда, албатта, жинсий ҳужайраларга ҳам салбий таъсир қилади. Алкоголнинг заҳарли таъсирини минглаб бегуноҳ, ногирон туғилаётган гўдаклар тимсолида кўриш мумкин. Ёш келин-куёвга қадаҳ тутаётганлар ва маст ҳолда жинсий алоқа қилаётганларнинг барчасини бу бегуноҳ гўдаклар умрига зомин бўлган қотилларга меназш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги ёшлар севиб, бир-бирини олдиндан таниб турмуш қуришади. Демак, уларнинг «дадил» бўлиш учун ичишига зарурат йўқ.

М. — Жумҳуриятимизнинг кўпгина жойларида (масалан, Хоразм вилоятида) келин-куёвлардан тўй кечасиёқ, албатта ўз «бурч»ларини адо этиш қатъий талаб қилинар экан. Бундай одатни қандай баҳолаш мумкин!

Т. Э. — Ҳар бир халқ аждодларидан ўзига ҳар тарафлама маъқул бўладиган, зарарсиз, авлодларга ҳам фойдали урф-одатларни олиб қолиши керак. Ахир бизнинг «қалин», «оқ-қора» каби кўплаб қони-зарар удумларимизнинг кимга нафи бор? Юқорида сиз айтган одат ҳам шунлар жумласидандир. Менимча, тўй ташвишларидан чарчаган ҳамда олдиндаги масъулиятдан ўта ҳаяжонда бўлган ёшлардан қовушишни зудлик билан, шу кечасиёқ амалга оширишни талаб қилиш ақлга сиғмайдиган ҳолдир. Бу ўта масъулиятли «бурч»ни ёшларнинг ўзлари батафсил тайёрланган ҳолда, хоҳлаган қулай вақтда, эҳтимол бирор ҳафта ичида бажаришларига имкон туғдирмоқ зарурдир.

М. — Баъзи ёш келинлар биринчи никоҳ кечасидаги жинсий алоқа пайтида ўзлари кутган ҳолат (оғриқ ва қон кетиши) рўй бермаганлиги сабабли ажралиб кетишади. Шунда келинлар чукүр изтироб билан «ҳеч қачон ёмон йўлга юрмаганликларини» таъкидлайди. Суд мед-экспертиза ҳам бунинг тасдиқлайди. Бундай ҳолатни қандай тушуниш мумкин! [Хусусан ўтган йили Олтиариқ райони халқ судида шундай жанжалли иш кўриб чиқилган эди].

Т. Э. — Кўпчилик ёшларимиз негадир биринчи жинсий алоқада қон кетиши ва оғриқ доим бўлиши шарт, деб ҳисоблашади. Бу нотўғри тушунчадир. Қуйидаги ҳолларда шундай бўлмаслиги аниқ. Биринчидан, қизлик пардаси туғма бўлмаслиги мумкин.

Иккинчидан, қизлик пардаси ўта эластик бўлиб, жинсий алоқа пайтида чўзилиб ёрилмаслиги мумкин. Учинчидан, жинсий алоқа пайтида нормал қиз пардасининг ёрилган жойларида қон томирлар ва оғриқ сезувчи нерв рецепторлари бўлмаслиги мумкин.

Тўртинчидан, қизлик пардаси қалин, гўштдор бўлиши мумкин.

Иш фаолиятим давридаги учраган бир воқеани гапириб берай.

«Туғуруқхонада биринчи марта фарзанд кўраётган аёлнинг туғишига нимадир халал берарди. Гўдакнинг боши чиқишига халал бераётган бу нарса қалин, гўштдор қизлик пардаси экан. Фақат шу пардани қайчи билан қирқиб йўл очганимиздан сўнггина бола туғилди.

Аёлнинг эрига бу воқеани айтиб берганимда, у ўз навбатида кўп йиллар давомида, яъни турмуш қургандан бери хотинини тўй кечаси қиз чиқмаган «бевафо» деб ўйлаб, изтироб чекиб юрганини айтиб берди.

Ёшлар юқоридаги ҳолларнинг тез-тез учраб туришини унутмасликлари ва бўлғуси жуфтдан шуб-

ҳалансалар, яхсиси, турмуш қурмаслик кераклигини маслаҳат бераман. Токи ёш оила бесабаб бузилиб кетмасин.

М. — Фарзанднинг жинси (ўғил ёки қиз бўлиши) қандай генетик хусусиятларга боғлиқ бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз!

Т. Э. — Оиладаги ўғил ҳам, қиз ҳам ота-оналар учун катта бахт-қувонч. Юқоридаги саволингизга ҳозирги замон генетикаси жавоб топган. Кузатишлардан шу нарса маълум бўлганки, катта урушлар даврида ўғил болалар кўпроқ туғилар экан. Олимларнинг баъзилари бу ҳодисани ўрта ёшдаги ота-оналарнинг камайиши билан боғласа, бошқалари яна турли сабабларга боғлайдилар. Маълум бўлишича, боланинг жинсига ҳомиладорликлар ўртасидаги вақт ҳам таъсир қилар экан.

Оқсилларни, яъни гўшт каби маҳсулотларни кам истеъмол қилиш ҳам ўғил болаларнинг кўпроқ туғилишига гўё ёрдам берар эмиш.

Ўғил болалар туғилиши ота-оналар ёшига боғлиқлиги аниқланган: ота-она ёши қанча катта бўлса, уларнинг ўғил кўриши умиди шунчалик кам бўлар экан.

М. — Турмуш қурган кишилар гигиенанинг қайси қоидаларига амал қилишлари шарт деб ҳисоблайсиз!

Т. Э. — Ҳар қандай эр-хотин ҳам умумий гигиена қоидаларидан ташқари, никоҳ гигиенаси қоидаларига риоя қилиши лозим. Эркакларда олат бошчаси кўздан кечирилганда, аксарият бу жойни ювиб туриш кераклигини билмаслиги аниқланди. Ваҳоланки, тананинг бу қисмидаги тер безлари ўздан мой ажратиб чиқади, тери ёғи ва қасмоқ бирга тўпланиб, микроблар учун озиқ-муҳит, яъни қулай шароитни юзага келтиради. Бу ҳол терининг қичишига, жинсий қўзғалишнинг кучайишига, ҳар хил касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Эркаклар ва аёллар жинсий органларни ҳар куни ювиб туришлари лозим.

Аёллар, айниқса ҳайз кўрган пайти гигиеник муолажаларга яхши аҳамият беришлари керак. Бу даврда қинни чайиш, ваннада ювиниш, жинсий яқинлашиш мумкин эмас. Чунки буларнинг барчаси касалликларни келтириб чиқаришга кўмаклашади. Аммо остни 2, 3 марта ювиб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу пайтда ички кийимларни тез-тез алмаштириш, умуман жуда озода юриш керак.

М. — Табобатимизнинг профилактик характерга эга эканлиги, яъни барча кучларни касалликларнинг олдини олишга йўналтириш кўзда тутилганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бизнинг жумҳуриятимизда умумтабобат соҳасида ва жумладан, жинсий ҳаёт муаммоларини ўрганувчи фан — сексопатология соҳасида бу хусусга доир қандай ишлар олиб борилмоқда ва қандай муаммолар мавжуд!

Т. Э. — Бугунги кунда жумҳуриятимизда касалликлар олдини олиш мақсадида олиб борилаётган салмоқли ишлар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Жинсий ҳаёт муаммоларига бевосита боғлиқ бўлган олға интилишлардан бири «Республика акушер-гинекология илмий-текшириш институти» қошида фаолият кўрсатаётган «Болалар гинекологияси» бўлимидир. Аксарият ота-оналар балоғатга етмаган қиз болаларни гинекологик кўрикдан ўтказишга мутлақ қарши туришади. Аммо бундай ўйларнинг асоссизлигини ва бу кўриқнинг аҳамиятини қуйидаги мисолда тушунтириб беришга ҳаракат қиламан:

Одатда, ёш қизчалар ўз вақтида сиймаслиги оқибатида сийдик қобиғи тўлиб кетади. Тўлиб кетган сийдик қобиғи ўз навбатида орқасида жойлашган бачадонни босиб туради. Узоқ вақт босилиб турган бачадон орқага қайрилиб қолиши мумкин. Жинсий органлари шундай ўзгаришларга учраган қиз болада (балоғат ёшига етганда) ҳайз кўриш жараёни оғриқ-азобларни кечади. Кейинчалик, қиз турмуш қургандан сўнг эса бўйида бола бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўз вақтида ўтказилган гинекологик кўрик эса мана шунга ўхшаш асоратлар ривожланишининг олдини олади.

Минг афсуски, бизда бу соҳада ютуқлар қаторида жуда кўп муаммолар ҳам мавжуд. Иттифоқимизни умумтабобат соҳасида ғарб мамлакатларидан ўрнак олишга ундаш мумкин. Бизнинг табобатимиз улاردан 20 йилча орқада деб бемалол айтишимиз мумкин. Ғарб мамлакатларида ҳатто эркаклардаги гормонал ўзгаришларни ўрганадиган махсус мутахассислар — андрологларгача бор. Бизда эса ҳатто сексопатологлар ҳам бармоқ билан санокли.

Тўғри, Иттифоқимизнинг Белоруссия, РСФСР каби бошқа жумҳуриятларида бизга нисбатан сексопатология мактаби яхши ривожланган, аммо бизнинг жумҳуриятимиз бу соҳада жуда ҳам қолақ. Бизда на консултатив, на тиббий марказлар мавжуд.

Бошқа жумҳуриятларда рус тилида кўплаб чиқётган «Введение в сексологию», «Молодым супругам», «Гармония брака» каби илмий оммабоп китоблар юқоридаги фикримизнинг яна бир яққол далилидир. Аммо шундай китобларни негадир ўзбек тилида кам учратамиз. Тўғри, бир пайтлар «Ёш келин-куёвларга», «Никоҳ ва саломатлик» номли китоблар таржима қилиниб, нашрдан чиққан эди. Минг афсуски, ҳозир бу китоблар ҳам анқонинг уруғи бўлиб қолган.

Менимча, ҳеч бўлмаса, мана шу зарур китоблар қайта нашрдан чиқарилиб, никоҳни қайд қилиш (ЗАГС) бўлимлари шундай китоблар билан таъминланса ва никоҳдан ўтиш учун ариза берган ёшларга шу китоблар маълум бир муҳлатга ўқиб чиқиш учун берилса, улар учун қони фойда бўлар эди.

Бундан ташқари, она тилимиз давлат тили бўлган экан, халқимизни биринчи галда тиббий адабиётларнинг ўзбекча таржималари билан таъминлашни жадал йўлга қўйишимиз лозим.

М. — Мазмунли сўхбатингиз учун катта раҳмат!

Сўхбатни «Ёш куч»нинг жамоатчи муҳбири Уктам ҚУЧҚОРОВ олиб борди.



Редакциямизга Самарқанд вилояти Оқдарё ноҳиясининг «Гулистон» колхозида истиқомат қилувчи О. Кўнишевадан шикоят хати келди. У ўз хатида ўғли Бурхон Ҳолиқовни ўртоғи Ҳошим Қозоқов чақириб келиб уйдан олиб кетганини, сўнгра ўша кунни кечаси пичоқланиб, оқибатда оламдан ўтганини баён қилади. Уғлининг кимлар томонидан нима учун ўлдирилгани аниқланмай қолганини айтиб, ўлим сабабларини очишда ёрдам сўрайди.

«Ноҳиямиз прокуратурасидан тортиб, жумҳуриятимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари остонасига бош уриб, адолат истаб бир неча топқир бордим. Аммо адолат топмадим... Мени орзу умидимдан, кўзимнинг нури — ҳаётимнинг қувончидан айирдилар», деб ёзади бағри қон она.

Мазкур шикоят ишининг уч томлик ҳажмини кўриб, бу ишни тергов қилган терговчиларни ишламаган деб бўлмасди. Лекин ишни оҳиста варақлай бошладим, ундаги кўзга лоп этиб ташланган турган камчиликлар, қарама-қаршиликларни кўриб ажабланиб қолдим. Мен ишни қўлга олганимда хатда қўйилган саволларга жавоб топиш ниятида эдим. Қаёқда! Жавоб у ёқда турсин ўзимда ҳам қатор саволлар туғилди.

Байрам шарофати (ўша кунни байрам экан) билан Оқдарё ноҳиясининг «Уч тала» қишлоғининг бир гуруҳ ёшлари Собир Солибевларникига тўпланишибди. Утиришда олти нафар собиқ синфдошлар: Аллаёр Сафаров, Фурқат Кубоев, Мамасоли Болиев, Ботир Мардиевлар бўлган. Хўш, Бурхон Ҳолиқов ҳам бу ўтиришга аввалдан таклиф қилинганмиди? Йўқ, гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра, Бурхонни ҳеч ким таклиф қилмаган. Уни бу ерга Ҳошим бошлаб келган.

Зиёфатда йигитларнинг барчаси ҳам энгил маст бўлган. Тахминан соат 20³⁰ларда улар клуб дискотекасига бориб, ўйин-кулгини давом эттириш учун бирин-кетин йўлга тушганлар. Кўчага чиққанларида Бурхон ўйинга тушади, Аллаёр оғзида куй чалади. Шу пайт Ҳошим Ботирга «Ботир Бурхоннинг қўлида пичоқ бор» деган. Уртоқларидан олдинда кетаётган Ботир орқасига қайтиб, Бурхонга деди: «Пичоғингни ташла!» Бурхон кўнмайди, шунда Ботир Бурхоннинг қўлидаги пичоғини тортиб олмоқчи бўлиб у билан олишди...

Энди бир оз сабр қилайлик-да, масалага ойдинлик киритайлик. Хўп, байрам экан, эски дўстлар оз-моз ичибди. Кайфиятлари ҳам чоғ экан. Шундай бўлгач, Бурхон нима учун чўнтагидан пичоқ чиқарди?

зудлик билан касалхонага олиб бориши керак эди. Ишда эса Ҳошим ва бошқалар марҳумнинг ёрдамга муҳтож эканлигини билмаганликларини кўрсатганлар. Ваҳоланки, жароҳатидан қон оқа бошлагач, Бурхон жон талвасасида оқсоқланиб, қонини оқизганича Собирларникига қайтиб киради ва айвонга йиқилиб ҳушидан кетади. Сўнгра 20 — 25 минутлар чамаси қонга беланиб ётади.

Бурхоннинг ёрдамга муҳтожлигини билмаган Ботир шерикларига қон ҳалқоби олдида қолган пичоқни кўрсатиб, «Йўқ қилинглар! Милиция келади!» дейишни унутмаган. Ҳошим бўлса жиноятнинг муҳим далили бўлган қонли пичоқни пахта даласига отиб юбориб, бошқалар билан бирга ҳодиса юз берган жойдан қочиб кетади.

Соат 21³⁰ да Бурхоннинг отаси бошқа кишилар ёрдамида уни Оқдарё ноҳия касалхонасига олиб келди. Аммо кеч бўлган эди...

ЎзССР ЖКнинг 108-моддасида жабрланувчига ёрдам кўрсатмаганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ киши ўзи томонидан жабрланган одамнинг ўлимини истаб, унга ёрдам бермаган бўлса, ундай шахсни қасддан одам ўлдиришда айбаш лозим бўлади. Лекин терговчи бу ҳолатларни ёритмайди. У Ботирдан ёрдам кўрсатганман деган баёнотни олган бўлса-да, Ҳошим билан унинг ҳаракатларида Бурхонни ўлимдан олиб қолиш мақсадининг ўзи бўлмаганлиги кўриниб турибди. Чунки ўртоғининг қон отилиб турган жароҳатига латта ташлаб, латта қонни шимиб олиб ерга ёйишишни кузатиб турганини ёрдам кўрсатган деб бўладики!

Терговчи Султонов гувоҳларни юзаки сўроқ қилади. У Оқдарё матлубот жамиятига қарашли омборда сараловчи бўлиб ишлайдиган Ботир Мардиевнинг бир ўзини ЖК нинг 86 — моддаси (Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) билан айблади. Ботир ҳам «жон» дея қўйилган айбга иқрор бўлади. Шу билан терговчи 1986 йил 9 ноябрь кунни Б. Ҳолиқовнинг ўлими факти юзасидан очилган иш терговини тугатади ва ишни судга оширади.

ган ходимларига нисбатан келажакда бундай ҳа-толларнинг олдини олиш мақсадида мазкур орган раҳбарларини огоҳлантириб ЖПКнинг 297-моддасини қўллаб хусусий ажрим чиқариши шарт эди. Лекин Оқдарё ноҳия халқ суди бундай қилмади.

Ҳукмдан норози бўлган Б. Мардиев Самарқанд вилоят судига жиноятни ёлғиз ўзи қилмаганлигини кўрсатиб шикоят аризасини беради. Шунингдек, Б. Ҳолиқовнинг жабрдийда ота-онаси ҳам ўғлини кимлар, нима учун ўлдиргани номаълумлигини ёзи-шиб вилоят судига муурожаат қиладилар.

1987 йил 3 февраль кунни Самарқанд вилоят суди бу иш бўйича шикоятларни кўриб, ҳукмини бекор қилади, ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқариб, Ботир Мардиевни қамокдан озод этади.

Вилоят суди ишни нечоғли ўргангани бизга қоронғи, албатта. Лекин ишдаги материаллар ва Б. Мардиевнинг ноҳия халқ судига берган кўрсатмалари, қолаверса вилоят судига ёзган аризаларида жиноят эҳтиётсизликдан юз берганини инкор қилиб турибди-ку! Шундай экан, Б. Ҳолиқовнинг ўлими бўйича қўзғатилган ишни чуқур текширишни кўрсатиш ўрнига ноҳосдан одам ўлишига боғлаб умуман нотўғри хулоса чиқармадикмикин?

Иш яна терговчи Султонов қўлига тушади. Энди у дастлабки терговда ўзи йўл қўйган камчиликларни тўлдириш ўрнига қандай бўлмасин ишни ётқишига интилади. Чунки вилоят судининг хулосаси унинг учун катта дастак эди. Бизнингча, у Б. Мардиевдан олган қуйдаги кўрсатма шу мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилдирилди. Мана

Бурхон Ҳолиқовнинг қотилим қимди!



Нима, у қўлида пичоқ билан ўйинга тушмоқчимиди? Бундай десак, Ботир нима учун Бурхоннинг қўлидаги пичоқни тортиб олмоқчи бўлиб олишди. Бунга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди-ку? Еки жанжал бўлганми? Афсуски, ишдан бу саволларга жавоб топа олмаймиз. Бурхон қўлида пичоқ билан ўйнамоқчи бўлган эди, деб фарз қилайлик. Лекин ўйнаётган одамга ҳеч қачон «Пичоғингни ташла!» дейиладими? Одатда пичоғингни йиғиштир ёки пичоғингни чўнтагига солиб қўй, дейдилар. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда қандайдир жанжал бўлган. Бироқ бу терговчи томонидан аниқланмаган. Хўш, ўйинга тушаётган Бурхондаги пичоқ кимга, қандай зарар етказиши мумкин? Аммо шунга қарамай олишув юз берди. Оқибатда қон тўкилди. Бурхон дунёдан кўз юмди.

Ишда Бурхон олишув натижасида ўзининг сонига пичоқ уриб олган, дейлади. Экспертиза хулосасига кўра пичоқ Бурхоннинг сон суягига чуқур санчилиб, йўғон қон томирларини кесиб ташлаган ва кўп қон кетганлиги туфайли у ўлган.

Модомики пичоқ Бурхоннинг қўлида экан, у тини ўзининг баданига шу қадар чуқур санчилишига йўл қўярмиди? Бу қайси мантиққа тўғри келади, ахир?

Бурхон оғир жароҳатланди, дейлик. Бундай вазиятда Ботир ва Ҳошим ярасидан тизиллаб қон оқаётган жонажон дўстига зарур ёрдам кўрсатиб,

Суд жараёнида қамалишига кўзи етган Ботир, ўзининг терговда берган кўрсатмаларидан бош тортиб «Биз Бурхонни кўрқитиб қўймоқчи эдик. Марҳумнинг қотили ёлғиз мен эмасман. Мен Бурхон билан олишиб, унга пичоқ урган бўлсам, Ҳошим унинг қўлини қайриб турган... Экспертиза аниқлаган Бурхоннинг баданидаги кўкмақлар Қозоқов томонидан етказилган. Буни унинг ўзи яхши билади. Менга милиция бошлиғи Темур Соипов «Групповой қилиб нима қиласан? Эҳтиётсизликдан қилдим, десанг сенга энгиллик бўлади ва 86-модда билан 2 йилгача ахлоқ тузатиш иши берилади холос» деганди. Шунинг учун ҳам бир ўзим бўйнимга олгандим» деб баёнот беради.

Судья Тўқлиев бўлса «Кўп бидирлама, ўтир, ўтир!» дея унинг сўзини бўлиб ўтқишиб қўяди.

Ишда гувоҳ сифатида қатнашаётган Ҳошим «Мен ўлдирмаганман... Мен марҳумнинг сонига санчилиб қолган пичоқни олиб, далага отиб юборганман» дейди. Бу сўзларни судда ўтирган кўпчилик эшитган. Эл оғзига эса элак тутиб бўлмайди.

Суддаги айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидан ҳам Б. Ҳолиқовнинг ўлими эҳтиётсизликдан эмас, балки Х. Қозоқов ва Б. Мардиевлар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш оқибатида юз берганлиги кўриниб турибди. Аммо суд бунга эътибор бермай Ботир Мардиевнинг бир ўзини эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирган деб 3 йилга озодликдан маҳрум қилишга шошилади.

Нима учун суд ҳақиқий ҳолатни била туриб, Б. Мардиевни энгил жиноят қилганликда айблади? Ахир суд Бурхоннинг кўрқитилиш сабабларини, қандай мақсадда Ботир ва Ҳошим Бурхонга оғир тан жароҳати етказиб уни ўлдирганликларини аниқлаши лозим эди! Агар буларни аниқлаш имкониятига эга бўлмаса, ишни қўшимча терговга юбориши, қондаги хилоф равишда суриштирув ва тергов олиб бор-

ўша баёнот: «Суд мажлисидаги ва Самарқанд вилоят судига берган шикоят аризамдаги вазвларни нотўғри деб ҳисоблайман. Ва уни тергов даврида эътиборсиз қолдиришларингизни сўрайман. Аввалги терговдаги кўрсатмаларим тўғри».

Бу ерда ҳақли савол туғилади. Нима учун Ботир ўз шикоятда келтирган сўзларини инкор қияпти? Ахир у ўша шикоят-аризасига мувофиқ ҳукм бекор этилиб, озодликка чиқди-ку! Чунки Ботир судда айтганидек, Ҳошим билан биргаликда Бурхонни ўлдирган бўлсалар, иккови ҳам жиноий жавобгарликка тортилишлари лозим бўларди. Шунингдек, қонунда икки ва ундан ортиқ кишиларнинг қилган жинояти учун оғир жазо белгила-нар эди. Буни яхши билган терговчи ҳам Ботирнинг юқоридаги кўрсатмаларини текширмай, қонунга хилоф равишда уни жамоат учун хавfli эмас, деб ЖК нинг 48-моддаси 1-қисми билан жавобгар-ликдан озод қилади. Бу оқидан очиқ жиноятни яшириш-ку! Ахир, ЖПК нинг 57-моддасида «Айб-ланувчининг берган кўрсатмалари билан аниқланган ҳолатлар айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақ-дирда, шунингдек ўзининг айбдор эканини ин-кор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби тек-шириб чиқиши ва баҳоланиши лозим» дейилган.

Уғлининг ўлиmidан юрак бағри эзилган онаизор-нинг шикоятларига кўра вилоят прокуратураси тер-говчининг қарорини бекор қилади ва ишни яна қў-шимча терговга юборади.

Шундай қилиб, Бурхон Ҳолиқовнинг ўлими билан боғлиқ иш терговчидан терговчига, суддан судга ўтаверган. Лекин афсуски, ўзининг мантиқий яқунини топмаган: Бурхоннинг ўлимига ким сабабчи бўлган-лиги очилмай қолаверган.

Маълумки, жумҳуриятимизда жиноятчилик авж олиб бораётганлиги ҳаммамизни ташвишга солмоқ-да. Бунга айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходим-ларида юқори малака етишмаслиги орқасидан кўп-гина жиноятларнинг очилмай қолиши ҳам сабаб бўлмоқда. Юқоридаги жиноят сабабини аниқлаш-да ҳам терговчиларда малака етишмаган. Натижада жиноятчи очиқда юрибди!..

М. ЛУҚМОНОВ,
«Еш кўч»нинг махсус муҳбири.

СИРТКИ БЕЛЛАШУВ ЯКУНЛАРИ

Журналимиз муштарийлари талаб-истакларига биноан сиз шахмат шайдолари ўртасида ташкил этилган сиртки беллашув натижалари ҳам чакки эмас. Йўл қўйилган камчиликлар, афсуски, янада яхши бўлиши учун бир оз путур етказиб қўйди. Журналимизнинг ўтган йилги сонларида бериб борилган топшириқларга салкам мингта жавоб мактублари олдиқ. Улар турли ёш ва касб эгалари бўлиб, кўплари қишлоқ жойларидан эканлиги эътиборга лойиқдир.

Мусобақа иштирокчилари топшириқларга жавоб билан бирга баъзи бир фикр-мулоҳазаларини ҳам йўллашган. Мана ўшалардан баъзилари.

сизларни қизиқтирган ва безовта қилаётган муаммолар хусусида ўзингиз яшаб турган ноҳия, вилоят спорт ташкилотларига ва корхона, муассаса, ўқув юртли, колхоз-совхоз раҳбарларига расман мурожаат қилиб турсангиз чакки бўлмас деб ўйлаймиз. Илтимосларингиз қондирилмаган тақдирда тушкунликка тушмай ташаббусни оширинг. Бу ҳақда бизни ҳам хабардор қилиб туринг, шояд ёрдамимиз тегса.

Соврину даража муборак

Журналимизнинг 1989 йилги сонларида бериб борилган сиртки мусобақа топшириқлари мунтазамлик ва кутилганидек аниқлик касб эта олганини учун Сиз азиз мухлислардан қарздормиз. Шундай бўлса-да, беллашув голиблари ва спорт разряди талабларини адо этганларни бир қадар аниқлашга муваффақ бўлдиқ.

Ҳар бир вилоятдан энг яхши натижа кўрсатган биттадан иштирокчини голиблар рўйхатида киритишга қарор қилдик. Мана ўшалар:

1. Уринов А. Избоскан ноҳияси К. Маркс колхози.
2. Тошев У. Бухоро вилояти Свердлов ноҳияси XXV! партсъезд колхози.
3. Нарзуллаев Ф. Косон ноҳияси Жиззалик қишлоғи.
4. Кутимов К. Беруний ноҳияси Беруний совхози 2-бўлим.
5. Бозоров А. Янгиқўрғон ноҳияси 56-мактаб.
6. Қўчқоров О. Иштихон ноҳияси 70-мактаб.
7. Санақулова Х. Мирзачўл ноҳияси «XXIV партсъезд» совхози.
8. Рамазонов А. Ленин йўли ноҳияси Ленин йўли совхози 4-бўлим.
9. Муҳитдинов Т. Тошкент вилояти Чорвоқ алоқа бўлими.
10. Амиров О. Тошкент шаҳри Беш-ёғоч даҳаси 16-уй 26-квартира.
11. Абдурахмонова С. Фрунзе ноҳияси Тумор қишлоғи.
12. Салаев Н. Ҳонқа ноҳияси Охунбобоев колхози.
13. Эшонқулов М. Ленинобод вилояти Фончи ноҳияси Уртақўрғон қишлоғи.

Бу 13 иштирокчи журналимиз Фаҳрий Ёрлиқлари ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланадилар.

Сиртки мусобақамизда жумҳуриятимиз вилоятлари ҳамда қўшни Тожикистондан қатнашган 127 ҳаваскор юборган жавобларга биноан II, III, IV спорт разряди талабларини бажарди. Мана улар:

Андижон вилояти:

- II разряд.
А. Ашуралиев, М. Аҳмаджонов, А. Уринов.
III разряд.
С. Абдухолиқов, У. Аҳмедов, Р. Орипов, Ш. Мўйдинов, А. Маматқулов, И. Мирзаев, Ш. Зайлобидинов, Д. Сиддиқов, Р. Турғунов, Д. Умарова, У. Усмонов, О. Қулахмедов, Т. Маматқулов, А. Тўрақулов.

Бухоро вилояти:

- II разряд. У. Тошев, Қ. Ҳасанов.
III разряд. М. Қаҳқорова, Н. Маъруфов, И. Назаров, М. Салимова, А. Тўев.

Қашқадарё вилояти:

- II разряд. Ф. Нарзуллаев, Э. Хидиров, А. Курбон, Т. Исматов.
III разряд. М. Отақулов, И. Мўминов, А. Жалилов, М. Ҳамроев.

ҚҚАССР

- II разряд. М. Мусаев, К. Қутимов.
III разряд. С. Ешчанов.

Наманган вилояти

- II разряд. Б. Бозоров.
III разряд. Т. Арапов, Ф. Абдуллаев, Б. Мирзаев, А. Бозоров, А. Исоқжонов, Ю. Қурбон, М. Тўлашев, С. Умархўжаев, Н. Шамсутдинов, Б. Асқаров, Ю. Мирсаидов, Р. Абдурахимова, С. Воҳобов.

Самарқанд вилояти

- II разряд. Т. Қаюмов, О. Қўчқоров, Б. Шарипов, А. Бўриев, У. Ризаев.
III разряд. А. Азизов, Н. Аҳмедов, Х. Жабборов, И. Абдиев, Х. Нурматов, К. Содиков, Г. Саъдуллаев, Т. Сунонов, И. Тўрақулов, А. Тилолов, У. Қўлбоев, Р. Исроилов, Е. Идибоев, Н. Файзуллаев, Т. Шодиев, М. Абдирахидов, Э. Раҳмонов, А. Одилов.

Сирдарё вилояти

- II разряд. Х. Санақулова.
III разряд. З. Саидов, А. Сотимов, Ж. Ҳайдаров, У. Бобоқулов, А. Алиқулов, К. Ботиров, Б. Жумуков, А. Исмоилов, И. Исаев.

Сурхондарё вилояти

- II разряд. Т. Добилов, А. Рамазонов, М. Юсупов, Г. Йўлдошев.
III разряд. Ф. Раисқулов, Ш. Сафаров, Х. Холтўраев, А. Маҳмудов.

Тошкент вилояти

- II разряд. Т. Муҳитдинов.
III разряд. А. Тожибеков, Х. Худойбердиев, К. Каримов, Э. Усмонхўжаев, А. Бобоев.

Тошкент шаҳри

- II разряд. И. Шердонов, А. Йўлдошев, О. Амиров.
III разряд. С. Хидоятова.

Фарғона вилояти

- II разряд. М. Аҳмедов, Х. Раимқулов, Н. Турғунов, С. Абдурахмонова, Х. Носиров.
III разряд. У. Далиев, Я. Исоқов, Н. Нурматов, И. Очилов, А. Саматов, Э. Тойлоқов, Н. Тўхтасинов, Б. Ҳошимов, М. Юсупов, Ю. Муродов, Ф. Мўминов, Р. Саидов, Р. Усмонов.

Хоразм вилояти

- II разряд. Н. Салаев.
III разряд. Б. Раҳимов, Э. Йўлдошев, Р. Собиров.

Тожикистон жумҳурияти

- II разряд. М. Эшонқулов.
III разряд. И. Қосимов, А. Назаров.
Эслатма: Ушбу рўйхат жумҳурият шахмат федерацияси билан келишилган ҳолда тузилди. Бинобарин, у тегишли спорт ташкилотлари учун кўрсатилган спорт разрядларини расмийлаштиришда ҳужжат вазифасини ўтайди.

Жавобларингизни текширинг

Журналимизнинг ўтган йилги сонларида бир қанча топшириқлар эълон қилиб, сизларни сиртки мусобақага чорлаган эдик. Мусобақа иштирокчиларидан кўплаб жавоб мактублари келди. Ҳар бир иштирокчи у ёки бу масала, этюд, амалий партиялардан олинган позицияларни қандай ечганлигини билгиси келади, албатта. Қуйида берилган топшириқларнинг жавобларини эълон қилаётимиз. Шунга қараб иштирокчилар кучлари нимага етганлигини яққол билиб оладилар.

2-сондаги топшириқлар

- 1-диаграмма: 1. f8K
2-диаграмма: 1. Kpd4!
3-диаграмма: 1. Cd6!
4-диаграмма: Ca2!

3-сондаги топшириқлар

- 1-диаграмма: 1. Ld1! ва ҳоказо.
2-диаграмма: 1. Ke6! ва ҳоказо.

6-сондаги топшириқлар

- 1-диаграмма: 1. Cf2+! Kb6+!
2. C:b6+! Кра8 3. h8L! ва оқлар ютади. Агар пиёда фарзинга чиқарилганда 3... h1Ф 4. Ф:h1 пот бўларди. Фарзандан руҳнинг кучлилигини қаранг. Шахматда математикадек 2×2=4 бўлавермайди.

(Давоми 32-бетда).

Нарзуллаев Фарҳод, Косон ноҳияси Жиззалик қишлоғидан:

«Ёш куч» журнали янги сонини варақлар эканман, аввало ундаги шахмат клуби диққатимни тортади, кўз олдимда яна ўша сирли олам намоён бўлади. «Ёш куч»нинг 88 йилги конкурсидан II спорт разрядини олганим менга далда бўлди. 1989 йилги мусобақада ҳам қатнашяпман.

Фарҳоджон, олдиндан табриклар қўяйлик, бу галгисидан ҳам мавқеингизни сақлаб қолдингиз. Сизга муваффақият!

Собиров Худойберган, Қўшқўпир ноҳияси Иттифоқ колхозидан:

Журналнинг 3-сонидан берилган 2 та топшириқ муҳлати бир ой экан, афсуски журналга обуна эмас эдик, тасодифан қўлимизга тушиб қолди, ўғлимиз Ҳамидбекка кўрсатган эдим 1-диаграммани 2 минутда, 2-диаграммани 2 кунда топибди. Уғлимизнинг жавобларини кеч бўлса ҳам юборяпман. Уғлим ҳозир 1-синфда ўқийди, 4 ёшдан бери шахмат билан шуғулланади. Сизлардан илтимос, шахмат бўйича қандай қизиқарли адабиётлар бор, уларни қаердан топиб ўғлимизга ёрдам берайлик?

— Ҳурматли Худойберган, дарҳақиқат шахмат китобларини дўконлардан топиш анча қийин. Сабаби мухлислар жуда кўпу, қўлланмалар жуда кам нусхада чоп этилмоқда. Яхшиси, ноҳия ёки вилоят кутубхоналарига бориб бор адабиётлардан фойдаланиш керак. Балки ошна-оғайни, таниш-билишлардан ҳам топилиб қолар.

Келдибой Ботиров, Ворошилов ноҳияси К. Маркс колхозидан:

Мақсадим «От суриб, фил ўйнатиб» клубига аъзо бўлишдир. Шахмат масалаларини ечишни ёқтираман. Далада иш қизгин... Ҳозир ишдан келдим ўзимни «Ёш куч»нинг сўнгги саҳифасига урдим. Унда берилган шахмат масалаларини ечиб, чарчаганимни ҳам унутдим. Узим ҳам масалалар тузиш бўйича машқ қилиб турибман, балки улардан баъзиларини сизларга ҳавола қиларман.

Чинниқулов Комил, Сирдарё ноҳияси 28-мактаб:

— Ҳурматли Мамажон ака. Сиз олиб бораётган «Ёш куч» журналидаги лекция, яъни «Сарғайган саҳифалардаги сабоқлар» жуда таъсирчан. Мен ундаги комбинация топиш, қандай ҳужум қилиш ва бошқа машқларни ўзлаштираман. Бериб борилаётган топшириқларингизни ечиш учун соатлаб ўтираман ва ўзимга-ўзим «шахмат-математика дегани» рост экан, деб қоламан. Битта илтимос, жавоб йўллаш муҳлатларини аниқроқ кўрсатиб берсангиз.

— Комилжон, жавобларни журнал қўлингизга теккан кундан бошлаб бир ой ичида юборсангиз бас.

Азиз шахмат шинавандалари, сиз юборган таклиф-истаклардан бир-иккита келтирдик, холос. Жойлардаги шахмат ишларимизни асло қониқарли, деб ҳисоблай олмаймиз. Клубимизнинг асосий мақсади сизларга баҳоли қудрат кўмаклашишдан иборатдир. Шахмат ишларини жонлантиришда сиз фаол муштарийларимизнинг ташаббускорлиги жуда муҳим,

„КЎНГЛИМДА БИР ЁР...“

Олтириқлик хонанда Охунжон Мадалиев ҳақида гап кетганда айримлар уни «муҳаббат ҳақидагина қўшиқ куйлагани учун узоққа боролмайди», деб бош чайқайдилар. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Наҳот, севи куйчиси Машраб узоққа бормаган бўлса?! Наҳот, Есениннинг ҳур мисралари юрагимиздан ўрин ололмаган бўлса?!

Ахир, жамики буюклиқнинг онаси ана шу Муҳаббат эмасми?! «Ватан учун ўлмоқлик бурч, аёл учун жон фидо қилмоқлик эса қахрамонликдир», деган гап бежиз эмас-ку! Энг муҳими, юракда Муҳаббат бўлсин экан. Ерга Муҳаббат, Онага Муҳаббат, Ватанга Муҳаббат! Буларнинг ҳаммаси Охунжоннинг қўшиқларига сингир кетган. Уларни ажратиб бўлмайди бир-бирдан сира:

*Олисларда ҳилпираган гўшангами,
Сени кимга узатишар, ишонганим?...
Ер-ёр айтар қизларми ё шум янгами,
Кечир энди, тўйингга мен боролмайман!...*

Нақадар юракка яқин мисралар! Ахир, қўшни маҳалла ёки қишлоқдан таралаётган ёр-ёр садоларини эшитмаслик учун қулоқларини маҳкам беркитиб, бирор бир овлоқ жойда ўтириб жимгина ўртанганлар озмунчами?!

*Келинчак бўлибсан, бир армон, бир сир
Бағримни нимгалаб тилаётганда.
Маънос қараб турмоқ бунчалар оғир,
Биров қаҳ-қаҳ уриб кулаётганда...*

Еки:

*Ер айланар, ер айланар, ер югуриб тинмайди,
Яктагининг энгларидан тер югуриб тинмайди,
Қўлинг гегмай бу дунёда битта гегҳ унмайди.
Тин билмаган жоним менинг, бобо деҳқоним
менинг!*

Қўшиқ беихтиёр кишини далага, қуёш тиғида гўза оралаётган мўмину захматкаш деҳқон олди-га ола кетади. Қодоқ қўлларидан кетмонни тортиб олиб, «Яшаш фақат меҳнатдан иборат эмас-ку», деб ҳайқиргинг келади. Бу мисраларни яратгани ҳам, уни куйга солгани ҳам юрагингга яқин сезасан, киши.

Гапим ёлғон эмас, Охунжоннинг эл ичига ёйилган қўшиқларини тинглаб кўзида ёш гилтилламаган қизлар кам. Ишқ машаққатини тотиб кўрган

ва бу қўшиқлар оғушида ўртаниб, оғир ўйга чўмган йигитлар ҳам қаңча!

Бу ҳақда Охунжоннинг ўзи шундай дейди: Менимча, санъаткор битта мавзуни олиб, шу мавзудаги қўшиқларни айтиб ном чиқаришни ўйлашмаслиги керак. Аввало, юраги нимани буюрса ўшани, юрак дардларига қандай шеър мос келса, шуни куйлаши лозим. Ушандагина қўшиқ таъсирчан чиқади. Қолаверса, Муҳаббат ҳақида қўшиқ айтишнинг ўзи бўлмайди. Бу мавзуда яратилган шеърлар беҳисоб. Уларнинг ичидан одамларга ёқадиганини танлаб олиш зарур бўлади. Айрим шеърлар ўқиётган пайтимдаёқ оҳангга тўшиб қолади. Масалан, «Ер-ёр келар» номли қўшиқнинг туғилиши шундай бўлган. Лекин ҳамма вақт ҳам эмас. Асосан, меҳнат қилишга тўғри келади. Энди, севи мавзуси билан узоққа бориб бўлмайди, деб уни чеклаш — нотўғри фикр. Чунки, севи фақат менинг ёки шоирнинг эмас, балки бутун одамизнинг қисматида бор нарса. Севининг миллати бўлмайди. Ҳар бир одамга бир хил азоб беради, бир хил ором бағишлайди. Қолаверса, давр ҳам танламайди. Масалан, беш аср нарида яратилган ишқий асар ҳозир ҳам ўз таъсирини йўқотмаган. Бундан кейин ҳам қолади. Қўшиқнинг тақдир ҳам ана шундай, менимча. Бунинг устига мен ёшман, кўпларнинг дарди бўлган муҳаббат ҳақида куйлаш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз.

— Охунжон, мана айрим ёш хонандалар тингловчиларнинг диққатини шовқин-суронли музика билан тортмоқчи бўладилар. Сизнингча қўшиқнинг муваффақиятли чиқиши учун энг муҳим омил нима?

— Тўғри, қўшиқда куйнинг ўрни ҳам катта. Лекин биринчи ўринда яхши шеър туриши керак. Юқорида айтганимдек, яхши шеърнинг куйи ўзи билан. Лекин бу куй ҳали хомаки. Масалан, уйни тикка қилиб қўйган билан иш битмайди-ку. Кемтик жойларини тўлдириш, ортиқчасини олиб ташлаш керак бўлади. Кейин сайқал бериш, безаклаш дегандек. Қўшиқ ҳам шунга ўхшаган нарса...

Охунжоннинг қўшиқлари ҳақида ёзувчи Нурали Қобул шундай деган эди:

— Ҳозир юзлаб ёш хонандаларимиз Ўзбекистон, умуман Туркистон қўшиқчилигида ўзига хос инкилоб ясаган ҳофиз Шерали Жўраевни ўзларига устоз деб биладилар. Жумҳуриятимиз тарихида бу қадар оммавий қўшиқчи бўлмаган. Фарғоналик ёш ҳофиз Охунжон Мадалиев ҳам ана шу бетакроп

санъаткорнинг муносиб шоғирдларидан. Бу ёш хонанданинг овозидаги ўзига хос нозиклик, юрақнинг туб-тубидан отилиб чиқаётган дардли бир нидо тингловчини бефарқ қолдирмайди. Мен унинг овозида ўзи оч бўлсада, оғзидаги ноини меҳмонга тутадиган Фарғона халқининг буюк қалбини кўраман. Халқимизда «куй куйгандан чиқади», деган гап бор. Охунжон Мадалиев, Қиличбек Тожиёв каби куюнчак ёшларнинг қўшиқлари ана шу халқнинг нидоси бўлиб янграмоқда. Арабларда «Шухрат офатдир» деган нақл бор. Мен Охунжонни ана шу офатдан омон сақлашини, халқи, Ватани учун боши ерга етгунча эгилиб хизмат қилишини сўрайман. Зеро, ҳаётда бундан буюк бахт йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Улуғ мақсадни кўзлаган инсонлар учун шахсий бахт бўлмайди. Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, Охунжон шеър танлаш устида янада қаттиқроқ ишласа. Ваҳоланки, матбуот орқали етиб боролмаган яхши шеър қўшиқда тингловчи қалбига оҳанг билан бирга кириб боради. Мен мана шу санъаткор укамизнинг ижод гулдастаси шеърятимизнинг фақат етук намуналаридан яралган қўшиқлардан иборат бўлишини истардим.

«Ёш куч»га келаётган кўпгина хатларда мухлислар бу хонанданинг оиласи ҳақида маълумот беришимизни сўрашган.

Охунжон Мадалиев 1963 йилда Фарғона вилоятининг Олтириқ районидagi колхозчи оиласида туғилган. Уқувчилик кезларидаёқ санъат билан ошно бўлди. Турли байрам кечаларида чиқиб кўшиқ айтиди. Ҳозирги ҳазиллашиб айтишчи, ҳозир илтимос қилиб давраларга таклиф этишса, у пайтда ўзи навбат сўраб куйлаган. Ҳозир ҳам севиб куйлайдиган «Синфдош қизга», «Сени излаб Насибам» каби қўшиқларини у ўқувчилик йилларида яратган. Охунжоннинг санъатга бўлган ҳаваси Фарғона дорилмуаллимнида таҳсил олиб юрган йиллари ҳақиқий ишққа айланди.

— Тўғриси айтганда, — деб хотирлайди Охунжон, — нафақат мактабда, балки пединститутда ўқиб юрган пайтларимда ҳам санъаткор бўламан, деб ўйламоқдим. Ҳозир ҳам ўзимга ёқадиган қўшиқни ярата олганимча йўқ.

Ёш қўшиқчи ютуқларининг яна бир сирини унинг тинимсиз изланишларидан кидириш керак. Изланишлар натижасида «Навой бобо», «Бободехқоним», «Кўнглимда бир ёр» каби халқ севиб тинглаётган қўшиқлар дунёга келди. Бунда Охунжоннинг ҳамсозлари Шухратжон Аҳмедов, Шокиржон Мўминов, Иқболжон Юсупов, Расулжон Йўлдошев, Анваржон Муллажоновларнинг ҳам хизмати алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йигитларнинг ҳаммаси музика илмидан бохабар ёшлардир. Кўпгина қўшиқ матнининг муаллифи ҳам уларнинг ўзи.

Ҳозир Охунжон Мадалиев Олтириқ ноҳиясидаги ҳунар-техника билим юртида музикадан дарс бермоқда. Шунингдек, ўз коллективи билан бирга Душанбе, Термиз, Гулистон каби жумҳуриятимиз ва қўшни жумҳуриятларнинг қишлоқ ва шаҳарларига гастроллар қилиб, меҳнаткашларни ўз қўшиқлари билан хушнуд қилмоқда. Охунжон уйланган. Иккита қизчаси, бир ўғли бор. Уларни жон-дилдан яхши кўради.

Ҳамма ҳам яхши билса керак, санъаткор аҳли уйда кам бўлади. Ижодий сафарлар, тўй каби халқимизнинг шодиёна кечаларида хизмат қилиш ҳар бир санъаткор учун маҳорат мактабидир. Мана шундай пайтларда санъаткорнинг умр йўлдошидан тоғдек тоқат ва куч талаб қилинади. Охунжон бу томондан жуда ёлғин. Унинг рафиқаси Ҳабибахон юқоридаги сифатларнинг барини ўзига жо қилган. Сафарларга тайёрлаш, кузатиш, кутиб олиш, баъзида ҳафталаб уйда бўлмаган кезлари уйга қарашнинг ўзи бўлмайди.

Сухбатимиз мавзуи оила даврасига кўчган экан, ўзбек қўшиқчилиги санъатига ёниб кириб келаётган мана шу хонандани тарбиялаб, ўстирган Нуҳрат ота ва Турсуной аялар ҳақида гапириб ўтмоқ биз учун қарзидир. Уларнинг иккаласи ҳам колхозчиликдан пенсияга чиқишган. Отанинг ёшлари тўқсонга етиб қолди. Лекин ҳали тетик, бардамлар. Гаплари ҳам дадил-дадил:

— Иккита ўғлим бор. Шу, кичкинаси болалигидаёқ ёғочга сим ўтказиб тингиллатиб юрарди. Мана, кўнглида ишқ бор экан, шу даражага етишибди...

Ҳа, инсоннинг кўнглида ишқ бўлсин экан, айтган гапи юрагидан ёниб чиқсин экан. Биз ўйлашимизки, Охунжон Мадалиев келажакда ўзбек қўшиқчилиги осмонида бир юлдуз бўлиб қолади.

*Милтир-милтир қилаётур бир юлдуз,
Юракларни аллалайди ёғдуси.
Кўксига ишқ авайлаган жонларнинг
Йўлларида нурли қўшиқ ёғдирсин...*

Шухрат ИБРОҲИМОВ.



О. МАДАЛИЕВ оила аъзолари даврасида.

ЎЗБЕКИСТОН ЭСТРАДАСИ

Ўзбекистон эстрада музикаси республика маданиятининг кам ўрганилган саҳифаси ҳисобланади. Журналистлар бу мавзуга ўғай кўз билан қарашади. «Еш куч» — «Молодая смена» журналлари, «Комсомолец Узбекистана» газетасида босилган бир неча мақолалар Ўзбекистон эстрада тарихининг унутилган саҳифаларини тиклашда дастлабки уриниш бўлди.

Ўзбекистон эстрадаси машҳур хонанда Ботир Зокиров номи билан чамбарчас боғлиқдир. «Еш куч» — «Молодая смена» журналхонлари эътиборини жалб қилган «Омад» (собик «Эстрада лотоси») рубрикаси бежиз Ботир Зокировдан бошланмаганди. Ҳозир дунёга машҳур бу кўшиқчининг ҳаётига оид янги фактлар маълум бўлиб қолгани учун биз яна у ҳақидаги ҳикоямизга қайтамыз. Ботир Зокиров наинки республикамиз, балки мамлакатимиз санъатидаги ноёб ҳодисадир. Унинг ижоди бир вақтининг ўзида ҳам миллат тимсолидир, ҳам умумдавлат аҳамиятига моликдир.

1965 йил. Ботир Зокиров айна мана шу йили Ўзбекистон давлат эстрадаси дирекцияси ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидаги тегишли амалдорларни республика музика санъатидаги мутлоқо янги мюзик-хол аталмиш янги миқёсдаги коллектив тузишнинг мақсадга мувофиқлигига ишонтиришга ниҳоят муваффақ бўлди. Бу ижодий вазибалардан ташқари анчагина ташкилий ишларни талаб этарди. Энди кўп сонли составни тор, одатда 200—300 томошабинга ҳам мўлжалланмаган залда саҳнага чиқишга мажбур қилолмайсан. Лекин ҳамма нарса-сценарий, оркестр, программа тайёр бўлганида Зокировнинг тўсатдан касалланиб қолиши ишнинг белига тепди. Эстрадага у фақат 1966 йилнинг бошларидагина қайтишга муваффақ бўлди. Лекин эндиликда, шундай катта танаффусдан кейин у маданият соҳасидаги тўраларча иш юритиш услубини янада кескинроқ ҳис этди. Исталган янгилик-

дан ўзни четга олиш, ҳар қандай бўлса ҳам плани адо этишга уриниш, дидсизлик ва ҳақозолар ҳар қадамда учраб турарди...

Деярли ҳамма нарсани зўр қийинчилик билан ундиришга тўғри келди, оркестр учун музикачи ва хонанда излаб шаҳар бўйлаб югуришдек энг майда ташкилий масалаларни ҳам ўз зиммасига олди.

Ҳукумат концертларидан бирида у И. Акбаровнинг «Ёр келади» ашуласини аёллар вокаль квартети билан биргаликда ижро этишга (ўшанда аёллар вокаль квартети Ўзбекистон эстрадасида энди юзга келганди) уриниб кўрди. Бироқ аёллар вокаль квартети каби оддий бир янгилик ҳам рад қилинди. «Қизлар гўё саҳнага яланғоч чиққандек шивир-шивир ва ҳаяжон авжига чиқди. Номер қабул қилинмади» — деб ёзганди кўшиқчи ўз кундалигида. Қанчалар ожизлик, қанчалар маданиятсизлик! Кетма-кет намойиш қилинаётган номерларни уч соат кўриб-эшитиб ўтган йили, бундан беш-ўн йил илгари худди шу каби ҳукумат тадбирларига назардан ўтганларини танлаб олишди.

Бирор кори-ҳол бўлмасин, худо кўрсатмасин! У зот кўққисдан маъқулламаслиги мумкин. Бундай шахсларни ҳурмат қилолмайман, ҳатто сўрамай ҳам келмайди. Агар бу одамлар санъат хусусида ўзи эгаллаб турган юксак лавозимга хос равишда фикр юритмаганларида буларнинг ҳаммаси умуман олганда, унчалик кўрикинчи эмасди. Чунки уларнинг фикри торлиги ва дидсизлиги даража, мезон бўлиб қолади...

Бу пайтда тўсатдан Париж «ёғдуси» кўриниб қолди. Москвадан афсонавий «Олимпия» учун концерт номерлари танлаб олинган кўрикка таклифнома келиб қолди. Париж мюзик-холлининг машҳур продюсери Кокатриксининг ўзи келиши кутилаётган экан.

Москвага сафарга борадиган барча номзодлар ўзларининг кичик состави ва репетиция қилишган программаси билан келишгани маълум бўлиб қолди.

Ботир Зокиров эса у мутлақо танимайдиган ва шарқ музикасидан анча йироқ бўлган концертмейстер билан номер тайёрлаши лозим экан. Шунда у Рашид Бейбутовнинг шериги пианиночи Чингиз Содиқовга ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Балки бу афсонадир, лекин айтишларича, Кокатрикс Зокировнинг биринчи айтган кўшигини (албатта, бу «Араб тангоси» эди) ҳатто охиригача ҳам эшитмай дарров қабул қилибди. «Ура! Кўриқдан ўтди!» Ўзбек кўшиғи Фаранглар мамлакатига янграйди.

Парижда Ботир Зокиров совет артистларининг катта группаси составида чиқиш қилди. Матбуотнинг баҳоси турлича бўлди. Газеталардан бири уни машҳур Шарль Азнавурга қиёс қилди... «Бу жудаям менга ёқди, — деб ёзганди Ботир Зокиров. — Маълум бўлишича, барча тафовути шундаки, мен ундан фарқли ўлароқ микрофон «портлаб» кетмаганлиги учун ундан масофа сақлаб турарканман!» Айрим газеталар ижрочиларнинг фақирона кийимлари ҳақида фикр билдиришди... Лекин барибир ижобий тақрирлар кўп бўлди.

Концерт кечаларидан бирида Ғарбий Германиялик импресарио жаноб Хеллер Ботир Зокировга мурожаат қилиб яккахон хонанда сифатида бир неча концерт беришини таклиф этди. «Сизда кўпчилик хонандаларга хос бўлмаган ҳислат бор, — деди у — Сиз саҳнада ҳаётни барпо этасиз. Сизга истеъдодингиз учун, ашулаларингиз учун катта раҳмат, сиз билан яна кўп марта лаб кўришишга ва ҳамкорликда ишлашга умид қиламан.»

Франция пойтахтида Ботир Зокиров кўпгина атоқли кишилар билан танишди. Улар орасида Лино Рено, Марина Влади ва бошқалар бор эди. «Нормандия—Неман» учувчилар эскадрильясининг Бош секретари билан ўзаро мустақкам дўстона муносабат ўрнатди.

Кейин уйга, ҳамма нарса эскичалигича қолган Тошкентга қайтди...

МИХАИЛ МУРОМОВ : «САМИИЙРОҚ БЎЛИНГЛАР!»

Михаил Муромовнинг номи ҳозир рекламага муҳтож эмас; бу хонанданинг номини тез-тез концерт афишаларида учратиш, ўзини телевидениеда кўриш, кўшиқларини радиога эшитиш мумкин. Ҳаммаси тушунарли ва равшан: бошловчи хонанда унга шон-шухрат келтирган кўшиқларни ижро этапти. Биз «ҳозир» сўзига алоҳида ургу берганимиз бежиз эмас. У қандай қилиб муваффақият қозонди. У шухратга осонлик билан ва тез эришди? «Еш куч» — «Молодая смена» ана шундай бошқа саволлар билан яқингинадан Тошкентда томошабин тўла залларда концерт берган Муромовга мурожаат қилди.

— Михаил, кўпгина мухлисларингиз сизнинг ижодий йўлингиз ҳақида аниқроқ бир тасаввурга эга эмас, чунки сиз эстрадага тўсатдан бостириб кирдингиз...

— Менинг эстрадада пайдо бўлишим, дарҳақиқат кўпчилик учун қутилмаган бир ҳол бўлди. Аммо саҳнага етиб келган йўлим анчайин узоқ бўлди. Ҳали студентлик йилларимдаёқ мен гўшт-сут саноати институтида ўқирдим, куй басталаш ишқи мени чулғаб олди. Қўлимдан келадигандек туюлди. Бир неча фильмларга куй яратдим. Кейинчалик ўзим кўшиқ ёзиб, ижро этдим. Лекин «ҳадимдан ошиб кетибман!» Кўққисдан композиторлар уюшмаси менинг бундай «ташаббусимга» қарши чиқиб қолди.

— Шундай экан, Марказий телевидение, радио билан муносабатингиз қандай бўлди?

— Яхши бўлмади. Биласизми, шу йиллар мо-

байнида мени 60 та эшиттиришдан маҳрум этишди! Шунинг учун ҳам менинг пайдо бўлишим кўпчилик учун қутилмаган ҳол бўлди. Мени «Кўк чироклар», «Эрталабки почта» музикали почта эшиттиришларига таклиф қила бошлашди, кейин эса ўша композиторлар уюшмасидан кўнгиноқ қилиб бунга чек қўйишни талаб қилишди. Ҳатто мени лентага тушириш ишларини яқунлаш ишларига муваффақ бўлинганди ҳам барибир энди телевидениедаги амалдорлар устунлик қилишди.

— Маълумки, ўша сиз учун оғир келган пайтларда Қозоғистон телевидениеси билан муносабатингиз жудаям яхши бўлди. Айтинг-чи қайси маҳаллий эшиттиришларда қатнашдингиз?

— Қозоғистон телевидениесидан чексиз миннатдорман, «кув-кув» бўлаётган пайтимда мени ниҳоят даражада қўлаб-қувватлади. 1989 йили мени «Томоша» эшиттиришида қатнашишга таклиф қилиб қолди. Ушанда мен иккита кўшиқни «Қор бўрони» ва «Илик жала» ни ижро этдим. Қутилмаганда маҳаллий кўшиқ шайдолари буни қизгин кутиб олишди. Номим ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган пайтда бундай олқишга сазовор бўлиш менга ниҳоятда маъқул туюлди.

— Сизнинг программангизда шўх ашулалардан ташқари «Афғонистон», «Жанговар орден билан тақдирланади» деб номланувчи жиддий кўшиқлар ҳам бор. Булар қандай яратилган?

— Менинг «афғон» туркумим тўртта кўшиқдан иборат бўлиб, «Афғонистон» мана шу мавзуни

яқунлайди. «Жанговар орден билан тақдирланади» кўшиғим эса у юзга келиши билан Афғонистонда кўпчиликка машҳур бўлиб кетди. Бошқа муносабат билан яратилган бўлса ҳам албатта, бу одамга хуш ёқарди. Менинг муаллиф эканлими эълан қилинганда ўринсиз ҳисобланган ўша пайтларда кўпчилик бу кўшиғимни Афғонистонда хизмат қилган солдат яратган деб ҳисоблаганди. Орадан кўп ўтмай яна иккита «укамга мактуб» ва «Саҳродан сўра» кўшиқлари яратилди. Лекин барибир бу даҳшатли ва аҳмоқона уруш хусусида энди ҳеч нима ёзмаслик ҳаммадан кўра мени қувонтирмақда.

— Бизнинг мамлакатимизда замонавий музиканинг икки йўналиши — рок билан поп музика кенг оммалашиб кетди. Хўш, сизга қайси бири ёқмади?

— Кўпчиликка маъқул бўладиган оммабоп музика менга ёқади. У менимча, ана шу кўпчилик музикани қулоғи билан эмас, балки қалби билан тинглайди.

— Сизда ниҳоятда оммалашиб кетган «Қордаги олма» даражасидаги кўшиқ борми?

— Менимча «Ариадна» кўшиғидан ана шундай имконият бор. Аммо тингловчилар эътиборини қозонармиканман деб тахмин қилганимда, кўпинча акси бўлиб чиқади. Шундай экан, буни тингловчи ва томошабинларга ҳавола қилган маъқул.


Савол берувчилар: В. БАЛЬЧЕНКО
Л. ПАЛЬЦЕВА.

ОБУНА-91

Қадри дўстлар «Еш куч» журнаliga 1991 йил учун обуна бошланди. Обуна «Союзпечать»нинг барча агентликларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Бир йиллик обуна баҳоси 4 сўм 20 тийин, 6 ойга 2 сўм 10 тийин.
Индекс 75242

«Еш куч» 1991 йилда ҳам чакана савдога кам чиқади. Севимли журналингизни йил бўйи ўқиб боришингиз энг қулай йўли ўз вақтида обуна бўлишдир.
Обунага шонингиз!

ОБУНА-91



(Давоми. Боши ўтган сонда)



Қиролнинг хайрлашув ўйини тарихий санага айланди. Пеле учрашувнинг биринчи ярмида «Космос» командаси, иккинчи ярмида «Сантос» командаси составида майдонга чиққани ҳам, у энг сўнгги — 1281-голини 30 метр масофадан «Сантос» дарвозасига киритгани, сўнг ҳарчанд уринмасин «Космос» дарвозасини нишонга ололмагани ҳам бир бўлди-ю, учрашув ниҳоясида майдон марказига ўрнатилган микрофон орқали дил сўзларини тўкиб солгани ҳам бир бўлди!

Трибуналарни лик тўлдирган 75 минг томошабин челақлаб қуяётган ёмғирни сезмаётгандек Пеледан кўз узмай ўтирарди.

— Мен фурсатдан фойдаланиб сизларга дилимдаги гапни айтмоқчиман,— деди у ҳаяжондан овози титраб.— Болаларга, бутун дунё болаларига меҳр-шафқатли бўлишларингни ўтиниб сўрайман. Болаларни севишлар! Уйлашимча... ишонаманки, меҳр-муҳаббат...— Пеленинг кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади,— ҳаётнинг энг улуг неъматидир! Агар сизлар менга тилақдosh бўлсангиз, ана шу буюк, мўътабар сўзни мен билан бирга такрорланг!..

Таблода «Муҳаббат!» сўзи чарақлади, трибуналар гулдираб «Муҳаббат! Муҳаббат! Муҳаббат!» деган сўз стадион, бутун Нью-Йорк, шаҳар ва мамлакатлар сарҳадлари оша бутун дунёга таралди...

Пеле ўрта мактаблар, болалар касалхоналари, боғчалари қурилишини кўпайтириш, болаларни лоақал бепул нонушта билан таъминлашни йўлга қўйиш ташаббуси билан бир неча бор мурожаат қилди. Ҳатто шу даъватни ҳам турлича талқин қиладиганлар топилди. Нима эмиш, Пеле шухрат қозониш учунгина шундай ташаббуслар, даъватлар билан чиқариш!.. Наҳотки, Пеле эришган шухрат оз бўлса?.. Қайси ман-ман деган давлат арбобининг, ёзувчи ё санъаткорнинг шон-шухрати Пеленикига тенг келади ўзи?..

Тўғри, Пеле ўз номини реклама қилишнинг энг зўр ва нозик ҳадисини қўйиллатиб ўринлатди, қадамини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзини тилла баҳосида сотиш қўлидан келади. Футбол орқали бунчалик давлат орттирган одам йўқ дунёда, у Бразилиянинг 10 нафар энг бадавлат зоти олийлари қаторида туради. Шуларга эришган бўлса у қандини урсин. Лекин Пеленинг оддий инсон сифатидаги олижаноблигига ҳам истаганча далиллар келтириш мумкин:

Умрида спиртли ичимликни қўлига олмаган, чекмаган ҳам;

Мехикода бўлган жаҳон биринчилиги финал ўйинларида ҳар сафар учрашув бошланиши олдидан Пеле бутси боғичини боғлаётган бўларди. Бу билан у ўзини бошланишини бир неча дақиқа кечиктирарди. Уни қарангки, Пеле чемпионатга кетатуриб рафиқаси Розе-Мерига, «Телевизорни кузатиб тургин — ҳар учрашув бошланиши олдидан майдон марказида Сенга таъзим қиламан, азизим»,— деб сўз берган экан.

«Уйланганимга беш йил бўлди. Шу орада рафиқам, фарзандларим даврасида бир неча ой бўлибман» деб армон қилган ҳам Пеле эди...

Нью-Йоркдаги квартирасида ҳашамдорликка йўл қўймайдиган, ўзининг машқурлиги фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун оилада Эдсон исмли оддий киши бўлиб яшашини талаб қилган ҳам Пеле эди.

Сийсий шарҳловчи, Бразилия футболнинг билимдони Игорь Фесуненонинг ёзишича, «Пеленинг ҳузурига кириш, ёнига бориш машаққатдан-машаққат. Ҳатто шахсий кўриқчилари бўлмаган пайтларда ҳам унга юзма-юзи келиш амримаҳол. Лекин, бир иложини топиб унга рўпара келсангиз у мутлақо қутилмаган ажайиб таасурот қолдиради. Ниҳоятда оддий, дилкаш, ёқимли ва сўзга чечан; «юлдуз»лик касали заррача сезилмайди».

И. Фесуненко Бразилияда хизмат тақозосига кўра кўп бўлган, яшаган, Пеле билан бир неча бор учрашган. Унинг қаламига мансуб китобларни севиб-суйиб ўқиганмиз. Бироқ, журналистнинг

Гарринчанинг дафн маросимида Пеле иштирок этмай ўша куни бошқа шаҳарга учиб кетганини таъна қилиб матбуотда қайта-қайта ёзгани, гапнинг очиги, менга ёқмади. Бир сафар, «Бутун Рио-де-Жанейро сўнгги йўлга кузатаётган Гарринча билан видолашиш учун келмаганини сира тушунмайман» деган бўлса, бошқа бир мақолада «Оломон Пелега лаънатлар ёғдирганининг бир марта гувоҳи бўлдим. Бу воқеа унинг дўсти ва командадоши, буюк футболчи Гарринчани дафн этиш куни юз берди. Гарринча ичкиликка муккасидан кетиб, хор-зор бўлиб ғарибхонада яшади. Умрининг охирида хайр-садақалар эъвазига кун кўрди. Аммо Бразилиянинг 10 нафар энг бадавлат кишиси сафидаги Пеле унга мурувват, саховат қилмади. Чамаси одамларнинг маломатидан қўчиб, дафн куни, ҳеч қандай сабабсиз Риодан Сантос шаҳрига учиб кетди» деб Пелени маълум маънода ёмонотликка чиқарди.

Бейхитёр саволлар, фаразлар, жавоблар турганида, ҳаёлда: наҳотки Пеле Гарринчадан саховатини аяган бўлса?.. Наҳотки, у Гарринчадек мўъжизакор футболчини ичкилик ботқоғидан қутқариб қолишга уринмаган бўлса?..

Йўқ, уринган, Гарринчага панд-насиҳатлар қилган, уни у ёки бу ишга жойлаб қўйган, ўзини ўнглаб олиши учун беминнат ёрдамлар ҳам кўрсатган, лекин Гарринча таназзулга юз тутган. Пеленинг насиҳатларини танбеҳларини кулоғига илмаган, амалий кўмакларини чиппақка чиқарган. Бу одати мудом давом этаверган ва ниҳоят кунларнинг бирида, Пеле, «Агар шудай бўлса, орамиз очик, мен — сенга, сен — менга бегона» деб қасам ичган...

Пеле — Гарринча муносабати шу тарзда кечган бўлса-чи, деб ҳаёлга берилмаган баъзан. Ахир бир қанча фабрикалар, фирма ва ҳоказолар хўжайини, миллионер, қолаверса — киноартист, қўшиқчи, қолаверса — мамлакатнинг спорт ишлари бўйича министрилик, ҳатто президентлик лавозимига ўз номзодини қўйиш ҳаракатидаги шахс бошқа бир кишини (ҳатто жонажон дўсти бўлган тақдирда ҳам!) ичкиликдан қайтаришдан бўлак ташвиши кам бўладими?!

Бу ёғи суриштирилса Гарринчани сўнгги йўлга кузатган бутун Рио-де-Жанейро аҳолиси нега ҳаётлигида унинг жонига оро кирмади, муҳтожликдан қутқармади?! Гарринчанинг ўзи рисоладагидек яшаш учун футболчи сифатидаги шон-шухрати Пеленикидан оз эмасди. Ҳар қалай Пеленинг бу дафн маросимида қатнашмагани футбол қиролининг инсофсизлиги эмас, балки Гарринчанинг ҳаёт машаққатлари олдидаги омадсизлиги, фожиаси эди!..

Бу, 1988 йилнинг охирида китобхонлар қўлига етиб келган И. Горанскийнинг «Гарринчанинг ҳаёти ва ўлими» хотираларидан ҳам кўринади. Унда ёзилишича, болалигидаёқ отасининг бепарволиги оқибатида ичкиликка ўрганган Гарринча жаҳоннинг ва бутун футбол тарихида энг кучли ўнг қанот ҳужумчиси бўлган кезларида ҳам ичкиликка ружу қўйган. Бебилиска, ҳавойи турмуш кечирган. Хотинларининг (у уч марта уйланган) ҳарчанд уринишлари ҳам зое кетган. Ва алаф оқибат сурункали ичкиликбозлик буюк футболчини танҳоликда, қаровсиз ўлими билан ниҳоясига етган...

Пеле футбол осмонининг қуёшидек сўнмай, хиралашмай чарақлаб туради. Жуда кўп буюк футболчиларни унга қиёслашга уринишди. Круифф, Эйсибио, Мюллер, Вест, В. Чарльтон, Росси, Эду, Зико, Марадона, Платини, Гуллит, Ван Вастен ва ҳоказо... Бироқ булар нечоғли даҳо футболчилар бўлмасин, уларнинг майдондаги ҳаракатларини орсикиб, ушалмас бир соғинч билан эсламайлик, булар «Пеле» исмли офтоб теварагида чарақлаган юлдузлар бўлиб қолаверади!..

Пеленинг номи футбол санъатининг, кам деганда, пайгамбаридек муқаддас ва муқаррамдирки, унинг шаънига зинҳор путур етмаслигини истайсан, киши!..

Футбол, футболчи ва виждон ҳақида сўз борар экан, 1988 йилги Мексика чемпионатининг чорак финал босқичида Аргентина — Англия матчида юз берган тарихий бир ҳодисанинг бутун психологик мураккабликларини чуқурроқ таҳлил қил

гинг, унинг илдишларини қайта-қайта ўргангинг келади. Ҳа, мазкур чемпионат Марадона чемпионати бўлиб тарих саҳифасига кирди. Чорак финал мусобақасидаги Аргентина — Англия учрашуви ажайиб ва ноёб саҳна асарига айланди. Учрашув ҳақидаги газета хабарларини ким нима деса дегандиру, лекин маҳаллий «Хорнадо» газетаси бошлаб топқирлик қилди: «Марадона — 2, Англия — 1» деб сарлавҳа қўйди у.

Ушшатиб топилган бу сарлавҳа замирида улкан ҳақиқат борлиги билан таъсирчанлиги ортди. Ҳа, учрашувда Аргентина терма командасининг капитани Диего Марадона тўп суришнинг олиймақом маҳоратини намойиш этди. Кези келганда бир киши ҳам бутун бир командани доғда қолдириши мумкинлигини кўрсатиб қўйди у. Хусусан, иккинчи гол фақат буюк даҳо футболчиларгагина насиб этадиган, бошқача таърифласак — ҳаётда бир қарра бўладиган саодатли дақиқаларга айланди. Елғиз тўп суриб, рақиб ҳимоячиларини қаторасига алдаб ўтишни турли даврларда М. Месхи, А. Банишевский, Э. Стрельцов, В. Гущаев, Б. Абдураимов, В. Фёдоров, В. Хадзипанасис, хорижда — Пеле, Гарринча, Жаирзиньо, Эйсибио ва ҳоказо чарм тўп академиклари ижросида кўрганмиз. Майдон марказидан бир ўзи тиккасига дарвозага даф солишда О. Блохиннинг бир пайтлар «Бавария» (Мюнхен) дарвозасини ишғол қилгани шохидларнинг ёдидан кўтарилмаган. Фақат, Блохин рақиб майдонидаги уч ҳимоячи ва дарвозабонни алдаб ўтган бўлса (ҳар қалай эркин ҳаракат қилиш учун майдон бемалол — бўш эди), Марадона 6—7 ҳимоячини алдаб ўтиб инглизлар дарвозасига иккинчи тўпни киритди! Биринчисини эса у... қўли билан уриб киритди. Дарвоза майдончасига ҳаводан тушаётган тўпга Шилтон — дарвозабон билан Марадона бир пайтда сакрашди. Шилтон қўли билан — Марадона боши билан! Ҳужумчининг бўйи пастлиги, табиий, унинг имкониятини чеклайди. Бироқ, қутилмаган ҳодиса юз берди — тўп Шилтоннинг қўлига тегар-тегмас, Марадонанинг бошига тегиб дарвоза тўрига бориб тушди. Табиий, томошабинлар «Гол!» деб юборди, кўпчилик Марадонанинг чап-дастлигига тасанно ўқиб улгурди ҳам. Бироқ, келинг, тўп тўрға бориб тушгач, ҳодисани лаҳза-лаҳза хотирамизда такрорлашга уринайлик! 1-манзара: ишқибозлар «Гол!» деб ҳайқириб юборди — инглиз ишқибозлари «Оҳ!» деб юриғини чангаллади; 2-манзара: тўп ўтказган Шилтон афсус чекиб бошини чангаллаб қолмади, тўп уришга муваффақ бўлган Марадона одатига кўра майдон чеккасига томон иргийлаб, югуришга тушмади; 3-манзара: дарвозадан анча олисда турган учрашув ҳаками ҳўштак чалиб майдон марказига ишора қилди; 4-манзара: Шилтон судьяни бундай ҳукмдан қайтариш ниятида унга томон ташланди. Марадона эса гол муаллифи сифатида иргийлаб кетди...


Уш, мазкур гол «кардиограммаси»дан қандай хулоса чиқади? Ахир Марадона қўли билан боши аралаш, қарийб сездирмай тўп киритдику. 2-манзарада айтилганидек, у севибиг иргийлаш ўрнига жим турганида судья қинғирликни сезди деб ўйлаганди. Фақат судья пайқамай қолганини билгачина қувониб кетди ва дўстларининг кучоғида қолди — табриклар ола бошлади.

Ҳаёлга эрк берайлик-да, муҳокамани давом эттирайлик: Марадона — жаҳоннинг энг кучли футболчиси? Ҳа, унга тенг келадиган футболчи оз. Лекин ўша дақиқаларда у ўзининг қандай одамлигини ҳам исбот этмадими?..

Уша гол озмунча шов-шувга сабаб бўлгани йўқ. Учрашув қаҳрамони дастлаб «Мен тўпни бошим ва худонинг қўли билан уриб киритдим» деб ярим ҳазил оҳангда шарҳлади.

Бу — бир! Кейинроқ эса, яъни гол дақиқаларини телеёзув ёрдамида такрор-такрор кўргач, Марадонанинг ички қиёфаси, аниқроқ айтганда — инсонийлиги, виждони яна бир қадар чуқурроқ очилди. «Ҳа, мен тўпни қўлим билан киритдим,— деб тан олди у.— Бироқ, ўйин чоғида мен буни пайқамай қолдим».

Башарти шундай бўлганида, яъни шундай изох бериб қўя қолганида ҳам Марадона ўзини оз-моз



бўлса да, оқлаган бўлар эди. Аммо лекин ушбу гапининг давоми, айтиш мумкин, мутлақо унинг ўзини фош қилди-қўйди: «Умуман олганда пайқадим нимаю пайқамдим нима? Менинг ишим қандай бўлмасин — гол уриш. Майдонда судья бор, қонуний гол бўлди-йўқми — аниқлаш унинг вазифаси. Шундай экан, ўзгаларнинг мажбуриятини менга юклаганлар ва ўзгалар хатоси учун мендан жавоб кутманлар».

Ана, холос... Марадона бошқа бир суҳбатда, «Футбол — ҳалол ва оғир меҳнат» дегани қаерда қолди? Демак, унинг тасавурида ўзгалар (ёки судья) пайқамаса ғайривиждоний ҳаракатларга ҳам йўл очиб экан-да?.. Демак, ҳакамга сездирмай адолатсизликка қўл уриш ҳалоллик экан-да, Марадонанинг ақидасига кўра?..

Итальян журналисти Д. Переллининг ёзишича, Марадона яна шундай ҳам деган: «Машғулот пайтларида мен доим қўлимни бошимга теккизиб туриб сакрайман, ким билсин, бирдан судья буни кутмай, сезмаслиги ҳам мумкин».

Шу эътироф, таъбир жоиз бўлса, Марадонанинг ички қиёфасини тўла-тўқис очиб берди. Демак, у адолатсизлик машқиға махсус тайёрланар экан, Шилтон дарвозасини ишғол этиши тасодифмас, махсус тайёргарликлар маҳсули экан.

Аргентина терма командасининг устун И. Менотти, «Диего — улкан ҳазилкаш. Уша гол — унинг энг улкан ҳазили» деб шарҳлади.

Дарвоқе, Марадонанинг қуйидаги сўзлари бир қадар уни оқловчидек туюлади: «Менинг оёқларимга шафқатсизларча тепишади, йиллар мобайнида мен жарима тўпи, ўн бир метрлик жарималар олиш умидида чиройли йиқилиб тушиш ҳадисларини ўзлаштирдим. Мени қанчалик қонунийсиз тегиб, чаладиган бўлишса мен ҳам шунга яраша ҳадислар ўйлаб топдим. Ва мен ҳаётимда ўзим киритган бирорта голдан воз кечган эмасман, кечмайман ҳам».

Диегонинг укаси — Аргентина терма командаси (ёшлар) аъзоси Хуго Марадона акасининг бу қилигидан жаҳли чиқиб отасига, «Мен зинҳор бунақанги нағмалар билан шаънига доғ туширмайман. Футбол, ахир ҳалол меҳнат, Футбол майнабозчилик эмас, у — эрақлар ўйини» деди зарда билан.

Ғарбий Германиялик машҳур тренер, ФИФА маслаҳатчи-тренери Деттмар Крамернинг сўзлари жуда холос ва сермаъно бўлди: «Агар Марадона инглизлар дарвозасига қўли билан гол киритгани заҳоти судьянинг ёнига югуриб келиб ўз хатосини тан олганида номи, шарафини абадийлаштирган бўлар эди. Ҳозир биз Марадонани энг кучли футболчи сифатида тан оламиз, бу эътирофимизни иккиланиброк айтмайиз. Такрорлайман, башарти у айбини бўйнига олганида у чиндан ҳам буюк спортчи эканини намойиш қилган бўлур эди. 50, 100 йиллардан кейин ҳам унинг номи ёшларга намуна сифатида ҳурмат билан тилга олинарди. Тўғри, бундай қилиш — ўша ўйиндаги шиддат, ҳаяжон, эҳтирослар кўпчиб турган маҳалда осон эмаслигини тушунаман. Лекин ҳақиқий мардлик айна шундай дамларда, чинакам профессионал маҳорат шундай мураккаб лаҳзаларда намойиш этилади!»

«Олижаноб футболчи» деганда мен кимларни назарда тутаман? Дейлик, В. Вобров билан А. Понамарёв олий даражадаги маҳоратли футболчилар бўлишган, бироқ мен уларни олижаноб футболчилар деёлмайман. Чунки улар голга шу қадар «ташна» эдиларки, гол уриш мақсадида ҳеч нарсдан қайтмас эдилар. Г. Федотов билан В. Пайчадзе эса гол киритиш умидида ҳужум қилаётганларига қарамай зинҳор дарвозабонни унутмас: у билан тўқнашиб кетишдан эҳтиёт бўлардилар. Дарвозабон билан тўқнашиб унга шикаст етказиб гол киритишдан юқори турар эдилар улар. Жаноб Стэнли Метьюз ҳам шундай олижаноблардан эди».

Таниқли журналист Мэлор Стуранинг ушбу сўзлари Марадонанинг хатти-ҳаракатига янада чуқурроқ назар солишга ёрдам беради.

Ажойиб итальян ярим ҳимоячиси Жанни Ривера шундай дейди: «Шикастланган футболчиға ҳужум қилсанг бутун дунё сендан ғазабланади, ўтказиб юборсанг кулгиға қолсан. Шунинг учун

мен соғлом ўйинчиға қарши курашишни ҳалолроқ деб биламан».

1987 йили «Спартак» — «Днепр» учрашувида Черенков 11 метрлик жарима тўпини киритиб Федотов клубининг фахрли аъзоси бўлди. Бироқ судья В. Кузнецов очикдан-очик «Спартак»ка ён босиб мутлақо асосиз равишда 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Ва Черенков гўё тўла ҳақ-ҳуққини қўлга киритгандек тўпни дарвозага йўлади.

Бир умр ёдда қоладиган 100-голни бундай адолатсизлик билан дарвозага киритишни истамаслиги мумкин эди-ку, Черенков? (Пеле ўзининг 1000-години 11 метрлик жаримадан тегиб киритишни ўзига раво кўрмаган, фақат томошабинларнинг талаби ва истагини ерда қолдирмаслик учунгина уни бажаришга мажбур бўлган эди.) Йўқ, бундай мардлик учун унда ирода етмади. Ҳатто у тўпни четга тегиб юборганида ҳам адолат тантанаси учун қўл урган ишқибозлар, мутахассислар ҳурматини қозонган бўлар эди. Йўқ, бундай олижанобликка ҳам қодир эмаслигини кўрсатди Черенков.

Иттифоқ тоифасидаги судья Марк Рафалов 1976—1977 йилларда «Спартак» голиб чиқиши учун махсус судьялар белгилангани, улар бир мавсумда 13 та 11 метрлик жарима тўпни тегиш имконини «олиб беришгани»ни, бундай вақтларда «спартак»чиларнинг ўша даврдаги капитани Ловчев уялганидан томошабинларга бош кўтариб қаролмаганини фош қилди... 1989 йилги «Днепр» — «Спартак» ўйинида москвалик футболчилар дарвозасига белгиланган битта баҳсли пенальти эса гўё адолатсизлик тимсолидек марказий матбуот ва телевидениенинг асосий мавзуга айланиб кетди... (1985 йили Москвада МАСК билан учрашува отланган «Помир» командасининг шаштини қирқиш учун тожик футболчиларининг ярми атайин ҳарбий тайёргарликка чақириб олинган.)

...Футбол майдони адолат ва адолатсизликларга, шафқатсизликларга ҳам «бой» доимо. 1988 йилги Европа биринчилигида Англия СССРга 1:3 ҳисобда ўйини бой бергач, Англияда чиқадиган «Сан» газетаси «Робсон, кўзимиздан йўқол!» деган катта сарлавҳа билан чиқди. Уша биринчиликда ГФР — Италия учрашуви 1:1 ҳисобда тугагач,



Хуршид ДУСТМУҲАММАД

TO'LDU DA MATEMATIKADAN KABU

Қадрли журналхонлар! Эдингизда бўлса керак, ўтган йили журнализмнинг 4- ва 6-сонлари саҳифаларида Тошкент Давлат университетиде математикадан қабул имтиҳонларининг ўтказилиш тартиби, мазмуни ва ёзма иш вариантлари ҳақида маълумот берган эдик. Шундан сўнг, бу бошланган ишни маъқуллаб, уни давом эттириш кераклиги билдирилган кўплаб хатлар олдик. Исталарингизни инобатга олиб, яна ТошДУ да математика фани бўйича ўтказилган қабул имтиҳонлари ўтган йилги вариантларини ва уларнинг баъзиларининг таҳлилини беришга аҳд қилдик.

1990 йили ҳам ўтган йиллардагидек ТошДУ факультетларида математикадан қабул имтиҳонлари асосан ёзма тарзда ўтказилади. Математика, амалий математика ва механика, кимё, биология, геология, география, фалсафа-иқтисод ва ҳуқуқшунослик факультетларида математикадан имтиҳонлар ёзма шаклда (ҳуқуқшунослик факультетиде конкурсиз) ўтказилади. Фақат физика факультетиде имтиҳон оғзаки тарзда ўтказилади. Математика ва амалий математика ва механика факультетларига кириш учун математика фанидан иккинчи — оғзаки имтиҳон ҳам топширилади. Оғзаки имтиҳонни ташкил қилиш тартиби ва мазмуни ҳақида журналнинг 1989 йил 4-сониде маълумот берилган эди. Шундай бўлсада, оғзаки имтиҳонга тайёрланиш пайтида 1990 йилги қабул имтиҳони программаси бўйича тайёрланишни яна бир бор эслатиб ўтамиз. Бу оғзаки имтиҳонга тайёрланиш учун берилган қисқа вақтдан унумли фойдаланишга имкон беради. Одатда, ҳар бир билетга 2 та назарий савол ва битта масала ёки мисол киритилади. Саволларнинг биринчиси алгебра ва анализ асосларидан бўлса, иккинчиси геометриядан бўлади. Саволлар рўйхатини математикадан 1990 йилги қабул имтиҳони программасининг II қисми — «Асосий формулалар ва теоремалар» дан топширингиз мумкин. Бу саволларга жавоб бериш учун эса, программанинг I қисмида келтирилган асосий тушунчаларни ва фактларни билиш лозим бўлади. Билетда келтирилган масала ёки мисолни ечишда абитуриентдан программанинг III қисмида келтирилган малака ва кўникмаларга эга бўлишни тақозо этади. Шунингдек, абитуриент баҳосини янада аниқлаштириш учун қўшимча саволлар ҳам берилиши мумкин. Оғзаки имтиҳон билетларидан намуна келтираемиз.

Билет № 1.

1. Икки функция кўпайтмасининг ҳосиласи.
2. Учбурчакларнинг ўхшашлик аломатлари.
3. Тенгсизлиқни ечинг:

$$\frac{3x-2}{1-x} \geq 2 \frac{1}{2}$$

Энди ёзма имтиҳон устида тўхталсак. 1989 йилги ёзма имтиҳон вариантлари ҳам одатдагидек 5 та масаладан таркиб топиб, охиргиси геометрия курсидан қилиб тузилди. Ҳар бир абитуриент алоҳида-алоҳида вариантлар билан таъминланиб, уни бажаришга 4 соат (240 минут) вақт берилди. Ёзма ишни баҳолаш мезони ҳар галгидек, тўғри ишланган 2—3 та масала учун «уч», 4 та масала учун «тўрт» ва 5 та масала учун «беш» баҳо тарзида белгиланди. Конкурсиз ёзма имтиҳонда эса, таклиф қилинган 8 та масаладан тўғри ишланган тўртта ва ундан ортиқ масала учун «қониқарли» баҳо қўйилди.

Математикадан ёзма имтиҳонларининг вариантларини, қийинлик даражаси жиҳатидан, шартли равишда иккига ажратиш мумкин. Биринчиси, математикадан юқори тайёргарлик, билим савияси талаб қиладиган факультетлар: математика, амалий математика ва механика факультетларига кириш учун ўтказиладиган имтиҳонлар, иккинчиси эса, қолган факультетларга кириш учун ўтказиладиган имтиҳонлардир. Биринчи икки факультет ёзма имтиҳонларида таклиф этиладиган вариантлар савияси деярли бир хил бўлиб, абитуриентлардан чуқурроқ билим ва тайёргарликни талаб қиладди. Келинг, шу факультетларга қабул имтиҳонларида 1989 йиллари берилган вариантлар устида батафсилроқ тўхталайлик. Бу вариантлардан бирини тўла таҳлил қиламиз, иккинчисини эса муस्ताқил ечиш учун келтираемиз.

Математика факультети

1-вариант (1989 й.)

1. Тенгламани ечинг: $\frac{3-x}{x+4} = \frac{x-9}{x+1}$.
2. Тенгламани ечинг: $\sqrt{2} \sin^2 x = \sqrt{3} \sin x$.
3. Тенгсизлиқни ечинг: $\log_2(2-x) \leq \log_2(3x+6)$.

4. $y(x) = -\frac{1}{2}x^4 + 4x^2 + 1989$ функциянинг $[-2; 2]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.

5. Мунтазам тўртбурчакли пирамиданинг асос томони a га, асосидаги иккиёқли бурчаги α га тенг. Асос томонларидан бири орқали пирамида асос текислиги билан β бурчак ташкил қилувчи текислик ўтказилган. Ҳосил бўлган кесимнинг юзи топилсин.

2-вариант (1989 й.)

1. Тенгламани ечинг: $\frac{x-5}{10-x} = \frac{x+3}{x+8}$.
2. Тенгламани ечинг: $\sqrt{2} \sin^2 x = \sqrt{5} \sin x$.
3. Тенгсизлиқни ечинг: $\log_2(3x+4) \geq \log_2(5-2x)$.
4. $y(x) = -2x^4 + 16x^2 + 1989$ функциянинг $[-2; 2]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.
5. Мунтазам учбурчакли призманинг асоси томони орқали асос текислиги билан α бурчак ташкил қилувчи текислик ўтказилган бўлиб, бу текислик призмадан ҳажми V га тенг бўлган пирамидани кесади. Ҳосил бўлган учбурчакни кесимнинг юзи топилсин.

3-вариант (1989 й.)

1. Тенгламани ечинг: $x-3 = \frac{1}{x} + 0,75$.
2. Тенгламани ечинг: $\sqrt{2} \cos 2x = 2 - \sqrt{6} \sin 2x$.
3. Тенгсизлиқни ечинг: $2 \cdot 25^x - 5 \cdot 10^x + 2 \cdot 4^x \geq 0$.
4. Аравачанинг олдинги гилдираги 120 метр масофада орқа гилдирагидан 6 та ортиқ айланади. Агар олдинги гилдирак айланаси узунлиги шу узунликнинг $\frac{1}{4}$ қисмига, орқа гилдирак айланаси узунлиги эса шу узунликнинг $\frac{1}{5}$ қисмига узайтирилса, у ҳолда олдинги гилдирак орқа гилдиракдан 4 та ортиқ айланади. Ҳар бир гилдирак айланасининг узунлигини топинг.
5. R радиусли шарга энг кичик ҳажмли конус ташқи чизилсин.

Амалий математика ва механика факультети

4-вариант (1989 й.)

1. Тенгламани ечинг: $\frac{1}{x} + x = -3 \frac{1}{3}$.
 2. Тенгламани ечинг: $2 \sin 2x = \sqrt{6} + 2 \cos 2x$.
 3. Тенгсизлиқни ечинг: $3 \cdot 16^x + 2 \cdot 81^x - 5 \cdot 36^x < 0$.
 4. Икки концентрик айлана бўйлаб икки нуқта текис айланмоқда. Улардан бири тўла айланани иккинчисига қараганда 5 сек. тезроқ бажаради. Шунинг учун, у бир минутда иккита кўп айлананишга улгуради. Ҳаракат бошланаётганда айлана марказидан бу нуқталарга йўналтирилган нурлар устма-уст тушган бўлсин. 1 секунддан сўнг нурлар орасидаги бурчак қандай бўлишини топинг.
 5. Радиуси R бўлган шарга энг катта ҳажмли цилиндр ички чизилган.
- Энди 1989 йилги вариантларнинг ечимларига тўхталайлик.

1-вариантнинг ечими

1. Берилган тенглама номаълум ўзгарувчи x нинг -4 ва -1 қийматларидан бошқа ҳамма қийматларида маънога эга (аниқланган). Буни ҳисобга олган ҳолда, умумий маҳражга келтириб, маҳражни ташлаб юборадиган бўлсак, $(3-x)(x+1) = (x-9)(x+4)$ ёки $2x^2 - 7x - 39 = 0$ кўринишдаги тенгламага келамиз. Уни ечиб,

$$x_{1,2} = \frac{7 \pm \sqrt{49 - 4 \cdot 2 \cdot (-39)}}{2 \cdot 2} = \frac{7 \pm 19}{4} \text{ ёки } x_1 = -3, x_2 = 6,5 \text{ илдизларни топамиз.}$$

Топилган илдизлар -4 ва -1 сонлардан фарқли. Демак, жавоб: $x_1 = -3, x_2 = 6,5$.

2. Тенгламанинг ҳадларини тенгликнинг чап томонига тўплаб, умумий кўпайтувчи $\sin x$ ни қавсдан ташқарига чиқарамиз: $\sqrt{2} \sin^2 x - \sqrt{3} \sin x = 0 \Leftrightarrow \sin x (\sqrt{2} \sin x - \sqrt{3}) = 0$. Охирги тенглама эса иккита содда тригонометрик тенгламага ажралади.

1) $\sin x = 0$, бундан $x = \pi k, k \in \mathbb{Z}$.

2) $\sqrt{2} \sin x - \sqrt{3} = 0$ ёки $\sin x = \frac{\sqrt{3}}{\sqrt{2}}$. Синус

функциянинг қийматлар соҳаси — $E(\sin) = [-1; 1]$

ва $\frac{\sqrt{3}}{\sqrt{2}} > 1$ бўлгани учун 2-тенглама ечимга эга эмас. Жавоб: $x = \pi k, k \in \mathbb{Z}$.

3. Маълумки, логарифмик функциянинг аниқланиш соҳаси — $D(\log_a)$ барча мусбат сонлар тўпламидан иборат. Шунга кўра, берилган тенгсизлик номаълум x нинг барча $2-x > 0$ ва $3x+6 > 0$ ёки $x < 2$ ва $x > -2$ шартларни қаноатлантирувчи қийматлари учун аниқланган. Бундан, $-2 < x < 2$ эканлигини топамиз. Энди, тенгсизлик ҳар иккала томонида турган логарифмлар асослари бир хил ва бирдан катта эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, $2-x \leq 3x+6$ тенгсизликка келамиз. Уни ечиб, $x \geq -1$ ни топамиз. Топилган икки $-2 < x < 2$ ва $x \geq -1$ муносабатлардан, $-1 \leq x < 2$ деган хулосага келамиз. Жавоб: $[-1; 2)$.

4. Берилган функция аниқланиш соҳаси $D(y) = \mathbb{R}$ бўлиб, унинг ҳамма нуқталарида, хусусан $[-2; 2]$ кесмада функция узлуксиздир. Функция ҳосиласини ҳисоблаймиз:

$$y'(x) = (-\frac{1}{2}x^4 + 4x^2 + 1989)' = -2x^3 + 8x.$$

Уни нолга тенглаб, критик нуқталарини топамиз: $-2x^3 + 8x = 0 \Leftrightarrow -2x(x^2 - 4) = 0 \Leftrightarrow x = 0, x_2 = -2, x_3 = 2$. Ҳар учала нуқта ҳам берилган ораликка тегишли эканлини ҳисобга олиб, функциянинг бу нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз ва $y(0) = 1989, y(-2) = -\frac{1}{2} \cdot 16 + 4 \cdot 4 +$

$+1989 = 1997, y(2) = 1997$ эканлигини топамиз. Бу қийматлардан энг кичиги $y(0) = 1989$ берилган функциянинг $[-2; 2]$ оралиқдаги энг кичик қиймати, энг каттаси $y(-2) = y(2) = 1997$ (бу қиймат икки нуқтада эришилади) функциянинг $[-2; 2]$ кесмадаги энг катта қийматидан иборат бўлади.

5. Берилган: $SABCD$ — мунтазам тўртбурчакли пирамида $AB = BC = CD = DA = a, \angle SKN = \alpha, \angle MNK = \beta$. Топиш керак: S_{BCFE} . Ечиш: Топиш талаб қилинган кесим $BCFE$ тенг ёнли трапециядан иборатдир (асослан!). Бинобарин, $S_{BCFE} = \frac{1}{2} (EF + BC) \cdot MN$.

$\triangle KMN$ да $\angle KMN = 180^\circ - (\alpha + \beta)$, шу учбурчакдан синуслар теоремасига мувофиқ

$$\frac{MN}{\sin \alpha} = \frac{KM}{\sin \beta} = \frac{KN}{\sin(180^\circ - (\alpha + \beta))}. \text{ Амма}$$

$KN = a, \sin(180^\circ - (\alpha + \beta)) = \sin(\alpha + \beta)$. Демак,

$$MN = \frac{a \cdot \sin \alpha}{\sin(\alpha + \beta)}, KM = \frac{a \cdot \sin \beta}{\sin(\alpha + \beta)}. \triangle KSO \text{ дан}$$

$$KS = \frac{a}{2 \cos \alpha}, MS = KS - KM = \frac{a}{2 \cos \alpha} - \frac{a \cdot \sin \beta}{\sin(\alpha + \beta)} = \frac{a \cdot \sin(\alpha - \beta)}{2 \cos \alpha \cdot \sin(\alpha + \beta)}. EF // AD \text{ бўл-$$

гани учун $\triangle ADS \sim \triangle EFS$, бундан, $\frac{EF}{AD} = \frac{MS}{KS}$

$$\text{ёки } EF = AD \cdot \frac{MS}{KS} = a \cdot \frac{a \cdot \sin(\alpha - \beta)}{2 \cos \alpha \cdot \sin(\alpha + \beta)} \cdot \frac{2 \cos \alpha}{a} = a \cdot \frac{\sin(\alpha - \beta)}{\sin(\alpha + \beta)}$$

Шундай қилиб,

$$S_{BCFE} = \frac{1}{2} [a + a \frac{\sin(\alpha - \beta)}{\sin(\alpha + \beta)}] \cdot \frac{a \cdot \sin \alpha}{\sin(\alpha + \beta)} =$$

$$= \frac{a^2}{2} \cdot \frac{\sin(\alpha + \beta) - \sin(\alpha - \beta)}{\sin^2(\alpha + \beta)} \cdot \sin \alpha =$$

$$= a^2 \frac{\sin^2 \alpha \cdot \cos \beta}{\sin^2(\alpha + \beta)}$$


ИМТИХОНЛАРИ

3-вариантнинг ечими

1. Берилган тенглама номаълум x нинг 0 дан бошқа ҳамма қийматларида аниқланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳраж «текислаймиз». $x^2 - 3x = 1 + 0,75x$ ёки $x^2 - 3,75x - 1 = 0$. Квадрат тенгламани ечиб, $x_1 = 4$, $x_2 = -0,25$ илдизларни топамиз. Жавоб: $x_1 = 4$, $x_2 = -0,25$.

2. Тенгламани ҳар икки томонини $2\sqrt{2}$ га бўлиб, $\frac{1}{2} \cos 2x + \frac{\sqrt{3}}{2} \sin 2x = \frac{\sqrt{2}}{2}$ кўринишга келтираемиз. $\cos \frac{\pi}{3} = \frac{1}{2}$, $\sin \frac{\pi}{3} = \frac{\sqrt{3}}{2}$, $\cos(\alpha - \beta) = \cos \alpha \cdot \cos \beta + \sin \alpha \cdot \sin \beta$ формулага асосан: $\frac{1}{2} \cos 2x + \frac{\sqrt{3}}{2} \sin 2x = \cos \frac{\pi}{3} \cdot \cos 2x + \sin \frac{\pi}{3} \cdot \sin 2x = \cos(2x - \frac{\pi}{3})$.

Демак, $\cos(2x - \frac{\pi}{3}) = \frac{\sqrt{2}}{2}$ кўринишдаги содда тригонометрик тенгламага эгамиз. Уни ечиб, $2x - \frac{\pi}{3} = \pm \arccos \frac{\sqrt{2}}{2} + 2\pi k$, $k \in \mathbb{Z} \Leftrightarrow 2x = \pm \frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{3} + 2\pi k$, $k \in \mathbb{Z} \Leftrightarrow x = \pm \frac{\pi}{8} + \frac{\pi}{6} + \pi k$, $k \in \mathbb{Z}$ жавобни ҳосил қиламиз.

3. Тенгсизликни ҳар иккала томонини $10^x (> 0)$ га бўлиб, $2(\frac{5}{2})^x + 2 \cdot (\frac{2}{5})^x - 5 \geq 0$ тенгсизликка келамиз. $y = (\frac{5}{2})^x$ белгилаш киритамиз. Натижада, $2y + \frac{2}{y} - 5 \geq 0$ ёки $\frac{2y^2 - 5y + 2}{y} \geq 0$ тенгсизликка эгамиз. Тенгсизлик чап қисмидаги каср суратини $2y^2 - 5y + 2 = 2(y - 2)(y - \frac{1}{2})$ кўринишда кўпайтувчиларга ажратиб, интерваллар методини қўллаймиз ва  ҳосил бўлган тенгсизлик ечими $0 < y \leq \frac{1}{2}$ ёки $y \geq 2$ эканлигини топамиз. $y = (\frac{5}{2})^x$ белгилашга кўра, x га нисбатан яна иккита

1) $0 < (\frac{5}{2})^x \leq \frac{1}{2}$; 2) $(\frac{5}{2})^x \geq 2$; содда кўрсаткичли тенгсизликларга келамиз. Асос $\frac{5}{2} > 1$ эканлигини инобатга олиб, $x \leq \log_{\frac{5}{2}} \frac{1}{2}$ ёки $x \geq \log_{\frac{5}{2}} 2$ ечимни ҳосил қиламиз. Жавоб: ечим $(-\infty; \log_{\frac{5}{2}} \frac{1}{2}] \cup [\log_{\frac{5}{2}} 2; +\infty)$ оралиқлар бирлашмасидан иборат бўлади.

4. x ва y мос равишда, олдинги ва орқа ғилдирак айланасининг узунликлари бўлсин. Агар олдинги ғилдирак айланаси узунлигини $\frac{1}{4}$ қисмга узайтирсак, y ҳолда олдинги ғилдирак айланаси узунлиги $x + \frac{x}{4} = \frac{5x}{4}$ бўлади. Масала шартига мувофиқ, орқа ғилдирак айланаси узунлиги мос равишда $y + \frac{y}{5} = \frac{6y}{5}$ бўлади. Шартга кўра, биринчидан $\frac{120}{x} = \frac{120}{\frac{5x}{4}} + 6$, иккинчидан эса $120 / (\frac{5x}{4}) = 120 / (\frac{6y}{5}) + 4$, $xy \neq 0$.

Демак, $\int 20/x = 20/y + 1$, кўринишдаги тенглама $120/(5x) = 150/(6y) + 1$,

лар системасига эгамиз. Иккинчи тенгламадан биринчи тенгламани ҳадлаб айриб, $120/(5x) - 20/x = 150/(6y) - 120/y$ тенгликка келамиз. Ун-

дан $\frac{20}{5x} = \frac{30}{6y}$ ёки, $y = \frac{5}{4}x$ га эгамиз. Буни

биринчи тенгламага қўйиб, $x = 4$ эканлини топамиз. y ҳолда, $y = 5$ бўлади. Жавоб: Олдинги ғилдирак айланаси узунлиги 4, кейингисиники эса, 5 га тенг.

5. R радиусли шарга бирор конус ташқи чизилган бўлсин. Маълумки, бу конус асосининг радиуси $x (x > R)$ билан бир қийматли аниқланади (асосланг!).

Шу сабабли, унинг ҳажми $V(x)$ га энг кичик қиймат берадиган x нинг қийматини топиш етарли.

Келинг, олдин $V(x)$ функцияни топайлик. Шу мақсадда шу конус ўқ kesimini қарайлик. Бунда, $SD \perp AB$, $OC \perp BS$, $OD = OC = R$, $AD = x$, $V(x)$

ни топиш керак. Маълумки, $V(x) = \frac{1}{3} \pi x^2 \cdot SD \cdot \Delta \cos$ да Пифагор теоремасига кўра, $CS = \sqrt{OS^2 - OC^2} = \sqrt{(SD - R)^2 - R^2}$. $\Delta \cos \infty \Delta BCD$, чунки уларнинг биттадан бурчаги тўғри, $\angle CSO$ эса, умумий. Ушбу учбурчакларнинг ўхшашлигига кўра, $\frac{OC}{DB} = \frac{CS}{SD}$ ёки $\frac{R}{x} = \frac{CD}{SD}$

ни ёзамиз. Бундан, $\frac{R^2}{x^2} = \frac{SD^2 - 2R \cdot SD}{SD^2}$ ёки

$SD = \frac{2R \cdot x^2}{x^2 - R^2}$ эканлини топамиз. Демак, $V(x) = \frac{2}{3} \pi R \cdot \frac{x^4}{x^2 - R^2}$, ($x > R$). Бу функция-

нинг энг кичик қийматини ҳосилла ёрдамида топамиз.

$V'(x) = \frac{2}{3} \pi R \frac{4x^3(x^2 - R^2) - 2x \cdot x^4}{(x^2 - R^2)^2} = \frac{4}{3} \pi R \frac{x^3(x^2 - 2R^2)}{(x^2 - R^2)^2}$. $V'(x) = 0 \Rightarrow x^2 = 2R^2 =$

$\Rightarrow x = R\sqrt{2}$, чунки $x > R$. Агар, $R < x < R\sqrt{2}$ бўлса, $V'(x) > 0$, агар $x > R\sqrt{2}$ бўлса, $V'(x) < 0$, бинобарин $x = R\sqrt{2}$ нуқтада $V(x)$ функция энг кичик қийматига эришади. Демак, R радиусли шарга ташқи чизилган энг кичик ҳажмли конус асосининг радиуси $x = R\sqrt{2}$ га, баландлиги эса,

$SD = \frac{2R \cdot 2R^2}{2R^2 - R^2} = 4R$ га тенг бўлар экан.

Энди қолган факультетларда 1989 йили таклиф қилинган ёзма иш вариантларидан биттадан мустақил ишлаш учун келтираемиз.

Кимё факультети

1. Тенгламани ечинг: $\log_3(x+1) + \log_3(x+3) = 1$.
2. Тенгламани ечинг: $2\cos x \sin x = \sin x$.
3. 25 процентли хлорид кислота эритмасини 13 процентли хлорид кислота эритмаси билан аралштириб, 650 грамм 20 процентли эритма олинади. Ҳар бир эритмадан неча граммдан олинган?
4. Жисм $S(t) = 5t^3 - 9t + 24$ қонун бўйича тўғри чизикли ҳаракат қилади. Жисмнинг $t = 2$ моментдаги тезлигини топинг.
5. Периметри 30 см бўлган тўғри бурчакли учбурчакка айлана ички чизилган. Уриниш нуқтаси катетларидан бирини, тўғри бурчак учидан ҳисоблаганда, 2:3 нисбатда бўлади. Шу учбурчак томонларининг узунликлари топилин.

Геология факультети

1. Тенгламани ечинг: $\frac{x-2}{x+1} = \frac{2}{3}$.
2. Тенгсизликни ечинг: $\frac{x+6}{x+5} > 1$.
3. Насос 8,1 минутда ҳовуздаги сувнинг $\frac{3}{5}$ қисмини бўшатиши мумкин. Насос 0,14 соат ишлагандан сўнг тўхтаб қолди. Насос тўхтагандан кейин ҳовузда 51 м³ сув қолган бўлса, ҳовузда аввал қанча сув бор эди?
4. $y = \frac{1}{3}x^3 + 2x^2 - 4\sqrt{x+2} + 8$ функциянинг ҳосиласини топинг. $y'(2)$ ни ҳисобланг.
5. Узунинг диагонали билан иккита тенг томонли учбурчакка бўлинадиган ромбга радиуси 2 см бўлган айлана ички чизилган. Ромбнинг томонини топинг.

География факультети

1. Тенгсизлик ечилсин: $|2x-3| \leq 1$.
2. Тенглама ечилсин: $\cos 3x + \cos x = 0$.
3. Қишлоқ аҳолиси 10 минг киши эди. Икки йилдан сўнг 11025 кишига етди. Аҳоли сонининг ҳар йили бир хил процентда ўсганлиги маълум. Аҳоли сонининг бир йиллик ўсиш процентини топинг.
4. $y = 2\ln x - 3e^x$ функция ҳосиласини топинг. $y'(1)$ ни ҳисобланг.
5. Тенг ёнли трапециянинг асослари 6 ва 10 га тенг, унинг диагоналлари эса ўзаро перпендикуляр. Шу трапециянинг юзи топилин.

Биология факультети

1. Тенгламани ечинг: $\log_{x-1} 4 = 2$.
2. Тенгламани ечинг: $\sin 2x = 2\sqrt{3} \cos^2 x$.
3. Кумуш ва мис қотишмаси 25 кг бўлиб, унинг таркибда 30 процент кумуш бор. Таркибда 25 процент кумуш бўлган янги қотишма олиш учун аввалги қотишмага қанча мис қўшиш керак?

4. $y = -x^3 + \frac{1}{2}x^2 - \frac{5}{2}x + 6$ функция графигига

$M_0(1; 5)$ нуқтада ўтказилган уринма Ox ўқи билан қандай бурчак ташкил қилади?

5. Тўртбурчакли пирамиданинг асоси тўғри тўртбурчак бўлиб, унинг диагонали 8 га, бу диагоналар орасидаги ўткир бурчак 60° га тенг. Ен қирраларининг ҳар бири асос текислиги билан 45° ли бурчак ҳосил қилади. Шу пирамиданинг ҳажми топилин.

Фалсафа-иқтисод факультети

1. Тенгсизликни ечинг: $\frac{2x^3 - x}{x} > 0$.
2. Тенгламани ечинг: $\log_2(2^x + 8) = x + 1$.
3. 100 сўм ойлик оладиган кишининг маоши бир хил процентга кетма-кет икки марта оширилди ва 125 сўм 44 тийинга чиқди. Ойлик маош неча процентга оширилган?
4. $y = \frac{x}{8} + \frac{2}{x}$ функциянинг $[1; 6]$ кесмадаги энг катта ва энг кичик қийматларини топинг.
5. Айлана тўғри бурчакли учбурчакнинг катта катетига уриниб, шу катет қаршидаги бурчак учидан ўтади, маркази эса гипотенузада ётади. Агар катетларнинг узунликлари 5 ва 12 бўлса, айлананинг радиуси топилин.

Ҳуқуқшунослик факультети

1. Тенгламани ечинг: $2,1x + (7,5 + 7\frac{3}{10})x + 4,7 = 3\frac{1}{10}x + 3,1$.
2. Тенгсизликни ечинг: $6\frac{1}{2} - 2,1x > 5,6 - 1\frac{1}{5}x$.
3. Тўғри тўртбурчакли параллелолипед асосининг эни $2\frac{2}{5}$ м га тенг, асосининг бўйи энидан 3,85 м ортиқ, параллелолипед баландлиги эса асос энининг 75 процентига тенг. Шу параллелолипеднинг ҳажми топилин.
4. Тутиш группасининг патруль машинаси жиноятчини таъқиб қилиш ҳақида буйруқ олганда, патруль машинаси билан жиноятчи машинаси орасидаги масофа 2 км эди. Жиноятчи машинаси тезлиги 60 км/соат, тутиш группаси машинасининг тезлиги эса, 72 км/соат. 3 минутдан сўнг машиналар орасидаги масофа қанча бўлади?
5. Тенгламани ечинг: $\frac{1}{2x} (1 + \frac{3}{x}) = 1$.
6. Тенгламани ечинг: $\log_{17}(x - \sqrt{1989}) = \cos \frac{\pi}{3}$.
7. Бир сутка мобайнида қанчадир ўғрилик содир этилди. Уларнинг $\frac{1}{3}$ қисми чўнтакка тушиш, 30 проценти автомашиналарни олиб қочиш, қолган 55 таси эса квартира ўғирликларидан иборат. Бир сутка давомида ҳаммаси бўлиб қанча ўғирлик содир этилган?
8. РОВДа 105 та ходим ишлайди. Уларнинг $\frac{4}{5}$ қисми олий юридик маълумотга эга, $\frac{1}{7}$ қисми ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширган, қолганлари эса махсус милиция мактабини тугатган. Қанча ходим махсус милиция мактабини тугатган?

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ,
физика-математика фаилари номзоди,
доцент.


Баҳодир ҲАЙДАРОВ,
физика-математика фаилари номзоди,
доцент.

«ЁШ КУЧ» ФОТОАЙБНОМАЛАРИ

Яқинда Бухоро вилояти Гиждувон ноҳияси Ленинизм колхозида яшовчи Илҳом Ориповдан редакциямизга пойабзал солинган кутича ва қўйидаги мазмунда хат келди:

«Салом ҳурматли «Ёш куч» редакцияси! Жамиятимизда қайта қуриш бораётган шу кунларда бизнинг районимизда чайқовчилар ва олғир сотувчилар кўпайиб кетди. Фикримнинг исботи учун баъзи далилларни келтирай. Яқинда онам Гиждувон бозорига бориб отчопардаги Районбод магазинидан 144 сўмга ёмғирпўш (плашч) олиб келдилар. Ёмғирпўшнинг нархи аслида 114 сўму, аммо у 144 қилиб ўзгартирилган экан. Кейин биз милиция орқали 30 сўмни қайтариб олдик. Яна бир кун Гиждувон универсамидан иккита спорт кийимини 29 сўмдан харид қилдик. Уйга келиб кўрсак 24 рақами 29 қилиб ўзгартирилибди. Бу ҳол яна тақрорланмаса, эҳтимол эсимиздан чиқиб ҳам кетарди. Бироқ... яқинда «Дилкушо» магазинидан крассовка сотиб олдим. Афсуски ундаги 16 рақами яна 18 қилиб ўзгартирилибди. (Суратларга қаранг-ред.) Ахир бу рақам ўзгартириб, устига қўйишларга, савдо-сотиқдаги олғирликларга қачонгача чидаймиз? Қачонгача бизнинг пешона теримиз билан топилган арзимас моянамизга ҳам сотувчилар кўз олайтираверишади? Районда уларни назорат қила оладиган мард борми ўзи? Еки нарсаларнинг нархини ўзгармайдиган қилиб ёзсалар бўлмайдимиз?»

Биз мазкур шикоятни Гиждувон район ички ишлар бўлими раҳбарларига ҳавола этиб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида улардан жавоб кутиб қоламиз. Ашъвий далил — пойабзал почта орқали — 29 март кунни эгасига жўнатиб юборилди.



(Боши 25-бетда)

2-диаграмма: 1. a6 ba2. Крс2 h2
3. Се5h1Ф 4. Ке3+Кр:а3 5. Сd6x

8-сондаги топшириқлар

1-диаграмма: 1. b8Л Крс7 2. Лbд8
Крb7 3. Лd7x ёки 1... Кр л6 2. Лb7 Кр d5
3. Лb7 x.

2-диаграмма: 1. Крb 2l a1Ф + 2. Л:a1
h1Ф 3. Ф:h1X

10-сондаги топшириқлар

1-диаграмма: 1. Кg8l Кр:g8 2. e7
Крh8 (2... Крh7 3. e8Ф) 3. Кrg6 крг8
4. e8Ф (Л)x

2-диаграмма: 1. Фа6l ва қоралар
цугцваигда:

1... Ле1 2. Фh6+Крг1 3. Фg5+Кр1l

Каттароқ кесак отсангиз йиқилиб тушадиган бу бино — Қашқадарё вилояти, Чироқчи ноҳияси Пахтакор қишлоғидаги 78-мактабдир. Суратни мактабнинг куюнчак ўқувчилари жўнатишган.

«Ҳурматли редакция,— деб мурожаат қилишибди ўз мактабларида ўқувчилар. Қиш фасли бошланиши



билан биз учун оғир кунлар бошланади. Мактабимиздаги печка оймўмага ўхшайди, ўзи бору, лекин иситмайди. Пальтога ўраниб ўтириб ҳам худди ташқарида ўтиргандай бўламиз. Қўлларимиз ручка ушлашга қовушмай, печканинг ёнига бориб қалтираб ўтираемиз. Шу алпозда 7—8 соат дарс ўтамиз. Печканининг иссиғи бир соатга зўрға етади. Ахир шу шароитда аъло баҳоларга ўқиб бўладими?! Биз мактабда ошхона нималигини билмаймиз, мактабимизнинг на поли, на шифти бор. Қишда ҳамма ери лой. Мактабимизнинг ташқи аҳволи суратдан ҳам аён бўлиб тургандир. Ичкарида номига битта кутубхона бор. Лекин ўқишга бирорта китобдан олиб ўқийлик десак, кутубхона очилмайди. Қишлоғимиздаги шароит ҳам шундан баттар. Кўчалар қишда лой, ёзда эса чанг, асфальт қилинмаган, клуб ҳақида ўйламасак ҳам бўлади. Қани энди биттагина касалхона, ҳаммом бўлса эди. Илтимос, редакция! Қишлоғимизга бир келиб кетинглар. Еки расмни ва мактабимизни журнал орқали эълон қилсангизлар, мактабимизни ўқиб зора бизга ёрдам берадиган мард раҳбар топилиб қолса ажабмас.

Биз мазкур шикоят юзасидан ҳам Қашқадарё область халқ таълими раҳбарларидан жавоб кутамиз.

4. Фg2X ва ҳоказо.

Эслатма: техник сабабларга кўра топшириқларнинг шартлари ўзгариб қолган, буни кўп иштирокчилар пайқашибди.

11-сондаги топшириқлар





1-диаграмма: 1. Лh8l g6 2. h4 g5
3. hgX ёки 1... g5 2. h3 g4 3. hgX.

2-диаграмма: 1. Крf3l e5 2. Кре4
b6(5) 3. Кр:e5x

Бу ерда ҳам шартлар нотўғри берилган, кўриб турганингиздек масалалар 4 юришда эмас, балки 3 юришда ҳал бўлади. Журналхонларнинг айримлари буни ҳам пайқашган. Биз сизлардан уэр сўраймиз ва раҳмат деймиз. Яқун ясашда жюри бу жиҳатларни ҳисобга олди.



Конкурснинг навбатдаги топшириқлари



Бу диаграммаларда 4 та этюд тасвирланган. Шарт: ҳаммасида оқлар

бошлаб дурангга эришади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 4 тадан очко берилади.

ЁШ КУЧ МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний,
безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 6 (48) июнь 1990.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир:
Худойберди ТУХТАБОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
(масъул котиб)
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДУСТМУҲАММАД
Бахтиёр КАРИМОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Алишер МИРЗАЕВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТУХТАЕВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музаффар ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

Бадий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Тех муҳаррир:
Улғубек ЯКВАЛХУЖАЕВ
Мусаҳҳих:
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Ёш куч» «Молодая смена» ежесечный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.
Қатортол кўчаси, 60.
Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67.
Масъул котиб — 78-75-94.
Масъул котиб ўринбосари, рассом — 78-94-73.
Бўлимлар:
Мактаб, фан-техника ва спорт — 78-57-84
Ижтимоий-сиёсий, адабий ва санъат — 78-48-85.
Хатлар — 78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар кўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди деб изоҳланиши шарт.


«Ёш куч» — «Молодая смена» июнь, 1990

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 11.04.90. Босишга рухсат этилди 4.05.90. Р-06939. Офсет усулида чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108/8. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 550162 нуска. Буюртма 3059. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
босмахонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41




Ҳожиакбар Солиҳов — тиришқоқ изланувчан ёш мусаввирлардан бири. Унинг ижодида графика етакчи ўринни эгаллайди. Лекин табиат тасвири ҳам унинг мўйқаламида ўзига хос жозиба касб этади.



«Улуғбек»



«Табиат манзаралари» туркумидан.



ЭРКИН ВОҲИДОВ

Ўзбекистон халқ шоири. «Тонг нафаси», «Юрак ва ақл», «Лирика», «Ешлик девони», «Муҳаббат», «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ» каби ўнлаб шеърӣ китоблар муаллифи. Драматург ва моҳир таржимон.

